

496

2017/2

GULISTON

*Ҳар тунинг қадр ўлубон,
Ҳар кунинг ўлсун Наврўз.*

Алишер НАВОИЙ

Баҳоринг муборак бўлсин ушбу дам

Менинг Ўзбекистон дилбар Ватаним!

СЕН БАҲОРНИ СОҒИНМАДИНГМИ?

*Уйгонгувчи боғларни кездим,
Топай дедим қирдан изингни.
Ёногингдан ранг олган дедим –
Лолазорга бурдим юзимни.
Учратмадим аммо ўзингни,
Сен баҳорни соғинмадингми?*

*Ўнгирларда сакрайди оху,
Наъматакда саъва миттижон.
Қорликлардан сипқорилган сув
Дараларда уради жавлон.
Нигоҳимдан фақат сен пинҳон,
Сен баҳорни соғинмадингми?*

*Узоқларда залворли тоғлар,
Ҳаёлимни келдилар босиб.
Утди қанча интизор чоғлар,
Васлинг менга бўлмади насиб.
Сенсиз мен ҳам, баҳор ҳам гариб,
Сен баҳорни соғинмадингми?*

*Мана, бугун Наврўзи олам,
Дўстларимга гуллар тутарман.
Қайлардасан, севикли эркам...
Қўлимда гул, сени кутарман,
Умрим бўйи чорлаб ўтарман,
Сен баҳорни соғинмадингми?*

*Абдулла Орипов,
Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири*



Jurnal 1925-yildan chiqa boshlagan

Muassis:

**O'zbekiston Respublikasi
Madaniyat vazirligi**

Bosh muharrir:

Minhojiddin MIRZO

Jamoatchilik kengashi:

**Muhammad ALI
Suyima G'ANIYEVA
Fotih JALOLOV
Farhod JO'RAYEV
Shuhrat SIROJIDDINOV
Akmal NUR
Baxtiyor SAYFULLAYEV
Hamidulla BOLTABOYEV
Isajon SULTON
Fatxulla MA'SUDOV
Mirza AZIZOV
Oqilxon IBROHIMOV**

Tahririyat:

Bosh muharrir o'rinbosari:

Temur A'ZAM

mas'ul kotib:

Komil JONTOYEV

fotomuxbir:

Mashrab NURINBOYEV

sahifalash va dizayn:

Nigina QODIROVA

navbatchi muharrir:

Ahmad TO'RA

USHBU SONDA:

*Nozim HABIBULLAYEV,
To'lqin HAYIT
Amir Temur Yevropa adabiyoti
va tarixchilari e'tirofida*

*Mirza AZIZOV:
Teatr hech qachon eskirmaydi*

*Halima XUDOYBERDIYEVA
Sizni sevgach...*

*Nurboy JABBOROV
Istiqlolga evrilgan orzu*

*E'tibor OXUNOVA
Bahor sabza ro'molini
bog'ladi...*

*Hamidulla AKBAROV
Durdona nurlari*

*Nazriddin SHERMATOV:
«Dilxiroj» – davralar ko'rki*

Ushbu sonning
O'zbekiston MK

318
№ 1

Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan 0517 raqamli guvohnoma bilan 13.09.2016-yilda ro'yxatga olingan. Jurnal ikki oyda bir marta (bir yilda oltita) chop etiladi. Mualliflar va tahririyat fikrlari farqli bo'lishi mumkin. «Guliston» jurnalidan olingan materiallarda manba ko'rsatilishi shart. Tahririyat barcha ijodiy ishlarni tahrir etishga haqli.

Bichimi 60x841/8. Buyurtma № 31. Adadi: 1600 nusxa. Hajmi 6 bosma taboq. Bosmaxonaga 12.04.2017-yilda topshirildi. Bosishga 12.04.2017-yilda ruxsat etildi. Tahririyat manzili: Toshkent — 100000, Buyuk Turon ko'chasi, 42-uy. Tel.: 233-25-66, 233-27-94.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА НАВРЎЗ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!

Она диёримизга барчамиз орзиқиб кутган, гўзал ва дилбар фасл – Наврўзи олам кириб келмоқда.

Ана шу улуғ айём – шарқона янги йил билан каттаю кичик барча юртдошларимизни чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Мана шу қутлуғ кунда сиз азизларга, сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман.

Муҳтарам дўстлар!

Бу йилги Наврўз байрами барча шаҳар ва қишлоқларимизда умумхалқ сайиллари тарзида ўтаётгани унга ўзгача файз ва шукҳ бағишламоқда.

Наврўз руҳи ва фалсафаси Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилининг ғоя ва мақсадлари билан уйғун ва ҳамоҳанг равишда намоён бўлмоқда.

Эл-юртимиздаги азиз инсонлар бир-бирларини қутлаб, дала ва қирлар, боғ ва майдонларда Наврўз байрамини шоду хуррамлик билан нишонламоқдалар. Дошқозонларда сумалаклар пишириб, дастурхонларга баҳор неъматларини тортиб, сайил-томошалар қилмоқдалар. Шу ёруғ кунларга етказгани учун шукроналар айтмоқда.

Ўзаро меҳр-оқибат, саховат ва муруват кўрсатиш, табаррук кексаларимизни йўқлаш, ногиронлар, ёрдамга муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олиш, ҳашарлар ўтказиб, юртимизни янада обод қилиш каби

савобли ишларимиз Наврўзнинг файзига янада файз қўшмоқда.

Ҳурматли юртдошлар!

Бугун фидойи деҳқон ва фермерларимиз катта орзу-умид билан янги мавсумни бошламоқдалар. Барчамиз уларни чин дилдан табриклаб, йилимиз қутлуғ келсин, ҳосилимиз мўл бўлсин, деб энг эзгу тилакларимизни билдирамиз.

Наврўзи олам Ватанимизда яшаётган барча миллат ва элат вакиллари учун, бутун халқимиз учун энг суюкли байрамдир.

Бугун биз юртимизда мана шундай қутлуғ байрамни нишонлаш баробарида, бутун дунёда тинчлик ва хотиржамлик бўлишини, узоқ ва яқин барча давлатларнинг халқларига тараққиёт, фаровонлик ҳамда равнақ тилаймиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Барчангизни Наврўз айёми билан яна бир бор табриклаб, ўзимнинг қалбимдаги энг самимий тилакларимни изҳор этаман.

Наврўзи олам юртимизга тинчлик-омонлик, бахту саодат, қут-барака олиб келсин!

Ҳар бир оила, ҳар бир хонадонда яхши кунлар, тўй-томошалар кўп бўлсин!


Барчамизнинг эзгу орзу-ниятларимиз ушалсин!

Осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Наврўз байрами барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти





Яқинда халқаро Амир Темур жамоат фонди, Темурийлар тарихи давлат музейи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан «Амир Темур чет элликлар нигоҳида» номли китоб тайёрланиб, Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан чоп этилди. Қуйидаги саҳифа ана шу китоб асосида тайёрланди.

Инсоният тарихида барча жабҳада адолатни устун билган ҳукмдорлар тарихига қизиқиш ҳамisha катта бўлган. Ана шундай зотлардан бири буюк бунёдкор, илм-фан ҳомийси, юксак ватанпарвар, ўзи барпо этган улуғ салтанатни «Темур тузуқлари»дек одилона қонунлари билан мустаҳкамлаган шавкатли ҳукмдор, енгилмас саркарда Амир Темурдир. Бу зоти шариф ҳукмронлиги давридаёқ Шарқни чингизийлар, Европани усмонийлар асоратидан асраб қолган қаҳрамон сифатида ўз вақтида яратилган китобларда эътироф этилган. Соҳибқирон Амир Темур ҳақидаги илк тарихий манба Руи Гонсалес де Клавихонинг «Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги», Йоханн Шильтбергернинг «Европа, Осиё ва Африка бўйлаб саёҳат», Султония архиепископи Иоаннинг «Дунёни билиш ҳақида китоб», монах Фома Мецеопнинг «Амир Темур ва Шоҳрух Мирзонинг Марказий Осиёдаги юришлари» номли китоблар фикримизнинг ёрқин далилидир.

Агар биз ғарб драматургиясида яратилган машҳур асарларнинг туб моҳиятига эътибор берадиган бўлсак, албатта, ҳар бир ижодкор буюк Амир Темур сиймоси орқали ўзининг эзгу-ниятли қарашларини ифода этганини кўришимиз мумкин. Хусусан, Кристофер Марлоу

AMIR TEMUR

YEVROPA ADABIYOTI VA TARIXCHILARI E'TIROFIDA

«Буюк Темур» саҳна асарида: «Доим илм ортидан қувиш, ҳаракатда бўлиш, бу дунё ташвишларини хаёлга келтирмасдан яшаш инсонга бахт-саодат келтиради», дея хулосани уйғун ҳолда яқунлайди ва бу ерда биз «дунё ташвишлари»сиз деганда, фақат муаллифнинг қараши акс этганини, Соҳибқироннинг эса, аксинча, кенгроқ фикрлаганини ҳам ҳисобга олишимиз, адибнинг Амир Темур образини Уйғониш даври зиёлилари орзу этган «яратувчан шахс, қаттиққўл ва маърифатли ҳукмдор» сифатида идрок этамиз. Энг муҳими, «Буюк Темур» драмаси инглиз ренессанс даври драматургиясида трагедия жанрига асос солиб, театр санъатини юксакликка олиб чиқди.

Бу ҳолат хорижлик муаллиф Леонардо Лео (1694-1744)нинг операсида ҳам кўринади: Амир Темур сиймоси адолатли ҳукмдор сифатида ифода этилган. Опера 1722 йилда саҳналаштирилди ва муаллифга жуда катта шухрат келтирди. Олмониялик Георг Фридрих (1685-1759)нинг «Темурбек» операси немис муסיқа маданияти ютуғи ҳисобланади. Француз адабиётининг йирик вакили Жак Прадон (1632-1698)нинг «Амир Темур ва Йилдирим Боязиднинг ўлими» драмаси анча шухрат қозониб, кейинчалик Европа санъатида Амир Темур сиймосининг яратилишида муҳим босқич вазифасини ўтади.

Француз шарқшуноси М. де Санк-сион «Амир Темур тарихи» роман-эссесини ёзишда Ибн Арабшоҳнинг «Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур» асаридан фойдаланган.

Ҳейдельберг тарихчилар мактабининг намояндаси Фридрих Шлоссер (1776-1861) «Ялпи тарих» асарида Амир Темур тўғрисида ёзаркан, унга «омадли жангчи, дунёнинг янги ҳукмдори... тактик ва стратегик билимларни уйғунлаштирган инсон», деб таъриф беради. Айни вақтда, Соҳибқирон шахсига бўлган қарашларида дабдабоз-



ликни ортиқча билиб, «давлатни бошқаришда тузук ва қонунларга суюнганини» айтиб ўтади. Инглиз тарихчиси Эдвард Гиббон (1737-1794) эса Ғарбий Европа ва Шарқ ўрта аср тарихига баҳо бераркан, Амир Темурнинг «оддий бекдан то Осиё ҳукмдори даражасига кўтарилгани»дан ҳайратда қолганини яширмайди ва унинг «инсон сифатида ҳам, ҳукмдор сифатида ҳам Йилдирим Боязиддан устун туришини» алоҳида қайд этади. Дарвоқе, Амир Темурнинг адолати шундаки, у ҳар ишни ўз қаричи билан эмас, балки қонунлар асосида, хусусан, Қуръони Каримга асосланиб, инсонийлик нуқтаи назаридан келиб чиқиб ҳал этди ва биринчи навбатда, норасида гўдақларни авайлаб, олим ва адибларни, хунармандларни ҳимоясига олди, давлатни юлғичлардан, ўғри ва каззоблардан сақлаб, ҳеч қачон ва ҳеч қаерда бировнинг ҳақиқага кўз олайтирмади, «қаердан бир ғишт олган бўлса, ўрнига ўнтасини қўйдирди», «қаерда бир дарахт кес-тирган бўлса, ўрнига ўнта ниҳол ўтказди», «чақалоқларни йиғлатмангиз, бу гуноҳи азимдур», «урушнинг ҳеч кераги йўқ» деган зот ҳам Амир Темурдир. У нафақат ўз юртини, балки улкан ҳудудни буюк салтанатга айлантирди, қанчадан-қанча мамлакат ва қарвон йўлларининг хавфсизлигини таъминлади. Ҳукмдор сифатида шундай жаҳд қилдики, унинг салтанатида «фил пашшага тавозе қилар», яъни қайси шаҳар, қишлоқда бировнинг моли йўқолса, ўғри пайдо бўлса, ўша ердаги оқсоқол жазога тортилар эди, зеро, маҳалла раҳнамоси ўғри билан тил бириктирмасеки ўз ва-зифасига сидқидилдан ёндашса, ўғирлик содир бўлмайди. Бинобарин, ўша пайтда Самарқанддан йўлга чиққан ёки, аксинча, у томондан йўлга чиққан қарвонга, ундаги юкларга бирон-бир кимса зиён етказишга журъат қилолмаган. Ёки бир ўсмир бошига тилла тўла баркашни қўйиб, салтанат буйлаб айланиб чиқса, то улғайиб, йигит бўлгунча ҳам унинг бир тилласига қўл теккиза олишмас эдики, жорий қилинган қонунлар, қаттиқ тартиблар бунга йўл бермасди. Эл тўқ, қадр-қиммати жойида, тўралар, мансабдорлар олдингидек, ўзи хон, қўланкаси майдон эмас, аксинча, улар ҳам қонунга итоат этар, эл-улус осойишталиги учун масъул саналарди. Албатта, бунга эришгунча Амир Темур кўп тер тўкиб, кўп меҳнат қилгани учун халқ уни яхши кўрар ва қадрлар эди. Чин маънода айтадиган бўлсак, Амир Темур бўлмаганда, тарих бошқача кўриниш олиши, хусусан, Европа ҳаёти ҳам тубдан бошқа томонга ўзгариб кетиши мумкин эди.

XVIII-XIX асрларга келиб, Европада Амир Темур тарихига қизиқиш янада ортди. Француз маърифатпарвар адабиётининг йирик намояндаси, файласуф ва адиб Франсуа Вольтер 1753-1758 йилларда ёзган «Халқларнинг руҳий олами ва урф-одатлари ҳақида рисола» сида Амир Темур ва унинг шавкатли набираси, давлат арбоби, йирик фалакиётшунос олим Мирзо Улуғбек давридаги улкан бунёдкорлик ва илм-фан тараққиёти, адабиёт ва санъатнинг ривожига тўхталиб ўтади. Мишель Монтен, Жан Боден, Паоло Дженов-но, Теодоро Спандужино ва бошқа тарихчи ва ижодкорлар асарларида Амир Темур афсонавий, реал шахс сифатида талқин этилади.

1996 йилда Франциянинг Париж шаҳрида эълон қилинган чет эл тадқиқотчиларининг библиографияси рўйхатига Амир Темур ва Темурийлар ҳақидаги 450 дан ортиқ асар киритилган ва, албатта, ўтган 20 йил давомида уларнинг сони яна бир неча бараварга кўпайганлиги аниқ.

Машҳур сайёҳ ва элчи Руи Гонсалес де Клавихонинг «Кундалиги» Амир Темур ва темурийлар тарихини ўрганишда ишончли манба саналади. Китоб 1404 йилда Самарқандга келган Кастилия (Испания) элчисининг хотираларидан иборат бўлиб, унинг 1403-1404 йилларда Туркия, Эрон ва Туронда ўз бошидан кечирганлари, хусусан, Амир Темур саройида кўрган-билганларини ўз ичига олган муҳим асардир.

XIV асрнинг 80-йилларида Турон султони Амир Темурнинг одилона ишлари, йирик салтанатга асос солгани ҳақидаги гаплар Европа қироллари қўлоғига ҳам чалинган, улар бу зот ҳаёти билан қизиқиб қолган эдилар ва бунинг ҳам ўзига яраша сабаблари бор. Улардан энг муҳими, европаликлар Усмонийлар империяси хавф солиб турганидан ғоятда ташвишда эдилар. Шу боис ҳам Шарқ ҳукмдори билан элчилик, савдо-сотик муносабатларини йўлга қўйишга шошилардилар. Клавихонинг «Кундалиги» ана шу тарихий шароитнинг ҳосиласи эди. «Кундалик»да Амир Темур қўл остидаги мамлакатлар ва шаҳарларнинг умумий аҳволи, халқнинг кун кечириши; бинолар, қасрлар, масжидларнинг ўрни, жойлашуви; савдо расталари, дўконлар, улардаги молларнинг тури, ҳолати, баҳоси; Амир Темур саройидаги тартиб-қоидалар, оиласининг аҳволи, фарзандлари ва невараларининг салоҳияти каби кўплаб жиҳатлар тилга олинган.

Муаллиф, шу жумладан, Самарқанд ҳақида, Амир Темур мамлақати тўғрисида шундай маълумотни келтиради: «Бу юрт дон-дун, май, мева-чева, парранда гўшти, кўйинги, ҳамма нарсага бойдир... Шу йили июнь ойида Хонбалик(Пекин)дан 800 туядан ташкил топган қарвон Самарқандга келди». Шунингдек, мамлакат халқининг «... меҳнатсевар, моҳир чавандоз, қамон отувчи мерган, умуман, сабот ва матонатда жаҳондаги бошқа элат-эллардан саботлироқ ва чидамлироқ халқ» эканини таъкидлаб ўтади. Сарой аёллари ҳақида эса: «Подшоҳнинг хотинлари аввалги тўйлардаги сингари кийинишиб ҳозир бўлдилар, эркаклар билан бирга ўйин-кулги қилдилар», деб ёзади. Бундан ташқари, алоҳида шахсларга ҳам тўхталади. Хусусан, Хонзода хоним сиймосини «Қирқ ёшлар чамасида тўладан келган, оқ юзга ўли аёл эди», дея тасвирласа, Халил Султонга «Отасига ўхшаш миқти гавдали, оқ юзли, йигирма иккига кирган йигит эди», деб таъриф беради. «Кундалик»да жой ва кишилар номлари нотўғри ёзилган ўринлар кўп учрайди. Бироқ муаллиф кишилар номларини яхши эшитмаган кўринади. Масалан, Мироншоҳ Мирзони «Миаша мирасса», Муродни «Амират», Тўхтамишни «Карамаш» деб; жой номларини: Хуросонни «Орасан», Бағдодни «Балдат», Хонбалиқни «Канбалик», деб ёзганки, тарихни яхши билмаган ўқувчи «Кундалик»ни ўқиб, чалкашликка йўл қўйиши ҳеч гап эмас. Лекин нима бўлганда ҳам, Клавихонинг ушбу асари жуда катта тарихий аҳамиятга эга эканлиги билан қимматлидир.

Инглиз муаллимаси Ҳильда I Хукхэм ҳам Лондондаги Британия музейида ишлаб, Амир Темур ҳаётини ўрганиш ва тарихий манбалар асосида бу зот ҳақида китоб ёзди. У Амир Темурни «Искандар Мақдунли, Чингизхон, Ойтиллахонлар билан бир сафда турган буюк шахсдир», деб атади ва «Амир Темур кучган зафарлар рус князликлари учун ҳам озмунча аҳамият касб этмади. Унинг Олтин Ўрда устидан эришган ғалабаси ягона Рус давлатини вужудга келтириш йўлидаги асосий тўсиқни олиб ташлади», деб баҳо беради. У яна «Самарқанд йирик илмий марказга айланди. Бу ерда унинг набираси Улуғбек расадхона бунёд қилди, юлдузлар ҳаракатини ўрганувчи «Зиж» тузди. Бу «Зиж»дан XVII асрда инглиз қиролининг етакчи мунажжими фойдаланган эди. XV асрни Темурийларнинг уйғониш асри деб аташ мумкин», деб ёзди.

Унинг ушбу сатрларни ўз ичига олган «Етти иқлим султони» асари 1995 йилда Тошкентда «Адолат» нашриёти томонидан Ҳ. Тўрабеков ва Шерали Сокин таржимасида чоп этилган.

Нозим ҲАБИБУЛЛАЕВ,
Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди раиси,
Тўлқин ҲАЙИТ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Театр ҳамиша ибрат даргоҳи бўлган. Саҳнада ўйналаётган кечинмалар аслида ҳаётдан бир лавҳа. Фарқи шуки, уни кўриш, тинглаш, ҳис қилиш, хулоса чиқариш мумкин. Мана, яна бир саҳна асари ниҳоясига етди. Актёрлар саҳна ортига, томошабинлар фойега чиқа бошлаши билан спектаклнинг иккинчи умри – ибрат ва хулосалар бошланади. Томошабиннинг кўраётган асардан кўнгли тўлмаса, юраги «жиз» этмаса, қарсак чалмайди. Актёр ҳам ўз ролига борлиғини бермаса, ундаги кечинмалар билан бир лаҳза яшаб кўрмаса, ҳеч кимни ишонтира олмайди. Айниқса, бугуннинг томошабини фақат маҳорат ва истеъдодни кўра олсагина, саҳнадаги ижрога қойил қолади. Шунинг учун ҳам спектаклларнинг сифати ва салмоғини яхшилаш масаласи театрлар олдига доимий вазифа ҳисобланади. Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали театри директори, Ўзбекистон халқ артисти Мирза Азизов билан суҳбатимиз театрлар фаолияти хусусида бўлди.

ТЕАТР

hech qachon eskirmaydi



– Ўтган асрда телевидение оммалашгани театрлар фаолиятига рахна соладигандек, томошабини телевидение тортиб оладигандек туюлиб, «Театрларнинг эртанги куни нима бўлади?» деган савол пайдо бўлган экан. Бугунги глобаллашув замонида театрларнинг бошқа рақобатчилари ҳам кўпайгандек...

– Театр пайдо бўлибдики, инсонларга эзгулик улашувчи муқаддас даргоҳ сифатида тушунилади. Театр санъати ҳеч қачон эскирмайди. Бу шундай денгизки, қанча чуқур шўнғисангиз, жавоҳирлари шунча кўпаяди. Интернет, телевидение, янги технологиялар инсониятнинг манфаатларига хизмат қилиши керак. Инсон ўз қўлидаги жиҳозларнинг қулига айланиб қолмаслиги учун ҳам биз маънавият даргоҳи сифатида ўрناق бўладиган томошалар қўйишимиз, бунга халқимизни, айниқса, ёшларни кенг жалб қилишимиз керак. Қачон, қаерда бўлманг, одамда маънавий ҳордиқ учун эҳтиёж бўлади. Шунда ҳеч қандай технология сизга ёрдамга келмайди. Мана, театр қаерда керак. Бундан минг йил кейин ҳам ўйлайманки, театр ўз томошабинига эга бўлади. Театр

санъати яшайди.

– Театрда таъмирлаш ишларини кўриб кўнглимиз кўтарилди. Бу барча театр мухлисларини хурсанд қилган бўлса керак.

– Албатта, Вазирлар Маҳкамасининг ташаббуси ҳамда Маданият вазирлигининг қўллаб-қувватлаши билан театримизда таъмирлаш ишлари олиб борилаётгани ҳаммамизни қувонтирди. Сабаби, 1943 йилда қурилган театр биринчи марта қайта капитал таъмирдан чиқмоқда. Театримиз ўтган асрда Тошкент шаҳрининг кўрки бўлган. Энди ўз архитектурасини сақлаб қолган ҳолда ҳам тарихий, ҳам миллий, ҳам замонавий кўркам бир бинога айланади. Мухлисларимиз спектаклга келиб, чин маънода маънавий ҳордиқ чиқариши, актёрларга ҳам ўз иш жойидан қониқиб, илҳом билан ишлашлари учун барча шароитлар қилинди. Актёрлар дам олишлари учун ҳовлида лойиҳа асосида соясалқин жойлар, ўриндиқлар, гулзор, спорт майдончалари қуриб битказилмоқда.

Саҳналар ва бошқа ашёлар замонавий технологиялар билан бойитилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев биз ижодкорларга катта ишонч билдириб, «Ижод аҳли



инсон қалбининг муҳандисларидир», деб таъкидлади. Биз ижод аҳли – шоир-ёзувчилар, рассомлар, актёрлар, хонанда, раққосалар бўладими, бизга бу катта шараф бўлиши билан биргаликда улкан масъулият ҳамдир. Биз ўз ишимизга борлигимизни бағишлаб ижод қилсак, инсонлар кўнглига йўл топамиз. Бунинг учун, албатта, шароит керак. Мана, биз бугун театримиз мисолида бу улкан эътибордан миннатдор бўлиб турибмиз. Энди бу юксак эътиборга ўзимизнинг мукамал, пишиқ асарларимиз билан жавоб берамиз.

– Истеъдодли ёш актёрларни театрга қабул қилишда нима-ларга эътибор қаратасиз?

– Шу ўринда бир жиҳатга алоҳида тўхталиб ўтишни лозим топдим. Мамлакатимиз мустақиллигининг илк йилларидан бошлаб, ёшларга катта эътибор қаратилди. Малакали кадрларни тайёрлаш масаласи кун тартибда бўлди. Бу сиёсат ўз самарасини бериб, бугунги кунда қайси соҳани олманг, ёш, ўз ишининг ипидан игна-сигача биладиган, икки-учта чет тилини ўзлаштирган мутахассисларни кўрамыз. Мана, ҳақиқий мустақиллик ёшлари! Бугунги кунда уларга келажагимиз деб, ворисларимиз деб қараймиз.

Шуни қувонч билан айтишни истардимки, кейинги йилларда театримизга интеллектуал салоҳияти баланд, истеъдодли, одобли йигит-қизлар кириб келишди. Биз мусиқали театр бўлганимиз учун овоз ҳам катта аҳамиятга эга. Улардаги овоз имкониятлари, кўча-кўйда ўзини тутиши, томошабин билан муносабати ҳавас қилса арзигулик. Мана шундай ёшларимиз жуда ҳам кўп. Мен улар билан ҳақли равишда фахрланаман. Биз бу ёшларга бемалол залворли ролларни ишониб топшираяпмиз. Ўзбек театрининг эртанги кунни бўлган ёш актёрлар устозлар кўмагида ўз ишига масъулият билан ёндашиб, ҳам мухлисларнинг, ҳам театр жамоасининг эътирофига сазовор бўлмоқда. Биз бугунги кунда мана шу ёшлар билан жамиятнинг олдимизга қўйган талабларига жавоб берамиз. Ўйлайманки, улар келажақда Раззоқ Ҳамроев, Аббос Бакиров, Лутфихоним Саримсоқова, Маҳмуджон Ғофуров, Сойиб Хўжаев, Ҳамза Умаров, Фароғат Раҳматова, Суръат Пўлатов, Файзулла Аҳмедов сингари устозлар каби театримизнинг фахрларига айланишади.

– Шу ўринда устоз-шогирд аънаналари хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз?

– Халқимизнинг энг қимматли қадриятларидан бири устоз-шогирд аънаналаридир. Устоз нафақат ўз соҳасида, ҳаёт йўлида ҳам шогирдларига ўрнак бўлиши керак. «Устоз-устоз» деган навбатчи гаплар бошқа, ҳақиқий устоз-шогирдлик йўли бошқа. Бу улуг аъна-ана устоздан ҳам, шогирддан ҳам катта масъулият талаб қилади. Масалан, халқ артисти Раззоқ Ҳамроевни устоз деб чақиришса, унчалик хушламас экан. «Мени домла дея қолинглар. Устозлик – улуг мартаба. Мен ҳали устоз бўлиб, ҳеч нима қилганим йўқ-ку. Устоз дегани уй-жойли қилиб, фарзандлари тарбиясида ҳам шогирдига керакли насиҳатларни қилиб, ишда соҳанинг сир-асрорларини ўргатадиган одам», дер экан. Шунинг учун бу инсонларнинг бир ёки икки нафардан шогирди бўлган. Чунки устоз шогирдининг ҳаёт йўлида отаси билан баробар жавобгар инсон. Шогирд устознинг этагини ушладими, унинг ҳар бир айтган гапи, ҳар бир ҳаракатидан ўрнак олиши керак. Устоз ҳам, ўз навбатида, ўз хатти-ҳаракатларини таҳрир қила боради. Шогирдимга ёмон намуна бўлмайин деб чекишни, баъзи одатларини ташлаган устозлар бор.

Бевосита театримизга келадиган бўлсак, Ўзбекистон халқ артистлари Бахтиёр Ихтиёров, Наима Пўлатова, Марям Ихтиёрова, Одинахон Нарзуллаева, Меҳри Бекжонова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Боир Холмирзаев, Меҳмонали Салимов, Турғун Бекназаров, Александр Бекжонов, Ҳамид Тўхтаевни ғамхўр устозлардан деса бўлади. Улар ўз шогирдларининг юриш-туриши, одоби, сахнада, сахна ортида, гримда, овоз имкониятларидан фойдаланишда, шунингдек, оилавий шароити, дўстлари билан ҳам қизиқишади. Керакли маслаҳатларини беришади. Бетоб бўлиб қол-



са, хабар олади. Шогирдлар ҳам ўз ўрнида, бир фарзанд қатори устозининг атрофида бўлади. Бу аъна, шунингдек, ёшлар билан катта авлод ўртасида меҳр-оқибат, иззат-ҳурмат сингари улуг одатлар барқарорлигини таъминлайди.

– Ёшлигимизда теле-радио орқали спектаклларда айtilган кўшиқлар бериладиган концертларни тинглардик. «Тошболта ошиқ» спектаклидаги «Айланай» арияси сингари кўшиқлар спектаклларни ҳам машҳур қилган эди. Сиз раҳбарлик қилаётган театр бевосита мусиқали театр. Спектаклларда бугунги кунда ижро этиладиган кўшиқларни ҳам эфирларга олиб чиқиш масаласи ёки спектаклларни тўлиқ ҳажмда кўрсатиш имкониятлари хусусида тўхталсангиз.

– Бу борада ҳали қилинадиган ишлар кўп. Масалан, арияларни айна пайтда эстрада хонандалари ижро этишмоқда. Ўрни келганда сайқал бериб ижро этишяпти. Лекин бу фалон спектаклдаги фалон кўшиқ деб айтиб ҳам қўйишмайди. Титрда ҳам ёзишмайди. Худди ночорликдан, изланишга эрингандан бу дурдоналарга мурожаат қилаётгандек туюлади. Ҳозирча, халқимиз учрашувларда, байрамларда, гастролларда актёрларимиз ижросидан баҳраманд бўлиб туришибди. Эндиликда айна пайтда қўйилаётган спектаклларда айtilган ариялар, дуэтлардан ҳам гулдаста қилиб, концертлар тайёрлаймиз. Биз мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришларга ҳамоҳанг олдимизга улкан режалар, мақсадларни қўйиб, ҳаракат қияпмиз.

Радио орқали спектаклларнинг трансляцияларини, телевидениега сифатли ёзиб олиб, намойиш этишни йўлга қўйишимиз керак. Республиканинг чекка бир қишлоғида яшовчи отахон ёшлигида театримизга келган бўлса, бугунги кунда бирор спектаклни телевизор орқали кўрса, унда



солиштириш имкони бўлади. Фикр уйғонади. Невараларига театр хусусида сўзлаб беради. Ёки бир кунда саккиз-ўн соат йўлда юрайдиган ҳайдовчилар бор. Улар бирор спектаклни радио орқали тинглаб кетса, ҳамиша театрга келишга вақти йўқ одам мана шу йўл билан асл санъат намуналаридан баҳраманд бўлади. Хуллас, олдинда қилинадиган ишларимиз кўп.

– **Ролга муносиб актёр танлаш – спектаклнинг ярим муваффақияти дейишади. Масалан, «Олтин девор» Ғани Аъзамов учун, «Келинлар кўзгони» Зайнаб Садриева учун, «Тошболта ошиқ» Сойиб Хўжаев учун, «Парвона» Обид Юнусов учун ёзилгандек... Халқимиз бу актёрларни саҳнадаги образлари номлари билан Мўминтой, Фармонбиби, Ўтқурий деб билишади. Айни пайтда бу масалада театр қандай ишларни олиб бормоқда.**

– Театримизда устоз санъаткорлар билан бир қаторда бир гуруҳ ёш истеъдодлар ҳам фаолият олиб боришади. Бизнинг улардан умидимиз катта. Айни пайтда бир қатор спектаклларни ҳавола этдик. Мана, «Лайли ва Мажнун» спектаклини олайлик. Ўттиз йилдан сўнг бу асарни қайта саҳнага олиб чиқдик. Иккиланмасдан ёшларга бош ролларни топширдик. Лайлини ижро этган қизимиз Дилором Абдуолимовани халқимиз яхши қарши олди. У «Эътироф – 2016» танловида «Йилнинг энг яхши актрисаси» деб топилди. Бу йўлдаги эзгу анъаналарни давом эттириб, спектаклларни ҳар жиҳатдан савиясини оширамиз. Томошабин маънавий ҳордиқ, завқ, ибрат оладиган спектаклларни тақдим этамиз. Бунинг учун драматургларимиздан фалсафий, тарихий, замонамиз қаҳрамонларининг фаолиятлари ёритилган замонавий асарларни кутиб қоламиз.

– **Спектаклни саҳнага олиб чиқишда декорациянинг ҳам катта аҳамияти бор...**

– Театр расоми спектаклнинг бадиий савиясига режиссёр билан бир хил масъул. Чизиш, ясаш ҳамманинг ҳам қўлидан келади. Лекин тафаккур қобилияти билан саҳна яратиш бошқа масала. Бадиий саҳна иши мураккаб. Шунинг учун актёр ролга тайёрланиш жа-

раёнида образга киришиш учун қанча тайёргарлик кўрса, рассом саҳна учун шунчалик жавобгар. Тасаввур қилинг, «Лайли ва Мажнун»ни ўқимаган рассом спектаклга қандай декорация ишлайди? Рассомнинг савияси унинг маҳорати билан бир хил бўлиши керак. Изланмайдиган, ўз устида ишламайдиган, китоб ўқимайдиган рассомни ҳеч қайси театр ишга олмайди. Бу масалада театрларимизда муаммо йўқ. Чунки саҳна декорацияси ўхшамай қолган, номига ишланган саҳна йўқ бугунги кунда.

– **Шу ўринда яна бир савол туғилди. Айрим театрларда кассабоп томошалар кўйилишига муносабатингиз қандай?**

– Мамлакатимизда илк театр иш бошлаганига юз йилдан ошди. Бизнинг театримиз 78 йиллик фаолиятга эга. Театрнинг асосий вазифаси томошабиннинг ёши, диди, талабидан келиб чиқиб, спектакллар яратиш. Шу маънода ҳар бир театрнинг ўз олдига кўйиладиган талаблари мавжуд. Томошабинни кўпайтирмаман, деб савияни тушириш ҳам театрнинг обрўсига путур етказиши. Ҳар қандай спектаклда «ярқ» этган, томошабиннинг юрагини «жиз» этказадиган маъно бўлмас экан, бундай томошадан муҳлис ҳам зерикади. Шунинг учун ҳам улуғ театр дарғалари енгил-өлпи ролларни ижро этишмаган. Майли, эпизод бўлсин, майли салбий роль бўлсин, унда юк бўлса, ижро этиш керак. Ҳавойи образ актёрни чучмаллаштиради. «Комедия» билан асл комедиянинг фарқи бор. Биз театрни томошахонага айлантirmаймиз. У чин маънода мактаб, ибрат, маънавият ўчоғи бўлиб қолади.

– **Республиканинг бошқа театрлари билан тажриба алмашиш, бошқа саҳнада роль ижро этиб кўриш, гастроллар режаси ҳақида гапириб берсангиз?**

– Бугун республикамизда қирққа яқин театр ва тетр студиялари фаолият юритиб келади. Биз республика театрлари бутун бир жамоамиз. Бир-биримиз билан тажриба алмашамиз, спектаклларни бориб кўрамиз, ўрни келганда таҳлил, танқид қиламиз. Учрашувлар, гастролларда бўламиз. Мана, ўтган йили Эркин Комилов Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд драма театрида Мирзо Улуғбекни ўйнади. Бердақ номидаги Қорақалпоқ театри Тошкентда спектакллар кўйди. Бу тажрибаларни кейинги йилларда ҳам оммалаштириб, чекка туманларда ҳам спектакллар кўйиб, халқимизни хушнуд этиш ниятимиз бор.

– **Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!**

Манзура ШАМСИЕВА суҳбатлашди



El ardog'i



Бахши, бастакор, хонанда, созанда, меҳрибон устоз, дирижёр, Ўзбекистон халқ артисти Рўзимбек Муродовнинг номи миллий энциклопедиямиз зарварақларидан ўрин олган. Бу бежиз эмас, албатта.

Қадимдан халқимиз ўзининг буюк олимлари, шоиру фузалолари, ихтирочи-ю санъаткорларини қадрлаб келган. Ана шундай эъзозга сазовор санъаткор Ўзбекистон халқ артисти Рўзимбек Муродов ўзбек халқ мусиқа санъатининг фидойи намоёндаларидан бири эди. Унинг серқирра ижодига назар солар эканмиз, бир неча ўнлаб ўзбек халқ дostonларининг моҳир ижрочиси, Хоразм мақомларининг билимдонни, юзлаб шогирдларнинг устози, мусиқа санъатининг профессионал даражадаги мураббийси, дирижёр эканлигининг гувоҳи бўламиз. Рўзимбек Муродовнинг Тошкент мусиқа билим юртидаги ўқитувчилик, шунингдек, Ўзбекистон телерадиоси қошидаги ўзбек халқ чолғулари оркестридаги дирижёрлик фаолияти фикримизнинг ёрқин далилидир. Р. Муродов халқ оғзаки ижодига мансуб ноёб жанр бўлган дostonчилик борасида кенг кўламда изланишлар олиб борди, жуда катта муваффақиятларга эришди ва Ўзбекистонда дostonчилик санъатининг олдинги қаторидан ўрин олди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, бахшилиқ ҳам бошқа санъат турлари каби ўта мураккаб, машаққатли, у ижодкордан тинимсиз меҳнат талаб қилади. Бундай ижрочи саҳнада

ҳам созанда, ҳам хонанда, ҳам шоир, қолаверса, актёрлик вазифаларини бажара олиши керак. Бахши дoston ижро этаётганида, авваламбор, воқеликни ҳикоя қилади. Демак, у сўз бойлигига эга бўлиши зарур. Дoston персонажларининг сўзини, сезимларини оҳангга солиб ижро этиши керак. Мусиқа усулларининг ҳиссаларига ва оҳангларига бўйсунмайдиган сўзларни, кези келганда, маъно ва моҳиятини бузмайдиган бошқа сўзларга алмаштира билиш хислатига ҳам эга бўлиши лозим. Шу билан бирга, асар қаҳрамонларининг характерини, руҳиятини кўрсата олиши зарур. Ижрочининг шундай хусусиятлари мужассамлашганлиги сабабли, пировардида, ижро этилаётган дoston дилларни ром этади.

Устоз санъаткор Рўзимбек Муродов шу тарзда бир неча дostonларни ёд олган, кўпларига куйлар басталаган, тиклаган, баъзиларини қайта ишлаб, уларга сайқал бериб, янгича тусда халққа инъом этган. Унинг ижросидаги «Кунтуғмиш», «Гўрўғли ва Бозиргон», «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам», «Тоҳир ва Зухра», «Иброҳим Халилуллоҳ», «Нажабўғлон» каби машҳур дostonларни санъатсевар халқимиз яхши билади ва кўп марта мириқиб тинглаш бахтига муяссар бўлган. Камина Рўзимбек Муродовнинг юзлаб шогирдларининг бири сифатида устознинг кўрсатмаларига таяниб унинг ижодига мансуб «Гўрўғли ва Бозиргон» дostonидан «Лирик кўшиқ» куйини ғижжақда ижро этишга эришдим. Бу куйнинг,

ҳатто фортепиано партиясини ҳам мусиқий билимга эга эканлиги боис, устоз ўзи басталаган. Мазкур куй кўплаб танловларда, концерт дастурларида ижро этиб келинади.

Ҳозирги кунда нафақат «Лирик кўшиқ», балки устознинг бошқа куйлари ҳам ғижжақчилар дастуридан муносиб ўрин олган. Ўзбекистон халқ артисти, эл севган бахши, устоз Рўзимбек Муродов ўзбек мусиқа санъати равнақи йўлида сермахсул ижод қилган, келажак авлод учун ўзидан бой мусиқий мерос қолдирган. Юқорида санаб ўтилган дostonларнинг барчаси телерадиокомпаниянинг олтин фонди ва граммпластинкаларга ёзилган. Бугунги кунда устоз Рўзимбек Муродовнинг шогирдлари ичида ўзлари устоз даражасига етганлари кўп ва улар халқимиз учун баракали хизмат қилиб келмоқдалар. Жумладан, соз ясовчи уста, ўқитувчи-мураббий Асқар Эргашев, ўқитувчи Хусан Носиров, Асадулла Ёдгоров, бастакор ва созанда Мирҳосил Азизов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Машраб Эрматов, Комилжон Мирзаев ва бошқалар.

Устознинг умри давомида бо-сиб ўтган ҳаёт ва ижод йўли бугунги миллий санъатимиз ёшларига, келажак авлодларга ибрат бўлиши шубҳасиз.

Қаҳрамон НАЗИРОВ,
Ўзбекистон давлат
консерваторияси
профессори



Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоири

Sizni sevgach, men chamanlar, lolalarga uchragim.....

МУҚАДДАС АЁЛ

Ошиқларинг пойинга гул отиб ҳам бўлди,
Хилватларда лабингдан бол тотиб ҳам бўлди,
Ва бу ҳақда кимларгадир сотиб ҳам бўлди,
Сен барибир муқаддассан,
Муқаддас Аёл!

Аввал: «Кел-эй, кучоғимга тўл, балқ», дедилар,
Унамадинг, «аёл ўзи терс халқ», дедилар,
Ичолмагач, юз ўгириб, шўр, талх, дедилар,
Сен барибир муқаддассан,
Муқаддас Аёл!

Сен дарёсан, ўпганини қирғоқ яширар,
Жуфтим бўл, деб чопганини ҳар тоқ яширар,
Жаннатим, деб қувонмасдан қумлоқ яширар,
Сен барибир муқаддассан,
Муқаддас Аёл!

Асли бу бор эрмакларнинг борар ери Сен,
Росту ёлғон эртақларнинг борар ери Сен,
Асов отдай эркақларнинг борар ери Сен,
Сен барибир муқаддассан,
Муқаддас Аёл!

Чорлашганда сен келсанг, гоҳ бекор келсанг-да,
Маст даврага бир сарин ел, бир тор келсанг-да,
Хор келсанг-да, номардларга гоҳ хор келсанг-да,
Сен барибир муқаддассан,
Муқаддас Аёл!

Қимтинасан, астагина кўтарасан бош,
Минг йилликдир кўзингдаги жовдираган ёш,
Гуноҳқорлар мингу, битта Сенга тегар тош,
Сен барибир муқаддассан,
Муқаддас Аёл!

Ҳарир, хушбўй баданинга тошлар изи бор,
Кўкрагинга эгилган не бошлар изи бор,
Қуёш изи, куйдирган қуёшлар изи бор,
Сен барибир муқаддассан,
Муқаддас Аёл!

ДОРИЛАМОН КУНЛАР КЕЛДИ...

Онагинам!
Дориламон кунлар келди, шафақлари ол,
Қаён боқсанг, шайланишлар ва созлашл ар тор,
Олча гулин кўзларингга суртасан беҳол:
«Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор».
Сўлғин-сўлғин лабларингдан учаркан шу сўз,
Отагинам хаёлимда ростлай бошлар қад.
Дориламон кунларга қайт, онам, юмиб кўз
Ўксик дилда бошланмасин десанг қиёмат.
Бу табиат суюмлидир ҳам кўзлари кўр,
Гоҳ шаробдан, гоҳ оғудан қилар бизни маст.
Белгинанга тирак бўлай, онажоним, тур,
Дориламон қуёшга боқ, унга қасдма-қасд.
Юзинг ардоқли қуёшдай иссиқ ва маҳваш
Кўзларингда умид ёнар тикилган они.
Қорли кунлар билан кетсин дилингдаги ғаш,
Қизғиш, лола ранг қоплайдир бу кун дунёни.
Бу дунёнинг қир-дарасин хосияти мўл,
Ерни яланг оёқ боссанг яйрайди танинг.
Яшамоқ – бир тансиқ таом, унга урсанг қўл,
Борган сари очиладир иштаханг санинг.
Боғлардаги етилгуси ҳар мевали шох.
Ризқдир бизга, ризққа доим дил илинжлиқдир.
Ўғлонларинг келар ана, очишиб қучоқ,
Ўғлонларинг мева қадар бир ширинликдир.
Онагинам!
Ўзинг тортма давралардан, эл чорлаганда,
«Тирикликнинг байрами», деб созланганда тор.
Ўзинг сўлғин лаблар билан пичирлагандай:
«Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор».

ШЕЪРИМГА

Мен сени китобга ёздим-у...
Пайт пойлаб китобдан чиқ, шеърим.
Сўкилган дилларни тик, шеърим,
Беҳуда ўртаниб ёздимми?

Мен сени китобга ёздим-у,
Изласам китобдан топмайин.
Гўдак бўл, мен узай қарзимни,
Онага айланиб қол, майин.



Китобда шеър ҳолда қолмасдан,
Омад бўл, ўйинда ютай мен.
Мард ўғлон кўзида айт дoston,
Умрбод шу кўз деб ўтай мен.

Китобда қолмагин сен тиниб,
Ўжарлик, ўт билан кўтар бош.
Базм аро эшитай шовқининг,
Азада кўрайин, тўккин ёш.

Чиқа қол, китобнинг қатин оч,
Тайсаллаб бўлмагин аросат.
Боланинг кўзида бўл ишонч,
Улғайган одамда фаросат.

Балки мен сен деб ҳам ўлмасман,
Ҳеч кимга ишонмас бисотим.
Мен сени баҳолай билмасман,
Сен менинг ҳаётим, ҳаётим!

Истамам, ҳаётни мен чиндан
Китобда йўқолса ими-жим.
Сарғаймай варақлар ичинда
Китобдан чиқади ҳаётим.
Мен сени китобга ёздим-у...

СИЗНИ СЕВГАЧ

Сизни севгач, мен чаманлар, лолаларга учрагум,
Омад келгай, аълолардан аълоларга учрагум,
Билмадим, бу ишқ олами бахтмидур ё мусибат,
Қўрқаменким, тагин қанча балоларга учрагум.

Тосдай қора сочларимни қилиб тол-тол ўрдим мен,
Занжир-занжир тўлқинидан ўзим ҳам лол, ўрдим мен,
Болалигу балоғатим тўқиган бу занжирни
Боғлаб қолса, ногоҳ узиб қилманг увол, ўрдим мен.

Сиз ногоҳда дуч келсангиз дод айлагай минг санам,
Бир боқсангиз ўз кўнглини шод айлагай минг санам,
Сиз кетурсиз, қаршингизда ўзга қўча, сулувлар,
Бул кўчада бир умрга ёд айлагай минг санам.

Минг санамнинг додин тинглаб бағрим менинг ўт бўлур,
Кўз ёшларим тошар дарё, оҳларим булут бўлур,
Минг санамнинг ҳар нигоҳи бир ўқ отса бағрима,
Ким айтади минг ўқ еган бағрим менинг бут бўлур.

Оҳ, қўрқаман, ишқим менинг рашку орга айланур,
Тўлқин урган занжир-занжир сочим дорга айланур,
Ва қалбим ҳам, лолаларга учраган шу бахтли қалб,
Ўз қонига бўялар-у полазорга айланур...

Сизни севгач, мен чаманлар, лолаларга учрагум.





ўлпону Фитратлардан кейин қарийб ўттиз йилги шеърятимиз истиқлол орзусидан махрум этилди. Адабиёт нафақат истиқлол орзусидан, умуман сўз эркинлигидан жудо бўлди. «Мен нечун севаман Ўзбекистонни» шеъри яратилган 1964 йилда Ватан, халқ ҳақида чучмал, таъсирсиз сўзлар назм на-

мунаси ўлароқ тақдим этилар, уларнинг деярли барчасида бир хил яшасинчилик руҳи ҳукмрон эди. Ўзбек шеърятисида бирданги яшин чақнади, момақалди роқ гулдиради гўё. Бу яшин сабабли ватанинг – бутуниттифоқ, миллатинг – совет, деган сохта туйғуларга ўт кетди. Бу момақалди роқ Ватан ҳақидаги кўнгилда яшириниб ётган туйғулар жунбушга келганидан бонг урди. «Мен нечун севаман Ўзбекистонни?» – бундай саволни унганча ҳеч ким бу тарзда кун тартибига қўя олмаган эди. Бунинг ўша замон учун қанчалик жасорат бўлганини ҳар бир инсофли одам эътироф этади.

Абдулла Орипов адабиётга чақмоқдек кириб келган ўтган асрнинг 60-70-йиллари гарчи тарихга «илимлик» даври сифатида кирган бўлса ҳам, ўша кезлари шўро цензураси авжга мингани сир эмас. Цензуранинг моҳияти А.Герценнинг куйидаги сўзларида анчайин аниқ ва муфассал ифодаланган: «...ўз сўзини билинтирмаслик услубини ва санъатини ривожлантиришга цензура жуда катта ёрдам беради. Цензура тўсиғидан асабийлашган ижодкор уни энгишни хоҳлайди ва бунда деярли ҳамиша муваффақият қозонади. Кинояли сўз ҳаяжон, кураш изларини сақлаб қолади; унда оддий баёнга нисбатан эҳтирос кўпроқ бўлади. Очиғини айтмаслик ўз пардаси остида кучлироқ, тушунишни истаган киши учун ҳамиша равшан бўлади... Пинҳона фикр сўзнинг қудратини оширади, яланғоч фикр эса идрокни жиловлайди. Ёзувчи қанчалик эҳтиёт бўлишини биладиган ўқувчи уни диққат билан ўқийди; ўқувчи билан муаллиф ўртасида яширин алоқа пайдо бўлади. Бири ёзганини яширади, иккинчиси эса уни тушунади. Цензура шундай бир тўрқи, майда чивинларни ушлаб қолади, катталарини эса ўтказиб юборади».

Образлилик – шеърятнинг бош шартларидан. Назмий асарнинг бадиий қиммати образнинг нечоғлик ёрқин экани билан белгиланади. Булбул ва тўти – мумтоз адабиётимизда энг кўп қўлланган образлар. Анъанавий образга тамомила янгича мазмун юклаш учун ижодкорда фантазия кенг бўлиши зарур. Ҳатто баъзан кенг фантазиянинг ўзи ҳам етарли бўлмаслиги мумкин. Бунинг учун фавқуллода истеъдод талаб этилади. «Она тилимга» деган шеърисида «шоир «булбул» ва «тўти» образларига қутилмаган ракурсда ёндашиб, булбул куйини шеърга солаётгани сабаби – она тилининг мавжудлиги, тилини йўқотганлар тўти билан қисматдош бўлишга маҳкумлиги ҳақидаги ўзига хос поэтик хулосага келади.

Бор-йўғи саккиз қаторлик «Тилла балиқча» шеъри кўпдан-кўп баҳсу мунозараларга сабаб бўлган маълум. Бу шеърда ҳам муаллиф рамзлар, тимсоллар тилидан фойдаланади. «Лойқа ҳовуз» – бу муҳит тимсоли. «Тилла балиқча» эса – ана шу чиркин муҳит асири. Бу шеърни, таъбир жоиз бўлса, шахс эркини ҳар томонлама чеклаб қўйган шўролар муҳити устидан чиқарилган поэтик айблов, деб ҳисоблаш мумкин. Бунчалик катта мазмунни бор-йўғи 38 сўз воситасида бетакрор ифодалаш, табиийки шоирдан юксак маҳоратни талаб этади.

Бухоро газининг Москвага етиб бориши муносабати билан ёзилган «Совға» шеъри бошдан-охир кинояга йўғрилган. Шеърнинг сарлавҳасидаёқ чуқур киноя бор. Совға одатда чин кўнгилдан берилади. Бироқ Бухорога Москвага тўхфа ўлароқ олиб борилмагани аён. Мана бу

сўзлар аччиқ киноя маҳсули эканини сезиш қийин эмас:

**Қандай баён қилай фикримни ахир,
Мана, олиб келдик ўтчимизни ҳам...
Ёз пайти саратон қиздирса лов-лов, –
Сиздан ҳам шаббода келгуси бизга.**

Сиздан фақат совуқ шабада келиши мумкин, холос! – Бундай фикрни айтиш учун ўша тарихий вазиятда ижодкорга шернинг юраги керак бўлгани сир эмас. Ўз бойликларимизга ўзимиз эгалик қила олмаслигимиз шоирнинг кўнглини шу даражада ўртаганки, ана шундай сатрларни битишга жасорат топган.

«Минораи калон тепасидаги лайлак» шеърисидаги булбул, товус, лайлак – булар рамзлардир. Булбул – Бухорои шарифнинг қачонлардир дунёнинг энг обод маскани бўлгани рамзи. Аслида, у бахтдан, сурурдан маст куйлаши зарур эди. Таассуфки, у кўзида ёш билан кетди. Ўша бахтнинг толесизликка, сурурнинг андуҳга айланганидан йиғлаб тарк этди бу маъвони. Товус – бу юрт ҳукмдорларининг саройларини ҳам безаган шон-шавкат тимсоли. У ҳам номаълум жойларга йўқолди. Фақат лайлак кетмади, у мангуга қолди. Нима учун? Сабаби: «Ажаб, қушнинг оёқлари гўзага ўхшар, Қанотлари эса унинг пахтадек оппоқ».

«Пахта деса кўз олдимга келади ўзбек, Ўзбек деса кенг пахтазор бўлар намоеън», дея бутун бир миллат қандайдир ўсимликка тенглаштирилган бир замонда бундай киноя учун муаллифнинг бошига Бесутун тошлари ёғилиши муқаррар эди. Ижодкорларга хос бир услуб бор: замон ва маконни кўчириб тасвирлаш. Бу услубга цензура кучайган замонларда, айниқса, кўп мурожаат қилинган. Фурқат шеърятисида, публицистикасида, Фитрат шеърлари ва драмаларида бунга анчагина мисоллар бор. «Некрасов ҳасрати» шеърисида Абдулла Орипов ҳам айни услубдан фойдалангани кузатилади: «Шоир хаёлларга берилади, бас, Ермушка йиғлар сахар чоғида. Фақат шоир бўлиш... Бу ҳали етмас – То кишан бор экан юрт оёғида».

Муаллиф Некрасовга нисбат берган бу фикрлар ўша кезда Абдулла Ориповни кўпроқ ўртагани аниқ. Мазкур шеърдан олинган қуйидаги иқтибос ҳам бунинг исботидир:

**Шоир қаламида ҳасратлар қат-қат,
Шоирни чулғайди ўйлар дафъатан,
Яшаб қолармикан шеърим оқибат?
Озод бўлармикан нотавон Ватан?**

1980 йили яратилган «Оломонга» шеъри сабабли шоир шўро яловбардорларининг маломатига қолгани аён. Бироқ оддий китобхонлар – ёш ижодкорлар, талабалар, аҳолининг турли қатлами орасида бу шеърни ёд билмайдигани йўқ эди. Сабаби битта: шеърда халқнинг кўнглини ўртаб келган дард, ўша замонда айтиш осон бўлмаган ҳақиқат баралла куйланган эди.

Сўз образлар, рамзлар, тимсоллар ҳақида кетаётган экан, шоирнинг «Ўзбекистон» шеъри бу жиҳатдан алоҳида эътиборга молик. Шеърнинг ҳар бандида «Ўзбекистон, Ватаним маним» сўзлари такрорланиб келади. Бу сўзларда, Матёқуб Қўшжонов таъбири билан айтганда: «шоир ижодининг моҳияти акс этган. Шоир қайси темага қўл урмасин, нима ҳақда шеър ёзмасин, унинг кўз олдида Улуғ Ватан туради, ўша Улуғ Ватанинг фарзанди сифатида у қўлига қалам олади. Шу сабабдан унинг шеърлари доим ҳаётбахш, пафоси баланд, овози дадил, руҳи тетик».

Шоир она Ватанининг тарихи нечоғлик муаззам эканини ҳис этади, «икки аср ярим дунёни зир қақшатган» Буюк жаҳонгир билан фахрланади. Осмон илми Кўрагоний жадвалларида туғилганидан ғурур ҳиссини туяди ва бирданги

ISTIQLOLGA

емирлган орзу

(Давоми. Боши ўтган сонда)

оғир мусибатдан сўз очади: «Қотил қўли қилич солди маст, Кўёш бўлиб учди тилла бош. Дўстлар, кўқда юлдузлар эмас, У, Улуғбек кўзидаги ёш».

Энг сўнгги нонини ҳам ўзи емай ўғлига тутган она халқи ҳақида ёзар экан, унинг бошидан кўп замон ўтганини ёдга олади ва бундай хитоб қилади:

**Ҳар учраган нокасу нодон,
Она халқим, ёқангдан тутди.**

Кейинги бандларда айна тасвир янада яққолроқ, таъсирчанроқ ифодалана боради. Она халқи гоҳ қон ичган бўлса, гоҳ насибаси шароб бўлгани, шаҳидларнинг қирмиз қонидан қора туни алвонга бўялгани ҳақидаги тасвирлардан ўтмиш ҳақида сўзлай туриб ҳам ижодкор шеър ёзилган давр – шўролар замониға ишора қилаётганини пайқаш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, «Мен нечун севаман Ўзбекистонни», «Ўзбекистонда куз», «Юзма-юз», «Она тилимга», «Тилла балиқча», «Авлодларга мактуб», «Совға», «Минораи калон тепасидаги лайлак», «Оломонга», «Ўзбекистон» сингари шеърларида Абдулла Орипов турли образлар, рамз ва тимсоллар воситасида истибдод исканжасидаги она халқининг дардини куйлади. Унинг шўролар замонидаги оғир аҳволи-руҳиясини, армонларини тасвирлади. Йўлини толиб, унинг озодликка, истиқлолга бўлган интилишини, идеалларини ўзига хос поэтик талқин эта билди, озодлик ҳақидаги орзуларини ифодалади.

«Истеъдоднинг табиати исендир» – «Рухлар исёни» достонидан олинган ушбу сўзлар Эркин Воҳидов шеърятининг мағзи-моҳиятини ташкил этади. Шоирнинг исёни эркинликка, истибдодга қарши қаратилган. Шахс эрки, Ватан озодлиги – шоир исёнида ана шу орзу ўз тажассумини топди. Энг муҳими, бу туйғу шоир шеърларидан халқ қалбига кўчди. Унинг шеърларида истибдод миллат бошиға келтирган офат бутун моҳияти билан фош этилган:

**Агарчи исмим Эркин, эрки йўқ банди кишан бўлдим,
Кўзим боғлиқ, дилим доғлиқ, тилим йўқ бесўхан бўлдим.**

Мумтоз арузда битилган бу ғазалда мустамлака гирдобиде қолган Ватан ва миллат дарди алам ва изтироб билан қаламға олинган. Шоир ўз исми ва эрки йўқ банди кишанлик тушунчаларини қаршилантериш орқали фикрнинг таъсир кучини бир неча баробар оширган. Сажъ (кўзим боғлиқ, дилим доғлиқ) воситасида сўзнинг ўқувчи шууридан чуқур жой олишиға эришган.

**Чекибдур Бобуру Фурқат Ватан ҳажрида афгонлар,
Мен эрсам, вах, не гурбатким, Ватанда беватан бўлдим.**

Ватан озод бўлмаса, унда ўзгалар ҳукм юргизса – бундан ҳам оғирроқ фожиа йўқ. Шоир бу фожиани Ватанда беватанлик дея таърифлайди. Ватан ҳажрида афгон чеккан Бобуру Фурқатлар қисмати ҳам бунинг олдида ҳеч гап эмас.

«Ўзбегим» қасидасини Эркин Воҳидов ижодининг чўққиси дейилса, муболаға бўлмас. Қасида шоирға катта шухрат келтирди. Бугунгача халқимиз тилидан тушмайди. Шу боис фақат тиллардан эмас, диллардан жой олди. Негаки, унда миллий ўзлигимиз, маънавий илдишларимиз, миллатимизнинг дунё тамаддуниға кўрсатган таъсири, жаҳон маданиятида тутган ўрни беқиёс поэтик талқин этилган. Она халқимиз тарихи минг асрлар ичра пинҳон экани замирида шоир биз дунёнинг энг қадимий тарихға, қадимий маданиятға эга миллатларидан эканимиз тўғрисидаги ҳақиқатни ифтихор билан айтади. Афросиёбу Ўрхун хатидан, Ал-Берунийу ал-Хоразмийдан, Форобийдан сўз очади. Истибдод боис миллат бошидан кечган оғир кунларни фавқулудда таъсирчан образ воситасида ифодалайди:

**Тоғларинг тегранда гўё
Бўғма аждар бўлди-ю,
Икки дарё – икки чашминг,
Чашми гирён ўзбегим.**

Қайсари Рум найзасидан бағрида доғ узра доғ, Чингизу Боту тигиға кўкси қалқон, бошиға ёғилган тийри камонлардан умри қурбон, мулки торож, юрти вайрон бўлган она халқининг изтиробларини шоир ўз қалбидан ўтказиб тасвирлайди. Қанчалик оғир бўлмасин, миллатининг ҳеч бир замонда давр зулмиға бош эгмаганидан, эрксеварлик унинг ҳаёти мазмуни бўлганидан ифтихор ҳиссини туяди. Шоир талқинича, она халқи зардушт ҳам, буддий ҳам эмас, ҳар доим одамийлик дини билан тоза иймон унға аъмол бўлган.

Бу миллат-мудом дунё тамаддунининг чорраҳасида келган. Мирзо Улуғбек тузган Қўрагоний жадвали орқали сирли осмон тоқига илк нарвон кўйган – у. Назмий наърасиға бутун жаҳон акс садо берган Алишер Навоий орқали шеърят мулкиға султонлик қилган ҳам – у. Бироқ тарихдаги шунча шавкатиға қарамай, ўз элида гурбат чеккан, зору нолон бўлган ҳам – у. Фигони олам узра ўт солган Мирзо Бобур, шеърят гулшанида сўлган маҳзун Нодири, фурқатда йиғлаган Фурқат, муқимликда дард чеккан Муқимий каби фарзандлари тимсолида афгон чеккан, сийм танини кўз ёшлари ювган ҳам – у. Бу тарихни битмакка мингта Фирдавсий керак. Чунки унинг ҳар чеккан оҳи мингта достон бўлмоғи мумкин.

Эркин Воҳидов ушбу қасидани 1968 йилда ёзган. Шўро цензураси қиличини қайраб турган, «ўзбегим» дейиш мил-



латчилик сифатида қораланиши тайин бўлган бир даврда битилган. Цензурани чалғитиш учун ҳам шоир «кетди ваҳминг, битди захминг» деб ёзади. «Осмонинг толе хуршиди билан чароғон», демоққа мажбур бўлади. Лекин кўҳна тарих тасвири орқали шоир миллатга ўзлигини англамоқ истаиди. Буюк юрт ўғли эканидан фахрланади. Она халқига содиқ ўғлон бўлиш ҳаётий аъмоли эканини маълум қилади.

Тиллар аста-секин йўқола бориб, фақат бир тил қолиши ҳақидаги шўролар уйдирмаси тўқилган, таги замини йўқ бу ғоя матбуот орқали кенг тарғиб этилган бир замонда Эркин Воҳидов она тили ўлмаслигини эълон қилди. Бу чинакам жасорат эди. 1976 йили ёзилган «Она тилим ўлмайди» шеъри шунинг учун ҳам миллат қалбида акс садо берди. Воизнинг «Тиллар йўқолур буткул, бир тил қолур дунёда» деган сафсатасини эшитган сўз санъати даҳолари қабрдан туриб келади. Навоий ва Пушкин, Данте ва Шиллер, Байрон ва Бальзак, Фирдавсий ва Тагор бир жойга жам бўлади.

**«Ваъзингни кўй, биродар,
Сен айтганинг бўлмайди».
Барча деди баробар:
«Она тилим ўлмайди».**

Шоир ноанъанавий усулни танлайди. Шеърда она тили тақдири миллат тақдири экани, унинг йўқолиши ҳақидаги даъво сўз санъати даҳоларини қабрда тик турғазини образли, таъсирчан талқин этилади. Ўша замонда, ўша шароитда айтиш анчайин мушкул бўлган ҳақиқатни қаловини топиб, баралла айтади.

«Рухлар исёни» достонида Эркин Воҳидов зоҳиран Ҳиндистон тарихи, истибдод гирдобиди қолган ҳинд халқи, унинг эрксевар, жонфидо шоири Назрул Исломо ҳақида ёзган бўлса-да, асл муддаоси шўролар мустамлакасида эзилган она Ўзбекистон ва ўзбек халқининг қисматини тасвирлаш эди. Шоир дилини эзган истибдод дарди, юракдан қон бўлиб сизган истеъдод дардини қаламга олди. Унингча, истеъдоднинг табиати – исён. Чақмоқ – бу ҳаётга ёруғликнинг исёни, янги туғилган чақалоқнинг тугилган жажжи мушти – ўлимга исён. Тонгнинг нур лашкари шафақ туғи остига йиғилиши бежиз эмас, у – зулматга исён. Ибтидодан ёниқ илҳом шуъласига йўғрилган Назрул Исломо она Ҳиндистони қонини оқ ўргимчакдек сўрган, ҳинду билан мусулмон ўртасига низо солиб, юртни хонавайрон, одамларни беватан қилган мустамлакачиларга қарши курашади. Бу курашда ўз қалбини байроқ қилиб кўтаради. Жисман маҳв этилган бўлса-да, руҳи юксаликка кўтарилади.

Достонда Эркин Воҳидов замон ва маконни кўчириб тасвирлаш усули орқали миллатга ойна тутди. Унга қай аҳволга тушганини англамоқ истади. Халқини озод, Ватанини обод кўрмоқни орзу қилди.

1990 йили ёзилган «Ватан истаги» шеърида кўнгли бу ватанда бир Ватан кўрмоқни, ўзни озод қуш каби кўрмоқни истаганини айтади шоир. У орзу қилади: бу Ватан тимсоли – шуълавор тонг қуёши бўлса, байроғи – инсоф, туғи – меҳр бу замин сарҳадларида соқчидек турса. Бу муқаддас тупроқ қадрини тупроққа тенг қилмоқ истаганларнинг кўзига тупроқ билан урса. Она Ватаннинг маърифат уммонидаги елканларини қиблаи иймон сари бурса...

Бу ҳазилакам орзу эмас, истиқлол орзуси эди. Мана бу мисралар ватанпарвар ўғлоннинг қалб даъвати ўлароқ ижод этилган:

**Бас, етар ёлғон саодат,
Ёлғон эрк, ёлғон ватан,
Ҳуррият завқини чин**

**Сурмоқни истайдир кўнгли.
Қутлуғ истиқлол кунда,
Эй Ватан, бағрингда шод
Эркин ўғлонинг бўлиб
Юрмоқни истайдир кўнгли.**

Эркин Воҳидов ёркин шеърини билан кўнгиларга истиқлол орзусини улашди. Бутун ижодий салоҳиятини она юртимиз ва халқимиз манфаатига йўналтирди. Ватан ва миллатнинг бугунги ёруғ кунларга эришувида муносиб хизмат қилди.

Истибдод – зулмат. Ватан ва миллатни зулмат гирдобиди кўриш – чин фарзанд учун бундан ҳам оғир фожиа бўлмас. Бу ҳолдан изтироб чекмасликнинг иложи йўқ. Шукрки, таскин бор. Таскин шундаки, бу чархи даввор бетиним айланиб туради. Тун қачондир ўрнини тонгга бўшатмоққа мажбур. Рауф Парфининг «Тонг отмоқда...» шеърида ана шу қонуниятнинг ўзига хос поэтик талқини кузатилади:

**Тонг отмоқда, тонг ўқлар отар,
Тонг отмоқда – қуёш замбарак.
Яраланган ер шари ётар,
Бошларида яшил чамбарак.**

Мумтоз адабиётимизда қуёш чиқиши фалак майдонига нурдан бўлган лашкарларини юборган хоқоннинг юришига қийосланган, бошқа турли ташбеҳлар қўлланган. Бироқ қуёшнинг тўғридан-тўғри замбаракка ўхшатишга маълум эмас. Қоронғу тунга қарата ўқ отаётган замбарак – беқиёс образли тасвир! Бадиий тасвир замирига бунчалик теран мазмунни жойлаш, тонгнинг – қуёшнинг зиммасига зулматга ўқ отиш вазифасини юклаш учун шоирда тахайюл қанчалар кенг бўлмоғи зарур.

Яраланган бошига яшил чамбарак ўраган ер шари – истибдод тунда Ватан ва миллат вужудига етказилган сўнгсиз жароҳатни муаллиф ўқувчи қалбига изтироб соладиган ана шундай образли тасвир воситасида ифода этади. Мумтоз шеърятга хос ташхис (тонг ўқлар отар), сифатлаш (яраланган ер шари), ташбеҳ (қуёш замбарак) сингари бадиий санъатларни маҳорат билан қўллаш натижасида поэтик тасвир мукамаллиги таъминланган.

**Тонг отмоқда, мусаффо тонгга
Юрагини тутар одамлар.
Шу тонг учун келар жаҳонга
Ва шу тонг деб ўтар одамлар.
Тонг отмоқда...**

Кутилган тонгнинг қадрини бунчалик баланд экани сабаби нимада? Не боисдан одамлар унга юрагини тутди. Чунки бу озодлик тонги, истиқлол тонги. Озодликсиз ўтган ҳар лаҳза зулматга менгайди. Эркинликсиз инсон умрида маъно бўлмайди. Одамлар шу тонг учун жаҳонга келиши, шу тонг деб ўтиши сабаби шунда. Эътибор берилса, шоир мустақиллик, озодлик сўзларини бирор ўринда ҳам қўлламайди. Бу маънони ўқувчи тағамдан англайди. Зеро, шоирнинг шоирлиги, ижодкорнинг ижодкорлиги ҳам шунда: айтмасдан айтади, муайян тушунчани қўлламай туриб, у ҳақда тўлақонли тушунча бера олади.

Рауф Парфи шеърлари метафорага, рамзларга бой. Ижодкор ўз бадиий ниятини кўпроқ тимсоллар орқали ифодалайди. Шоир ижодида бу ҳол етакчи хусусиятга айланган. «Ҳасратлари кўпдир дунёнинг» шеърисидаги мана бу мисралар фикримиз далилидир:

**Ҳасратлари дунёнинг кўпдир,
Лекин йўли бир: қуёш сари.**

**Унинг бир дам ороми йўқдир,
У япроққа ўхшаган.... сариқ.**

Дунё ҳасратга тўлиқ экани шеъриятда Рауф Парфигача ҳам кўп бор айтилган. Бироқ кейинги мисрадаги изоҳ кўҳна фикрга янги бадиий либос кийдирган. Дунёнинг қуёш сари йўналгани туйғунинг некбинлиги, кўнгилга умид бахш этиши билан алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, қуёш – ёруғлик тимсоли, эзгулик нишонаси.

Лекин дунё бир дам бўлсин ором билмайди. Япроққа менгзаши, сариқ суратда экани тасвири замирида дунёнинг ўткинчи экани, қачондир заволга юзланиши ҳақлиги хусусидаги теран фалсафа мужассам.

**Туман – тамаки тутунидек,
Гўёки дунёнинг қайғуси.
Қуёш сари кетмакда чекиб
Дунё хаёл суриб уйқусиз.**

Тамаки тутунига менгзайдиган туман – дунёнинг қайғуси рамзи. Маълумки, туман ёруғликни, зиёни тўсади. У – зулмат тимсоли. Бу қайғуни, бу изтиробни чекмаслик имконсиз. Шоир «чекиб» сўзига залворли маъно юклайди. Дунёнинг қайғусини чекиш, унинг тамаки тутунига қиёсланиши бунинг исботидир. Зулмат, қайғу, изтироб – дунёнинг уйқусизлиги сабаби шулар. Фақат бир таскин бор: у қуёш сари кетмоқда. Қуёш эса – нур тимсоли. У озодлик нури, истиқлол нуридир.

Яна бир шеърида шоир ўз бадиий-эстетик идеалини зулматни шиддат билан кесаётган ёмғир тимсоли воситасида ифодалайди. Лирик қаҳрамон юрагига оқиб кирган зулумот, фикрларини тилаётган, зулмат билан жанг қилаётган ёмғир тасвири орқали шоир ёруғликка, нурга бўлган интилиш туйғусини бетакрор бадиий талқин этади. Ёмғирдан тилинган, чўян парчасидек кескир фикрлари зулматни тилкалашини умид қилади.

Бир мақола доирасида севимли ижодкорларимиз асарларида истиқлол орзуси нечоғлик бадиий талқин этилганини тўлақонли ёритиш, табиийки, имконсиз. Биз энг асосий жиҳатларга эътибор қаратишга интилдик. Қанчалик даражада уддаладик, баҳо бериш ўқувчига тан. Идрокимиз, қаламимиз ожизлик қилган ўринларни тушунарсиз, деган умиддамиз.

Абдулҳамид Чўлпонга Ватан ва миллатнинг бугунги ёруғ кунларини кўриш насиб этмади. Бироқ у ўлмас ва оташин шеърияти билан истиқлолга муносиб хизмат қила олди. Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов ва Рауф Парфи ўз орзулари ушалганини кўрган бахтли шоирлардир. Улар мустақилликни мустаҳкамлаш, одамлар қалбу шуурида истиқлол ғоясини камол топтириш, авлодларда юксак адабий идрокни, баланд бадиий-эстетик дидни тарбиялаш ишларида бошқа ижодкорларга намуна бўлганларини биламиз. Уларнинг мустақиллик йилларидаги ижоди кейинги тадқиқотлар мавзуси.

**Нурбой ЖАББОРОВ,
филология фанлари доктори,
профессор**

Тожихол НЕЪМАТОВА



Mandadur

Ажаб, дунё савдосидан ҳайрона дил мандадур,
Турфа жабру ситамлардан вайрона дил мандадур.

Бадфеъллар найрангларин кўриб ҳайрон бўлдим лол,
Илож топмай ёнган ўша пинҳона дил мандадур.

Нажот излаб кўз ташладим, бўлса дея бир ҳамдам,
Топмадим дилдош бўлғувчи, ғамхона дил мандадур.

Чарх уриб излаб чора, кўнгилларни хуш этсам,
Вужудимни қувонч чулғар, мастона дил мандадур.

Қалбимни тўксам элга, алар дуо қилса мани,
Эл ризосин топсам – шодон, шоҳона дил мандадур.

Ё Раб, ўзинг ниятларим қилсанг ижобат бир куни,
Тожинисо айтар масрур шукрона дил мандадур.

Яратдингми, асло бошим ҳам этмагин, тилагим,
Бу дунёда ҳеч йўлдошим ғам этмагин, тилагим.

Кўп синадинг, гоҳо сийлаб, барчасига шукрим,
Ҳаёт неъматларин талху таъм этмагин, тилагим.


Орифларнинг суҳбатидан этма бебаҳра мени,
Ҳар бир лаҳзам фиғон чекар дам этмагин, тилагим.

Ой ва қуёш чарақлаган маъволарга таъмам йўқ,
Ғам уйида ёниб тугар шам этмагин, тилагим.

Толе боқиб, кулса иқбол, кўп кўрмайин бахтимни,
Дунё дардин бу жуссамга ҳам этмагин, тилагим.

Қолган умрим дўстлар ила шўху шодон ўтса бас,
Кўзларимда офтоб кулсин, нам этмагин, тилагим.

Тожинисо – банданг кирмиш бу назм бўстонида,
Шеър ишқида муҳаббатин кам этмагин, тилагим.



«Dilxiroj» — davralar ko'riki

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Назриддин Шерматов билан суҳбат

– Назриддин ака, Сиз маҳорат билан ижро этадиган «Дилхирож» рақси хусусида сўзлаб берсангиз.

– Рақсда инсонларнинг ички дунёси, дарди, хурсандчилиги куйланади. Бу соҳа вакиллари ўз маҳоратлари билан халқнинг кўнглига завқ, ҳайрат улашади. Баъзилар рақс эркакларнинг иши эмас, дейишади. Лекин қайси санъат тури бўлмасин, аввало, унинг ривожини учун истеъдод керак.

Бир пайтлар телевиденида «Мархабо талантлар!» деган дастур бўларди. Шу кўрсатувга юртимизнинг кўпгина жойларидан ажойиб истеъдод эгалари келиб қатнашган. Уларнинг ичида «Андижон полкаси» бадиий ҳаваскорлик жамоаси ҳам бор эди. Бу жамоа асосан кечқурун репетиция қиларди. Мен бўлсам ишдан чиқиб тўғри уларнинг олдига борардим ва рақсларини томоша қилиб ўтирардим. Шу жараёнда бир куни мен учун мутлақо янги бўлган «Дилхирож» рақсини кўрдим. Алишер Мейлибоев бу рақсни бир маромда, маҳорат билан ижро этар, кўрган сайин ҳайратим ошар эди. Шундай қилиб «Дилхирож»га мафтун бўлиб қолдим, лекин уни кимдан ўрганишни билмасдим. Охири сўраб, бу рақсни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Абдуғаффор Қодиров саҳналаштирганини билдим. Мен Абдуғаффор ака билан қандай учрашиш йўлини изладим ва «Шодлик» ансамблининг доирачиси Дилмурод Исломовдан илтимос қилиб кўрдим. Дилмурод ака Абдуғаффор ака билан гаплашибди. У киши шогирди Алишер билан таништириб қўйди. У менга рақс ўргата бошлади. У вақтларда «Дилхирож»нинг ҳаракатлари унчалик кўп ҳам эмасди. Қисқа фурсатда рақсни ўрганиб олдим. Назаримда, рақснинг кўп жойларини ишлаш керакдек кўринарди. Чунки баъзи ҳаракатлар саҳнавий эмас, аксинча, халқчил бўлиб, бир ҳаракат 3–4 марта қайтарилишдан иборат эди. Мен рақсни борича саҳнага олиб чиқишим ҳам мумкин эди-ю, аммо, бадиийлик йўқоларди. Устоздан ундаги ҳаракатларни сақланган ҳолда сайқаллаштириш ҳақида маслаҳат сўрадим.

Дилмурод Исломов ёрдамида бу рақс устида қайта ишлашни бошлаб юбордик. «Дилхирож» маромига етгач А.Қодировга кўрсатдим. Устоз жуда хурсанд бўлди ва «Дилхирож» рақси бадиий ечимини топибди, энди кўрқмай хоҳлаган саҳнангни шу рақс билан забт этишинг мумкин», деди. Мен бу рақс шоҳ рақсим бўлишига ишондим. Негаки, дастлаб устознинг дуосини олдим, яна бир томони ўз ишимдан биринчи бор қониқиш ҳис қилдим. Барча ҳамкасбларим бу рақсга бир кўришдаёқ қойил қолишди. Шундай қилиб «Дилхирож» барча байрамларнинг кўрки бўлиб қолди. Кейинчалик Қодир Мўминов бу рақсни оммавий эркаклар рақси сифатида такомиллаштирди. Қодир ака ҳақиқатдан ҳам узоқни кўзлаб иш қилган экан. Ўша вақт-

лар саҳналаштирилган бу рақс ҳали ҳануз саҳнадан тушмай келяпти.

«Дилхирож» рақсида мени беш марта юз мимикаларим ўзгарарди. Шунинг учун кийимларим ҳам шунга мослаб тикилганди. Булар беш ҳолат, хурсандчилик, ғалаба, муҳаббат, тушкунлик ҳамда айрилиқни ўз ичига оларди. Мен бу рақсни ижро этаётганимда жуда чарчардим, гўёки 5–6 километр тўхтовсиз югургандек бўлардим. Лекин рақс сўнгида ором олардим. Мен ижро этган рақсларнинг ичида энг кўп куч талаб қиладигани шу рақс бўлган, чунки бу рақсни юзаки ижро этишни сира иложи йўқ эди. Фақат дилдан, қалбдан чиқсагина таъсирли бўларди. Рақс дардини ҳис қилиш учун хаёлан қувончли ва қайғули дамларимни эслардим. Шу боисдан мен ҳар гал рақсни турлича кайфиятда ижро этардим. Ҳаракатлар бир хил бўлсада, кечинма, юз мимикалари турли тарзда бўларди. Одамлар рақс томоша қилиши жараёнида мен бу рақс билан яшаб ўтардим.

«Дилхирож»га санъатни севадиганлар кўпроқ қизиқишади. Баъзилар унга афсонавий рақсдек қарашади. Мен фақатгина шу рақсни ижро этганда қалбимдаги дардларимдан халос бўлардим. Шу сабабдан «Дилхирож»нинг маъноси нима деб сўрашса, «Барча раққосларнинг қалбидаги дарди» деб жавоб бераман. Шундай вақтлар ҳам бўлдики, мен кўп раққосларга бу рақсни ўргатгим келмади, аниқроғи, улардан қизгандим. Негаки, улар бу рақснинг ички маъносини тушунолмаслигидан кўрққанман.

– Сизнинг ижронгиздаги «Лаган» рақси ҳам оммалашган эди.

– Кейинчалик, тадбирлар ва байрамларда «Дилхирож»нинг аёллар ижросидаги «Сенахирож» рақси ижро этилганида мен «Лаган» рақси билан иштирок этардим. Бу рақс учун ҳам умримни, жонимни берганман.

– Лекин қилинган меҳнат қачон бўлса ҳам мевасини бермасдан қўймас экан.

– Тўғри айтдингиз. Мана, юртимиз истиқлолга эришди-ю, бизнинг шогирдларимиз биз забт этмаган марраларни эгалламоқда. Юртимиз байроғини кўкларга кўтариб, ўзимизнинг миллий рақслар билан ўзбек санъатини дунёга танитмоқда. Олдинлари биз боришимиз орзу бўлган чет давлатларга бориб ўз санъатини намойиш қилиб, барчани қойил қолдириб қайтмоқда. Буларнинг барчаси давримиз берган имкониятлар деб биламан. Мен қайта-қайта Яратганга беҳисоб шуқур дейман. Шукроналикни бу ёруғ оламда топган энг катта бахтим десам хато бўлмайди!

Эркин ҚАҲҲОРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

O'ZBEK KINOSIDA

qisqa metrajli filmlar

Ҳозирги кунда кино санъати жамият ҳаётида салмоқли ўринга эга. У инсон маънавияти юксалишига бевосита хизмат қилади. Кино санъатининг инсон онги ва тафаккури, жамият ҳаётига бўлган таъсири беқиёс.

Бугун ўзбек киносида маълум муддат эътибордан четда қолиб келган қисқа метражли бадиий фильмлар яна тараққий эта бошлади. Албатта, кино оламига эндигина қадам қўйган ижодкорларнинг яратган ишлари катта экранларда намойиш этилишида кино фестивалларнинг аҳамияти беқиёсдир.

Ёш киноижодкорлар республика ва халқаро миқёсда ўтказилиб келинаётган турли фестивалларда ўзларининг қисқа метражли фильмлари билан қатнашиб, фахрли ўринлар олиб келишмоқда. Тошкентда 2015 йилдан бери ўтказиб келинаётган «PROlogue» – ёш киноижодкорлар томонидан суратга олинган қисқа метражли фильмлар республика фестивали ҳам бунга мисолдир. Ушбу фестиваль юртимизда ёш киноижодкорларга бўлган эътиборни кучайтириб, ўзбек кино санъатида қисқа метражли фильмларни яна бир поғонага кўтарилишига сабаб бўлди десак, айтиш ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ушбу фестиваль ҳақида гапирар эканмиз, у ерда кашф этилган ёш режиссёрларга алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. 2015 йили Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг 3-босқич талабаси Мафтуна Аллоқулова «Вафодор» номли дебют фильми учун «Томошабин меҳрини қозонган фильм» номинацияси ғолиби бўлди. Шунингдек, ёш режиссёр илк яратган фильми билан халқаро кинофестивалларда фаол қатнашди.

Мафтуна Аллоқулова «Вафодор» фильми орқали вафо туйғусининг олий нуқтасини кўрсатишга ҳаракат қилган. Унда жамиятда учраб турадиган айрим иллатлар бир итнинг эгасига садоқати орқали кўрсатиб берилган. Режиссёр хулосани томошабинга қўйиб беради. Фильмни кўрганлар меҳр, оқибат, садоқат сингари инсоний туйғулар ҳақида чуқурроқ мулоҳаза қилиб кўрадилар.

2015 йил «PROlogue» – ёш киноижодкорлар томонидан суратга олинган қисқа метражли фильмлар I республика фестивалида Ҳасан Алижонов «Нидо» фильми билан қатнашиб «Энг яхши режиссёрлик иши» совринини қўлга киритди. 2016 йили эса ёш режиссёр ушбу фестивалда «Меҳр» номли яна бир фильми билан иштирок этди. Айнан шу фильм Россиянинг Бу-

тунроссия кинематография институтида анъанавий тарзда ўтказилиб келинадиган XXXVI халқаро талабалар кинофестивалида ҳам намойиш этилди.

2016 йилги фестивалда ўзининг дебют иши билан қатнашган Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти 3-босқич талабаси Шокир Холиқов «Бизни тушунишмайди» номли қисқа метражли фильми учун «Томошабин меҳрини қозонган фильм» мукофоти билан тақдирланди. Ушбу фильмни томошабинлар яхши кутиб олди. Ўн дақиқа давом этувчи бу фильмда икки ёш ўртасида юзага келган муҳаббат учқуни болаларча беғуборлик билан тасвирланган. Режиссёр ўсмирлар ўртасида юзага келадиган муҳаббатни шунчалар соф қилиб тасвирлашнинг уддасидан чиққанки, бу томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Фильм қайси тилда, қайси миллат вакили томонидан яратилишига қарамай, бутун инсониятнинг юрагини жунбушга келтириши мумкин. Варшава халқаро кинофестивали директори Стефан Лаудин шундай деб ёзганди: «Канн фестивалига қатнашиш ёки қатнашмаслик борасида иккиланган турган бўлсангиз, у ерга албатта боринг. Ўз кучингизга ишонинг. Чунки кино ҳали ҳам пул ва техникадан ташқари иқтидор улуғланадиган соҳалардан бири бўлиб қолмоқда».

Ўз навбатида таъкидлаш жоиз, кино санъатида юзага келаётган бир хилликка қайсидир маънода кўникиб қолмоқдамиз. Яъни тасвирий ифодаларнинг бир-бирига ўхшашлиги одатий ҳолга айланиб бормоқда. Бунинг натижасида арзимайдиган воқеалар биринчи планга чиқиб, асосий ҳодисалар кейинги ўринга тушиб қолмоқда.

Ҳозирги кун кино жараёни ҳақида гапирар эканмиз, баъзи фильмларда инсон ҳаёти, психологияси бадиий талқин этилмаётганини кўраемиз. Фильм бош қаҳрамонлари реал ҳаётдан йироқ образлар бўлиб, фикр юритиш ва ҳис-ҳаяжон уйғотиш хусусиятларини ўзида мужассам этмаган. Қисқа метражли фильмларда ёш ижодкорлар изланади, ижодий тажриба тўплайди. Тўлиқ метражли фильмларда акс этмаган муаммолар қисқа метражли фильмларда экранга чиқмоқда. Умуман олганда, қисқа метражли фильмлар муаллиф ва режиссёрнинг эркин ижод қилиши учун кенг майдонга айланмоқда.

Нодира ҚОСИМОВА,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият
институти ўқитувчиси

Bahor sabza ro'molini bog'ladi...

ХОНАТЛАС

Камалак товланар ловуллаб,
Хандондир шаршара шовуллаб,
Тўй бу кун... қишлоқлар, овуллар
Қизларин эғнида хонатлас.

Атлас-ки, исми гул, Лайлодир,
Наврўздир, гирядир, ҳайродир,
Йигитлар кўнгли шан, шайдодир,
Қизларнинг эғнида хонатлас.

Хонатлас – юрт аввал-азали,
Маҳзуна, Увайсий ғазали,
Хонатлас эғнида... сулув ғамзали,
Қизларнинг эғнида хонатлас.

Атласимда қуёш акси бор,
Турналар кўшиғи, рақси бор,
Муҳаббат, рашк, ҳижрон баҳси бор,
Қизларнинг эғнида хонатлас.

Самога сочилмиш юлдузлар,
Нурлидир кечалар, кундузлар,
Атласнинг чиройи хур қизлар,
Қизларнинг эғнида хонатлас.

Юртимнинг баҳорин рамзи гул,
Беҳиштнинг суврати-акси гул,
Атласга эш сочлари сунбул
Қизларнинг эғнида хонатлас.

Сарҳадлар оша кўп юрт кўрдим,
Дунёни оралаб мен сўрдим,
Хонатлас юрти бу – хон юртим,
Қизларнинг эғнида хонатлас.

НА СЕН ДЕДИНГ...

Баҳор сабза рўмолини боғлади,
Гул алвонин ёйди, у ардоғлади,
Дарё тўлқинлари кўнглим чоғлади –
На сен дединг, на мен дедим ул сўзни.

Ёзнинг зару зарҳаллари боғларда,
Жуфт қаро кўз нигоҳлари боғларда,
Неки армон ёзилмиш қароғларда –
На сен дединг, на мен дедим ул сўзни.

Куз ҳам келди тилла ранг саруполи,
Ўзармиз биз-да ёзларнинг борини,
Қувиб оромларни, кўзнинг ҳорини –
На сен дединг, на мен дедим ул сўзни.

Булбулларнинг баётида келар у,
Турналарнинг қанотида келар у,
Уни кутиб яшариб, кетдик буткул –
На сен дединг, на мен дедим ул сўзни.

Баҳор сабза рўмолини боғлади,
Гул алвонин ёйди, у ардоғлади,
Дарё тўлқинлари кўнглим чоғлади –
На сен дединг, на мен дедим ул сўзни...

Меҳр йўлида эди кўзлар қаролиғ ичра,
Васфини куйлар эди диллар яролиғ ичра,
Ул эди описларда, мубҳам оролиғ ичра,
Уни муқаррам этган диёримдан айланай!

Шукрим, мурувват ҳам кўзу қароғлардадир,
Кулбамиз ёритувчи нуру чароғлардадир,
Демангиз: Меҳр олис шому йироғлардадир,
Меҳрга қоя бўлган давронимдан айланай!

Шукрим, кунлар обод, тунлар мунаввар бўлгай,
Одамзод бир-бирига суюк, суманбар бўлгай,
Юрагида кин эмас, муҳаббат анвор бўлгай,
Меҳр-муҳаббат омон... омонимдан айланай!

Меҳр-оқибат бирла келгай жону жаҳоним,
Беҳишларга менгзалгай чўлу саҳро, пайҳоним,
Қояларга, тоғларга бўй чўзгай қир, сайҳоним,
Тор гўшамни кенг этган жаҳонимдан айланай!


Бир ширин сўз сеҳридан дилда машъал ёнадир,
Бир совуқ сўз захридан лашкар ҳам кўзголадир,
Дерлар: Меҳр бу – кўҳна дунёга ҳам онадир,
Эзгуликни улғайтган онайизоримдан айланай!

Йўлларини тўсмангиз, меҳр кезсин дунёни,
У ғолиб юрсин мудом, енгиб кибру рўёни,
Миқолламанг, қизғонманг, беркитманг у кимёни,
Қаҳратонларда унган баҳоримдан айланай!

Дерлар: Меҳр инжуга айлантирар тупроқни,
Ғурбатнинг йўлин тўсиб, у даф қилур фиरोқни,
У бўлса, қошингда кўр ҳатто шому йироқни,
Замонлар ичра дорулзамонимдан айланай!

Дерлар: Қилич билан даф бўлмагайдир рақибинг,
Наф бермагай кудурат, хоҳишларинг, таъқибинг,
Меҳру дилинг элчи қил остонангда ҳабибинг,
Меҳр яхши айлаган ёмонимдан айланай!

Дерлар: Меҳр – кўнгилнинг чарақлаган чироғи,
Удир, ҳикмат битилган китобнинг зарвароғи,
Меҳрли кулба – ёруғ, меҳрсиз қаср – қоронғу,
Уни сиймиё этган давронимдан айланай!



Эътибор ОХУНОВА

КЎЗИНГДА ЖИЛМАЯР ЁҒДУЛАР

Шукроналар айтай, айтай санолар,
Турна карвонига тўлмиш самолар,
Умри фарзоналар, азиз момолар,
Баҳор, гуллар... Сизга тўёна бўлсин.

Сочимизга зебдир тол баргаклари,
Майналар чўп таширлар сергакланиб,
Ям-яшил майсаларга йўргакланиб
Уйғонувчи боғлар гулхона бўлсин.

Армонларим қулар тубсиз жарларга,
Юрагим жой бермас энди зорларга,
Қаландар қушларга, гул, гулзорларга
Ташна умидларим мастона бўлсин.

Ғунчалар лабини очар хандага,
Сулувлар ўт қалар қўш чирмандага,
Баҳорга зору-зор мендек бандага
Дуторин созлашга баҳона бўлсин.

Тоғларнинг пойида лола ахтариб,
Ўқидим чашманинг севги дафтарин,
Нозик сибизғаси сўзлар дардларин,
Туғёнларим унга ҳамхона бўлсин.

Турналар самога ёзар хатини,
Иншосини – баҳор тариқатини,
Само тўкар обини-раҳматини,
Дегай: Барокат-қут шоҳона бўлсин.

Ялпизлар безабди анҳор лабини,
Бўтана сувларга дер матлабини,
Ошиқлар маъшукқа очса қалбини,
Майли, ишқ асрори пинҳона бўлсин.

Турна қанотида келади баҳор,
Булбул баётида келади баҳор,
Кўкламни соғиниб яшнадик, алҳол,
Қутлуғ диёримиз тўйхона бўлсин.



ЎҚИТОВ МУТОЛААСИ ИНСОННИ АМОЛОТГА YETKAZADI

*Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи Бош
муҳаррири Илҳом Зойир билан суҳбат*

Бугунги кунда мамлакатимизда китоб нашр этиш борасида муҳим ўзгаришлар кузатиляпти, кўрсангиз кўзингиз қувнайдиган китоблар чоп этиляпти, замонавий китоб дўконлари очилмоқда. Таниқли ёзувчи ва шоирлар билан таълим муассасалари, меҳнат жамоаларида ижодий учрашувлар, китобхонлик кечалари ўтказиш анъана тусини олмоқда. Бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланган «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги Фармойиш дастурил амал бўлмоқда.

– Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи адабиётимиз ривожига алоҳида ўрин тутадиган, ўз тарихи, анъаналарига эга бўлган қутлуғ масканлардан бири ҳисобланади. Келинг, суҳбатимиз аввалида бу даргоҳнинг адабиётимиз, миллий-маънавий хазинамизни бойитишга қўшган ҳиссаси, ўз навбатида бу даргоҳда фаолият кўрсатган таниқли устозларимизни эслаб ўтсак.

– Дунёда инсон маънавий камолоти, тафаккури ривожига, таълим-тарбиясига таъсир қиладиган жуда кўп омиллар бор. Лекин уларнинг бирортаси китобга тенг келмайди. Тўғрироғи, бу жараён китобсиз амалга ошмайди. Китоб кўнгли, тафаккур, бир сўз билан айтганда, олам чироғидир. Аввало, у минг-минглаб дилларни эзгулик нурлари ила ёритади, диллар эса, ўз навбатида, оламни мунаввар айлайди. Ўтган йилларга назар ташласак, нашриётимизда чоп этилган китобларнинг ўзи жуда катта бир маънавий хазина даражасида эканлигини кўрамиз. Мумтоз адабиётимиз, тарихимиз, буюк аждодлар мероси, жаҳон адабиёти дурдоналари, кўйинги, бу даргоҳда нафақат адабий, балки ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, маданий, мусиқий, илмий ва илмий-оммабоп, болалар учун мўлжалланган қанчадан-қанча китоблар, рисоалар чоп этилган.

Нашриётимиз тарихига назар ташлар эканмиз, ўз даврида бу ерга Ч. Айтматов (Қирғизистон), В.Дементьев, В.Карпов, Н.Тихонов, К.Симонов, Р.Казакова (Россия), А.Чауба (Грузия), М.Авезов (Қозоғистон), Азиз Несин (Туркия), Файз Аҳмад Файз (Покистон), Пабло Неруда (Чили) каби машҳур кишилар ташриф буюрганини эслаймиз. Унинг шаклланишида жуда кўп устозларимиз ўз ҳиссасини қўшган. Ҳар гал нашриётимиз кутубхонасига кирганда, қатор терилган китобларга назар ташлаб, уларнинг юзага келишида муносиб хизмат қилган, турли йилларда бу даргоҳда меҳнат қилган Миртемир, Миркарим Осим, Ҳамид Ғулом, Одил Ёқубов, Рамз Бобожон, Жуманиёз Жабборов, Ўткир Ҳошимов, Ғулом Шоди, Рустам Комилов, Ҳабиб Пўлатов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Омон Матжон, Муҳаммад Али, Тоҳир Малик, Мавлон Икром, Тўлқин, Сайёр, Асқар Қосимов, Хайриддин Султонов, Муҳаммад Юсуф, Эркин Аъзам, Малик Раҳмон, Одил Шаропов, Мирзoiёд Мирзoiдов, Ҳасан Тўрабеков, Лола Тожиева, Саидахмад Худойбергaнов каби кўплаб таниқли ижодкорлар, ёзувчи ва шоирлар, бадиий таржима санъатининг дарғалари бўлмиш устозларимизни эслаймиз.

Бугунги кунда Лазизжон Тангриев бошчилигидаги Собир Ўнар, Луқмон Бўрихон, Санжар Турсунов, Ойдиннисо Йўлдошева, Гўзал Матёкубова, Саидмурод Холбеков, дизайнер-рассомлар Шухрат Мирфаёзов, Жаҳонгир Одилов, Иззатилла Йўлдошев, Дилмурод Жалилов каби ношир ижодкорларимиз устозларимиз бошлаб берган эзгу анъаналарни давом эттирмоқдалар.

Биргина яқин йиллар ичида ижодий уйимиз томонидан Алишер Навоийнинг 15 жилдлик асарлар мажмуаси, Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Машраб, Бедил, Бобур, Нодира, Увайсий, Фурқат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Ғафур Ғулом, Ойбек, Миртемир, Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Муҳаммад Али, шунингдек, жаҳон адабиётининг атоқли намояндаларидан Лев Толстой, Стендаль, Ги де Мопассан, Жек Лондон, С.Цвейг, К.Дойл, Р.Тагор, Э.Хемингуэй, Нодар Думбадзе, А.Ширвонзода, Азиз Несин, Чингиз Айтматов каби кўплаб машҳур ёзувчи ва шоирларнинг асарлари нашр этилди. Бугунги кунда «Маънавиятимиз дурдоналари», «Нашриётимиз хазинасидан», «Ғазал соғинчи», «Адабиёт хрестоматияси», «Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари», «Чин муҳаббат қиссалари», «Боқий сатрлар», «Жаҳон адабиёти», «Шарқ



юлдузи», «Ёшлик» журналлари, «Китоб дунёси» газетаси кутубхонаси серияларида қатор китобларни узлуксиз ўқувчилар қўлига етказиб беришга ҳаракат қиляпмиз. Шу боис ҳам адабиётимиз такомиллашувида, маънавиятимиз ривожда нашриёт-матбаа уйининг ўзига хос ўрни бор. Мана, қарийб олтимиш йилдирки, бу даргоҳ халқимиз, хусусан, ўсиб келаётган ёшларимиз маънавий камолоти юксалишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

– **Албатта, истиқлол миллий маънавиятимиз, адабиётимиз, шу жумладан нашриётларимиз ривож учун ҳам кенг имкониятлар яратиб берди. Адабий-тарихий меросимизнинг қанчадан-қанча бизга маълум бўлмаган ёки аксинча, мустабид тузум даврида чоп этишга йўл қўйилмаган намуналарини халқимизга етказиш учун шарт-шароитлар яратилди...**

– Тўғри таъкидладингиз, мустабид тузум даврида ҳатто лугатларимизга маънавият сўзи ҳам киритилмаган экан. Негаки, маънавият – миллий ўзлик, миллий камолот демакдир. Ана шу маънода бугун Ғафур Ғулум номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида Алишер Навоийнинг 15 жилдлик ва 10 жилдлик тўлиқ асарлар тўплами, Фаридуддин Атторнинг «Тазкират-ул авлиё», Хондамирнинг «Мақорим-ул ахлоқ» китоби, «Авесто» маънавий ёдгорлиги, «Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари» рукнида 100 жилдлик фольклор намуналари чоп этилаётганлиги истиқлол берган чексиз имкониятлар маҳсулидир.

– **Бугунги кунда юртимизда китоб мутолааси, китобхонликни кенг тарғиб қилиш, нашр ишларини ривожлантириш, айниқса, бу борада болалар ва ўсмирларга мўлжалланган, улар маънавий камолотига таъсир кўрсатадиган адабий, тарихий, интеллектуал нашрларни кўпайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Мазкур йўналишдаги ижодий жамоа фаолияти ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз?**

– Болалар адабиётини ривожлантириш мақсадида Ғафур Ғулум номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилмоқда. Ижод уйининг ҳар йил тузиладиган мавзу режаларида «Болалар адабиёти» рукни алоҳида ўрин тутди. Бу рукнга фарзандларимиз севиб ўқийдиган ва уларнинг қадрдон китобларига айланган сара ижод намуналари киритилади.

«Жаҳон болалар адабиёти» рукнида 10 жилдлик китоблар нашрга тайёрланмоқда, унинг 5 жилди нашр этилди. Шунингдек, Худойберди Тўхтабоевнинг «Беш болали йигитча», Анвар Обиджоннинг «Мешполвон», «Алпомиш ботир», «Паҳлавон Рустам» каби эртак ва афсоналари, Қамбар Отанин «Тинмай излан, юрагим», Яйра Саъдуллаеванин «Кўчамизнинг болалари», Муаззам Иброҳимованин «Икки дўст», Шарл Пьеронинг «Қизил қалпоқча», «Турк эртаклари», Омон Мухторнинг «Старий сундук», Н. Носовнинг «Билмасвой билан дўстларининг бошидан кечирганлари», Раим Фарҳодийнинг «Айиқча Тап-тапвой», Синкен Хоппнинг «Сеҳрли бўр», О.Набиевнинг «Етти ранг ва етти куй», Шухратнинг «Оққушнинг кенжа боласи» каби қатор китоблар кичик китобхонларимизга тақдим этилди.

– **Ҳозирда нафақат китоб мазмуни, балки унинг сифати, дизайнига бўлган талаб ҳам кундан-кунга ошиб бормоқда. Бу борада нашриётлар, матбаа корхоналари ўртасида ҳам ўзига хос ижодий рақобат муҳити кўзга ташланмоқда. Китобхон диди, талаби-**


га мос нашрлар чиқариш ўз-ўзидан босмахоналарни ҳам замонавий, энг сўнгги русумдаги матбаа технологиялари билан таъминлашни, ходимлар малакасини оширишни, илғор тажрибаларни ўрганишни талаб этмоқда. Ана шу жиҳатдан нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан қандай ишлар амалга оширилмоқда?

– Замон талаби шуни кўрсатаяпти, бугун китоб мазмуни билан унинг кўриниши, безаклари, қоғози ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб бораётир. Кундан-кунга ўқувчи диди, талаби ошиб бормоқда. Ана шу маънода бугунги тезкор замонда китоб чоп этиб, ўқувчиларга манзур этиш ўзига яраша машаққатли жараён. Ноширчиликда китобхоннинг диди ва талабини ўрганмай туриб, китоб нашр этиш ҳар доим ҳам кўзланган натижани беравермайди. Лекин яна бир жиҳат ҳам борки, бозор талаби дея фақат осон даромад ортидан қувиб дидсиз, енгил-елпи мазмундаги, маънавий мезонларга тўғри келмайдиган, олди-қочди воқеалар баён этилган саёз китоблар чоп этишга ҳам берилиб кетмаслик керак. Ҳар бир нашриёт биринчи навбатда маънавият тарқатувчи, зиё тарқатувчи даргоҳ эканлигини унутиб қўймайлик керак.

Ҳозир замонавий технологиялар асри. Ким кучли технология, янги асбоб-ускуналар билан қуролланган бўлса, шубҳасиз, унинг китоб бозоридаги ўрни ҳам юқори бўлади. Жамоамиз ҳам янгиликка интилиб, замон билан ҳамнафас фаолият юритишга ҳаракат қилмоқда. Корхонанин матбаа базаси янги, замонавий асбоб-ускуналар билан бойитилмоқда. Ижод уйида замонавий дизайн студия бўлиб, у матн териш, суратларни сканерлашдан тортиб, тайёр диопозитивларни чиқаришгача бўлган жараёнларни ўз ичига олади. Корхона Германиянинг «Хейдельберг» компаниясида ишлаб чиқарилган 4 бўёқли тезкор чоп этиш машинаси, Туркиянинг MAKINA 1250 русумли қоғоз кесиш, Япониянинг Rayobi 784 ER (S) русумли тўрт бўёқли офсет босма машиналари каби рангли китоблар босишга мўлжалланган дастгоҳлар, замонавий плёнка қоплаш ускуналари билан жиҳозланган. Шунингдек, йирик варақларни ажратиш, китоб тикиш, кесиш, тахлаш каби қатор ишлар ҳам замонавий автомат машиналар орқали юқори сифатда амалга оширилмоқда.

2013 йилнинг август ойида Ғафур Ғулум номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйига «Сертификат» илмий техник маркази томонидан Сифатни бошқариш тизимини мувофиқлаштириш сертификати топширилди. Ушбу ташкилот томонидан ижодий уй фаолиятига тегишли китоб маҳсулотлари, дарслик ва ўқув қўлланмалари ишлаб чиқаришни бошқариш тизими текширилиб, ўрнатилган тартибдаги стандарт талабларига мувофиқ деб топилди.





– Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда китоб савдоси, матбаачилик борасида катта тажриба тўпланди, маълум муваффақиятларга эришилди. Шу маънода, мамлакатимиз, жумладан, хорижий давлатларда ўтказиб келинаётган маҳаллий ва халқаро китоб кўргазмаларидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи иштироки ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз?

— Таъкидлаганингиздек, барча соҳалар қатори матбаачилик ҳам кун сайин ривожланиб, такомиллашиб бормоқда. Ана шу маънода Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилган китобларнинг нафақат мамлакатимизда, балки хорижий кўргазма ва танловларда ҳам эътироф этилиши бизни ғурурлантиради, ҳамиша изланиш, иштиёқ билан яшашга ундайди. Агар ўтган йилларга назар ташласак, бу борада ҳам қатор муваффақиятлар қўлга киритилгани аён бўлади. Россия пойтахти Москва шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида ўтказилган «Китоб санъати» халқаро китоб кўргазма ярмаркасида Алишер Навоийнинг «Хамса» китоблар тўплами I даражали диплом билан тақдирланди.

2007-2008 йиллардаги ана ўша танловда «Ўзбек миллий либослари» китоб-альбоми II даражали, «Ўзбек халқ эртаклари» китоби I даражали диплом билан тақдирланди. Бир қатор нашрларимиз 2008 йилда Туркменистоннинг Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган «Олтин аср нашр намуналари» III халқаро китоблар кўргазмасининг I даражали дипломига сазовор бўлди.

Ўтган йиллар давомида мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида ўтказилган «Йилнинг энг яхши китоби» республика танловларида нашриётимизда чоп этилган «Маънавият», «Ўзбекистон – Ватаним маним», Алишер Навоийнинг «Тўла асарлар тўплами» (10 жилдлик), Александр Файнбергнинг «Стихи», Фирдавсийнинг «Шоҳнома», «Мен Ўзбекистон фуқаросиман», Миразиз Аъзамнинг «Буюклар муҳаббати» китоби ва Низомиддин Маҳмудовнинг «Тилимизнинг тилла сандиги», Лутфийнинг «Девон»и, Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон», «Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари» Обиддин Маҳмудовнинг «Фарзанднома» Қ.Эргашев, Ҳ.Ҳамидовларнинг «Ўзбекистон тарихи» каби қатор китоблари фахрий ўринлар, нуфузли мукофотларга сазовор бўлдилар.

– Бугунги кунда ахборот технологиялари, интернет тизими жуда тез ривожланмоқда, китобхонларнинг катта қисмини ёшлар ташкил этишини ҳисобга олсак, бу борада ҳам янгича ёндашувларга эҳтиёж сезилаётганини кўрамыз. Шу мақсадда жамоада нашрларнинг электрон шакллари ишлаб чиқариш, овозли китоблар яратиш борасида қандай изланишлар мавжуд?

— Китоб ва китобхонлик бугунги кунда республика-мизда кенг тарғиб қилинмоқда. Президентимизнинг фармойишига асосан жойларда кенг тадбирлар, учрашувлар уюштирилмоқда. Чунончи, донолар айтганидай, китобдан яхши дўст бўлмас, у шундай садоқатли дўстки, сени ҳеч қачон ташлаб кетмайди. Киши бадий тафаккурини, ақл-заковатини илм манбаи бўлган китобгина шакллантиради, юксакка кўтаради, комил инсон бўлиб тарбиялашга хизмат қилади. Қадимдан то бугунга қадар китоб ўқиш, ёзиш, ёдлаш, ундан хулоса чиқариб яшаш бани башарнинг ҳаётий эҳтиёжига айланганини барчамиз яхши биламиз.

Яқинда Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи «Augmented reality COLAR» фирмаси билан ҳамкорликда 3D форматида янги инновация китоб маҳсулот-

ларини нашрдан чиқара бошлади. Мазкур китоб юқори технологиялар ёрдамида нашрдан чиққан. Унинг муқова ва расмларининг ўзиёқ китобхонларга ҳуш кайфият бахш этади. Шунингдек, бу китобнинг ўқилиши ҳам ғаройиб. Махсус дастур телефонда юкланиб олинади, кейин коди билан ўқилади. Телефон орқали ўқилганда расмлар ҳаракатга келади. Ушбу китобнинг уч тури мавжуд: «Ҳайвонот оламида», «Бизнинг касбларимиз» ва «Севимли қахрамонлар». Инновацион технология билан танишиш учун ўқувчи COLOR бўёқ китобини сотиб олиш, дастурни юклаб олиш, скретч-кодни фаоллаштириш, расмни эҳтиёткорлик билан контурлардан четга чиқмасдан бўйлаб, тасвир устига смартфон ёки планшетни олиб бориш каби бешта оддий қадамни амалга ошириши зарур. Бола персонажни ҳар томондан томоша қилиши, у қандай гаплашаётганини эшитиши, қандай ҳаракатланаётганини кўриши, у билан бирга суратга тушиши ва фотосуратни шу ондаёқ дўстларига юбориши мумкин. 3D форматидаги бўёқ китоблар таълимга бўлган одатий муносабатни ўзгартиришга – уни интерактив ва максимал тарзда билим орттиришга хизмат қиладиган ҳолатга келтиришга қаратилган мутлақо янги маҳсулотдир.

Барчамиз биламизки, киши харидни амалга оширишдан олдин, маҳсулотни кўздан кечирилади, унинг хусусиятларини, тавсифини ўрганади, фикр-мулоҳазаларини ўқиб чиқади, бир сўз билан айтганда амалда текшириб кўради. Нашриёт-матбаа ижодий уйимиз харидор ўз пули эвазига истаган нарчасига эришиши учун, харид олдида амалга ошириладиган ушбу ҳаракатларни ҳисобга олган ҳолда, ўз сайтида жонли 3D бўёқ китобларининг синов версиясини жорий қилади. Ўйлаймизки, ушбу китоблар болажонларимизга муносиб тўхфа, унутилмас совға бўлади.

Эндиги энг катта вазифамиз фарзандларимизда китобга, китоб мутолаасига чексиз муҳаббат уйғотиш, китобхонликни кундалик маънавий эҳтиёжга айлантиришдир. Бу мақсадни амалга ошириш учун олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида «Мутолаа маданияти» доирасида давра суҳбатлари ташкил этсак, таълим муассасалари, кутубхоналарда таниқли хонандалар, спортчилар, жаҳон миқёсида машхур кишилар, яъни ёшларнинг орзусидаги кишилар билан учрашувлар ўтказсак, улар тақдирида китоб қанчалик аҳамиятга эга бўлгани ҳақида ёшларга гапириб берсак, албатта, бунинг таъсири катта бўлади. Шунингдек, китобхонликни оилада шакллантиришга, ҳар бир хонадонда кичкинагина бўлса-да, шахсий кутубхона ташкил этишга эътибор беришимиз лозим. Бунда, албатта, биз ота-оналар ибрат бўлишимиз керак.

Ёш китобхонларга ёрдам беришимиз, уларнинг қизиқишларини тўғри ўзанга солишимиз керак. Бунинг учун ўқитувчилар, олим ва мутахассислар, социологлар ёрдамида мунтазам равишда уларнинг китоб борасидаги қизиқишларини ўрганиб бориш даркор, деб ўйлайман. Ёшларга фойдали ахборот олиш, улар ўқиши керак бўлган китобларни ажратиб беришда кўмаклашиш ҳам фойдадан холи бўлмайди. Энг муҳими, ҳар биримиз, ишда ҳам, оилада ҳам китобхонлик борасида ёшларга, бола-ларга ибрат ва намуна бўлишимиз даркор.

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи қадрдон китобхонларимизга бундан-да яхши, сифатли, бадий савияси юқори, чиройли кўринишга эга китоб маҳсулотларни тақдим этишда давом этади.

– Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!

Минҳожиддин МИРЗО суҳбатлашди



Dil izhori – romans

Романс ўзбек композиторлик ижодиётининг кўп овозли жанрларидан бири бўлиб, унда мусиқий тилнинг турлича оҳанг-услуб манбалари синтези намоён бўлади. Романсни ривожлантиришда композиторлар кўпинча ўзбек монодиясининг вариантли авж усулини Европа санъатининг кўповозлик тамойили билан мувофиқлаштиришган.

Романс сўзи дастлаб, дунёвий кўшиқ маъносини англатган. Романс XIX асрда Европада кенг тарқалиб, ўз ривожини топди. XX аср бошларида эса бу жанр Марказий Осиёга ҳам кириб келди. Вақт ўтиши билан «романс» сўзининг маъноси кенгайди: бугунги кунда у кўшиққа нисбатан бирмунча мураккаб шаклда бўлган, овоз ва чолғу жўрнавозлигига мўлжалланган асар ҳисобланади. Романснинг кўшиқдан асосий фарқларидан бири сўз ва мусиқа боғлиқлиги бирмунча зич ва кўп қирралидир. Бунда чолғу партияси зиммасига асар маъно-мазмунини очиб беришдек улкан масъулият тушади. Кўшиқда умумлашма ҳиссий ҳолат устун бўлиб, унинг мазмун-киёфа негизи оддий ва оммавий тингловчига мўлжалланган. Романсга эса ички кечинмалар ифодасининг энг майда тафсилотларигача ифодалаш, камер ихчамлик ва мусиқий қиёфаларнинг руҳий кескинлиги хосдир. Ўзбек камер-вокал мусиқаси ўз ибтидосиданоқ шеъриятимиз билан ўзаро уйғунликда бўлиб келди. Бунда Машраб, Феруз, Муқимий каби мумтоз шеъриятимиз вакиллари асарларига, айниқса, буюк

мутафаккир шоир Алишер Навоий асарларига басталанган романслар етакчи ўрин тутлади. Ўзбек композиторларининг ҳазрат Навоий ғазалларига ёзган романслари ўқув жараёнида кенг қўлланилади.

Маълумки, буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий мероси бир неча асрларки, санъат намоёндалари учун туганмас илҳом, ижод манбаи бўлиб хизмат қилиб келган. Таъкидлаш лозимки, улкан адабий меросимиз ўзбек профессионал замонавий мусиқаси шаклланишига ҳам ўз таъсирини кўрсатган.

Ҳазрат Навоий мероси камер-вокал (хусусан, романс шаклида) ва вокал-симфоник жанрлардаги ижодда алоҳида аҳамият касб этади. Бунинг сабаби аниқ, чунки айнан ушбу жанрларда сўз билан мусиқанинг узвий боғлиқлиги муҳимроқдир. Шоир асарларидаги поэтик образларнинг мусиқий оҳангларга мойиллиги композиторларни жалб этади. Шунинг учун бўлса керак, Алишер Навоий шеърияти асосида беҳисоб романслар яратилган.

Ўзбек композиторларининг романсларида анъанавий миллий мерос билан боғлиқ жиҳатлар яққол акс этиб туради. Улар кўпроқ халқ лирик ашулаларига яқинроқдир. Бу ерда мусиқий асарнинг моҳияти ва шаклини аниқлайдиган поэтик хусусиятлар намоён этилган. Чунки ички бой кечинмалар билан суғрилган шоирнинг лирикаси инсон қалбига яқин ва тушунарлидир.

Лирик романсларда қаҳрамонларнинг ички кечинмалари, ҳис-туйғулари асосий ўрин тутлади.

Профессионал халқ мусиқачиларининг ашулаларида мусиқадаги поэтик тимсолларни тингловчига етказиш етакчи тамойиллардан бири. Асосий ғояни тараннум этиш, руҳий ҳолатларни ифода этишга уринишлар барчаси замонавий дунёқараш билан боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан, кўшиқ романсларга яқиндир.

Ўзбек романси ўзининг жанр манбаи билан бевосита ўзбек мусиқий фольклори, хусусан, лирик ашула жанрига услуб жиҳатидан яқиндир. Уни лирик ашула билан лирик қиёфалар етакчилиги – ҳиссий қиёфалар доираси ҳам, шакллантирувчи услублардан саналган хониш-вариантли ўсувчанлик йўли билан поғонама-поғона авжга чиқувчи куй оҳангларини ҳам ўзаро боғлайди. Қолаверса, романсда ҳам ашуладаги сингари иккита авж доираси мавжуд. Улар, одатда, биринчи давриянинг иккинчи жумласида ва иккинчи давриянинг ўрталигида жойлашади. Бироқ авж қисмига олиб борувчи йўл тадрижий тайёрланувчи фольклор намуналардан фарқи шуки, романсларда авжга тез, тўғридан-тўғри ўтилади. Шунингдек, ўртадаги фарқ, умуман, мусиқа шакли соҳасида ҳам кузатилади. Шундай қилиб, бизнинг романслар ўзбек кўшиқчилиги ижодида устунлик қилувчи икки қисмли, яъни репризали композицияга эга бўлади.

Маҳфуза ҚОЗОҚБОЕВА,
Ўзбекистон давлат
консерваторияси доценти



Q'lkamizda Navro'z nafasi



Шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида шаҳар ва қишлоқлари, маҳалла ва овулларида баҳор айёми – Наврўз байрами кенг нишонланмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 28 феврал кунги «2017 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори халқ сайилларини ташкил этишда дастуриламал бўлмоқда. Ушбу айём Қорақалпоғистон Республикаси Эллиқалъа туманида ҳам ўзига хос тарзда ўтказилди.

Наврўз тантаналари 15 март кuni туман марказида сумалак сайллари ўтказилиши билан бошланди. Шу кuni «Қизил қум» ва «Гулистон» овулларида миллий ўйинлар,

яъни от чопар мусобақалари ўтказилди.

Асосий байрам сайиллари 18 март кuni туман марказидаги Жалолиддин Мангуберди номидаги маданият ва истироҳат боғида ҳамда Санъат саройининг ёзги амфитеатрида ўтказилиб, миллий халқ ўйинлари, санъаткорларнинг чиқишлари дорбозлар, хўроз, кўчқор уруштириш билан давом этди.

Тўйга-тўёна сифатида 21 март кuni аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш ва қулай шароитлар яратиш мақсадида туман маркази, Гулдурсин, Сарабий, Қилчиноқ овулларида 10 дан ортиқ маиший ва аҳолига хизмат кўрсатиш объектлари фойдаланишга топширилиб, 50 дан ортиқ иш ўринлари яратилди.

Туманда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 декабрдаги «2011-2015 йилларда Маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари Дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги 322-сонли қарори ижроси юзасидан Жалолиддин Мангуберди номидаги

маданият ва истироҳат боғи фойдаланишга топширилган. У туман марказидаги Бўстон шаҳрида жойлашган бўлиб умумий майдони 30 гектарни ташкил қилади. Боғда 20 минг дарахт бўлиб, жорий йилда яна 15 мингдан ортиқ манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Оқшом чоғида боққа 43 та тунги ёритиш чироқлари файз бериб турибди. Ўтган вақт ичида бу ерда 1,7 км пиёдалар йўлакчасига 5000 квадрат






метр рангли брусчаткалар ётқизилди. 750 метр ичимлик суви тармоғи, 800 метр электр тармоқлари тортилди. Истироҳат боғида 3 та музқаймоқ кафеси, фото студия, салқин ичимликлар дўкони, автодром, 10 та турли аттракционлар ўрнатилиб, 2 миллиард 800 миллион сўмлик ишлар амалга оширилди. Келгусида ушбу боғда Жалололдин Мангуберди ҳайкали, мусиқали фаввора, маъмурий бино, тиббиёт пункти, амфитеатр қуриш, 3000 квадрат метр жойга брусчатка ётқизиш каби ишларни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги «2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора тadbирлари тўғрисида»ги 178-сонли қарорига асосан туманда 3 та «Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари» ташкил этилди.

«Элликқалъа» овулида жойлашган Маданият ва аҳоли дам олиш маркази 2015 йилда давлат бюджетидан 658 миллион, маҳаллий бюджетдан 40 миллион сўм маблағ ажратилиб капитал реконструкция қилинди. Ҳозирги кунда Маданият ва аҳоли дам олиш маркази 300 ўринли концерт ва тadbирлар ўтказиш зали, рақс ўргатиш зали, маънавият ва маърифат хонаси, тўғрақ машғулотлари учун хоналар, мусиқа асбоблари, компьютер, фото, видео, овоз кучайтиргичлар билан таъминланиб, аҳолига хизмат кўрсатиб келинмоқда. 1998 йилдан Маданият ва аҳоли дам олиш маркази қошида «Жайрон» драма жамоаси фаолият кўрсатмоқда. У туман ва республика миқёсида маданият соҳасининг ривожланишида ўзининг ҳозирги кундаги долзарб мавзулардаги сахна кўринишлари билан ҳисса қўшиб келмоқда.



Саида ЗУННУОВА

O'kinch

Ҳикоя

Дарвоза кия очик эди. Равондаги электр нури ҳовли сах-
нини ғира-шира ёритиб турар, уйлар коп-қоронғи. Малик
ичкарига киришга шошмади. Осмонда милтиллаган юлдуз-
ларга тикилганча оғзидаги папиросни чуқур тортди. Атроф
жим-жит. Хазонларнинг шабададан шитирлашию чала бер-
китилган водопровод жўмрагидан оқаётган сувнинг жил-
дирашидан бошқа ҳеч нарса эшитилмасди. Ҳовли тўри-
даги кичкина уй деразасидан озгина жойга ёруғ тушиб
турарди. Малик кўзларини пирпираттанча, дам-бадам
ўша томонга қараб қўяр, қариганида ёлғиз қолган онаси-
нинг мунгли кўзларига қарашдан дили қийналар, унинг ол-
дида кўпинча жим ўтиришдан бошқа чораси йўқ эди. Қўшни
ҳовлида кимдир эшикни тарақлатиб ёпди. Тепасидаги олма
шоҳида мусича бир патирлаб тинди. Малик барги сийрак-
лашиб қолган шоҳда қорайиб турган инга қараб қўйиб, во-
допровод олдига борди. Жилдираб турган сувда қўлларини
ювиб, жўмракни маҳкамлаб қўйди. Сув овози тиниб, атрофга
баттар жимлик чўкди. Малик иккита бармоғини чўнтагига
сукиб, рўмолчасини олаётганида, боланинг кулганига ўхша-
ган овоз эшитилди. У сергакланиб онасининг уйи томон қа-
ради. Кейин шошиб бориб деразадан мўралади. Полга кенг
килиб тўшалган ўринда саккиз ёшлар чамасидаги бола то-
моғигача кўрпага бурканиб ётар, баланд ёстиққа бир тирсаги
билан суяниб ёнбошлаб ётган кампир алланарсаларни гапи-
рар, бўш қўли билан боланинг коп-қора сочларини дам-ба-
дам силаб қўяр эди.

Малик эшикни очди. Бола қаради-ю, сакраб ўрнидан тур-
ди. Чопиб келиб Маликнинг бўйнига осилди.

– Дада!

Малик уни кучоклаганча кўзларини юмиб бир нафас ту-
риб қолди. Кейин ўглининг яланғоч билақларини силаб, юз-
ларидан ўпди.

– Шамоллайсан. Кўрпага кира қол.

Бола кўрпага ўралгач, дадасига илжайиб қараб қўйди.
Уларни жимгина кузатиб турган онанинг дили шу дамда тил-
ка-пора бўлган, лекин у гапиролмас, гапирса, ўглининг шун-
доқ ҳам ачишиб турган ярасига туз сепишини биларди.

– Мунча кеч қолдинг?

– Қўйишмади. Телефон қилган эдим.

Малик кечки пайт хотинига телефон қилиб, диссертация
ёклаган бир ўртоғиникига боришини айтган эди. Ҳозир бўлса
хотинини сўрамади. Чунки ўгли келган куни у албатта кетиб
қоларди. Малик ўзига тикилиб ётган ўғлига қараб қулиб қўй-
ди.

– Қачон келдинг?

– Ҳали. Аям бувингни кўриб кел, деб юборди.

Маликнинг юраги алланечук бўлиб кетди. Ҳа, бувиси
учун юборган. Дадангни кўриб кел, демагандир. Малик де-
ворга тираб қўйилган хонтахта ёнидаги кичкина паст стулча-
га ўтирди. Хонтахта устида новвот, майиз билан янги ёпилган
ноннинг ширин хиди дастурхонга ўроғлик бўлса ҳам гурки-
раб турарди. Она буни дарров пайқади.

– Егин. Ёпган нонни яхши кўрардинг.

Малик секингина хўрсиниб қўйди. Қайси юзи билан у ёп-
ган нонни ейди.

– Буви, ундан кейин нима бўлди?

– Бўлди энди, ухла.

– Жон буви, айтиб бера қолинг. Пошшонинг хотини кетиб
қолдими-а?

Ҳа, пошшонинг, менга тегмасанг бу давлатлар қаёқда эди
сенга, деган гапи унга жуда оғир ботибди. Битта ойна билан
тароғини чўнтагига солибдию уйдан индамай чикиб кетиб-
ди. Йўл юрса ҳам мўл юрибди. Бир ўтинчи учрабди...



Маликнинг юраги кисилди. Ҳаво етишмаётгандек бўғилиб ҳовлига чиқди. У кичкиналигида онасидан бу эртакни эшитган, кўп марта эшитган эди. Лекин маъносига энди тушунапти. У уйига ҳам киргиси келмас, шу аҳволда онасининг қаршисида ўтиришга ҳам бардош беролмас эди. Бу эртакнинг давомини эшитишга унда юрак йўқ. Қачонлардир, кимлардир тўқиган бу эртак Малик билан Муяссарнинг ҳаётларига жуда-жуда ўхшаб кетарди. Пошшонинг хотини унинг гапини кўтаролмай, ўтинчига тегарди. Тежамлилиги, ақли, ҳалоллиги билан ўтинчини шунчалик бой қилиб юборадими, пошшонинг давлати ўтинчининг давлати олдида ҳеч гап бўлмай қолади.

Содда, ювош Муяссарнинг юрагида қанчалар куч борлигини Малик кейинроқ билди. Хотиралар чангалида Маликнинг юраги фарёд чекар, фақат унинг овози ҳеч кимга эшитилмас эди. У ҳовлида қанча юрганини билмади. Ҳалигача очик турган дарвозани беркитиш учун кўча томон юрди. Дарвозани беркитди-ю, яна туриб қолди.

Муяссар ҳар куни шу кўчадан ўтарди. Малик унинг орқасида тўлқин урган сочларига, камзул сиқиб турган хипча белига қараб қоларди. Муяссар атрофга қарамас, қора сумкасини кўтарганича енгил ва шарпасиз қадамлар билан бир зумда ўтиб кетарди. Унинг бошида кўпинча шафтоли гули рангида рўмоли бўлар, рўмол унга жуда ярашар, йигитнинг суқ назарини сезганиданми, юзлари ҳам худди шу рангга ўхшаб кетарди. У вақтларда Малик студент эди. Ўқишга кетаётганда кўпинча қизга тўқнаш келар, кейинчалик унинг ўтадиган пайтини пойлаб турар, у билан изма-из йўлга тушарди. Секин-секин улар саломлашадиган бўлишди. Кейинча қизнинг тўқимачилик комбинатида тўқувчи эканлигини Малик билиб олди. Уни бир кўрмас, ороми бузиладиган бўлиб қолди. Қиз ниҳоятда камгап, уятчан эди. Маликни кўрганда, қизариб ерга қарар, доим кўзини олиб қочарди. Ана шу аҳволда икки йил ўтди. Малик институтнинг охири курсига кўчди. Муяссар ўн тўққиз ёшдан йигирмага қадам қўйди. Маликнинг гапларига у уялибгина жавоб берар, нукул аямлар биладилар деб, ўзи узил-кесил бир нима демасди.

У пайтларда Малик онаси билан ўша кичкина уйчада яшар, ҳозирги уйлари ўрнида омонатгина қурилиб, бир амаллаб қора сувокдан чиқарилган иккита хона бўлиб, ҳали у одам яшайдиган даражада эмас эди. Унинг ғиштларини Маликнинг ўзи қуйган, тоғаси анча-мунча қарашиб, шунчалик ҳолга келтиришганди. Опасидан хотиржам бўлиш учун тоға Маликни уйлантириб қўйиш ҳаракатига тушиб қолди. Онаси Муяссарларникига совчи бўлиб борди. Муяссарнинг дадаси ўқитувчи экан. Қиз уларнинг бош болалари бўлиб, ундан кейин икки укаси ва икки синглиси бор эди. Уларнинг бири студент, қолганлари мактабда ўқирдилар. Улар совчиларни жуда яхши кутиб олишди. Орадан уч-тўрт кун ўтгандан кейин Муяссарнинг дадаси ундан-бундан суриштирдими, розилик бериша қолди. Тоға зудлик билан уйларига эшик, ром ўрнаттириб оқлагди, электр ўтказди. Муяссарнинг ота-онаси куёв томонни ниҳоятда аяшар, мумкин қадар камхарж билан битказишга, уларни кийнамасликка ҳаракат қилишарди.

Икки томон топган-тутганини ўртага ташлаб, бир кунда ўйни ўтказишди.

Муяссар билан бирга бу жимжит ҳовлига файз киргандай, ҳамма ёқ ярақлаб, ёришиб кетгандай бўлди. Тоға ҳам, кампир ҳам хурсанд. Маликнинг эса бахти еру кўкка сигмағудай эди. Муяссар ҳам бахтиёр эди. У тиниб-тинчимас, ҳовлига гуллар экар, алланарсалар тикар, шу уй, шу ҳовлини кўркамроқ, чиройлироқ қилиш учун овора эди. Ишдан қайтишда бозорга кириб, уни-буни олиб келар, рўзгорини мумкин қадар бут-ту-

тишга уринарди.

Малик ўқишни тугатди. У яхши ўқирди. Муяссар уни аспирантурада қолишга кистади.

– Ишламасам, сизга жабр бўлиб кетади. Рўзгорлик одамга стипендия нима ҳам бўларди, – деди Малик.

– Бир амаллармиз. Кўп бўлмаса, озрок ермиз. Кейин ишдан узилиб яна ўқишга киришингиз қийин бўлади, – деди. Кейин қулиб, қизариб қўшиб қўйди:

– Ҳозир кам жон пайтимизда ўқиб қолсангиз-чи.

Малик аспирантурада қолди. Муяссар етишмовчиликдан, кийим-кечагидан ҳеч қачон нолимади. Моянасидан жамғариб, эрининг диссертация ҳимоя қилишига ният қилиб, озрок пул ҳам йиғиб қўйган экан. Зиёфатни ҳам чиройликкина қилиб ўтказишди. Малик хотинидан миннатдор, хурсанд эди. Ишга тушиши билан хотинига яхши совғалар олиб келишни хаёл қиларди. Лекин Муяссар бошқа бир ҳаракат бошлади:

– Уй олдига яна битта уй қўшас, бу ёғига кичикроқ равон қилсак. Секин-секин, йиғиб-териб. Ҳозир кучимиз бор, ёшмиз. Рўзгорни биттамыз эпласак, биттамызнинг топганимиз билан аста-секин кўтариб оламиз.

Ана шундай қилиб иморатга иморат қўшилди. Дам олиш кунлари Муяссарнинг укалари ҳам хашарга келар, Муяссар тупроққа беланиб улар билан тенг ишлашарди. Уйлари битай деганда Мақсуд туғилди.

Малик ўзи ўқиган институтда дарс берарди. Сочини баланд қилиб турмаклаган, энг сўнгги модада кийинган қизлар ёнидан қарсиллаб ўтиб турар, унинг лекцияларига маҳлиё бўлиб, термилиб ўтиришарди. У баъзан улар билан хотинини таққослайдиган, меҳмон-измонга уни олиб юришдан тортинадиган бўлиб қолди. Муяссар чиройликкина кийиниб юрса ҳам модаларга парво қилмас, тирноқ бўямас, умуман, сартарошхонага кирган эмасди.

Кўчадан гувиллаб машина ўтди. Кечанинги жимжитлигида унинг овози ҳамма ёқни ларзага солгандай туюлиб кетди. Малик сувук еганини, ҳамма ёғи музлаб қолганини шундагина сезди. Зинадан аста равонга чиқиб, уйга кирди. Электрни буради. Уй сувук бир сукут билан унинг кўксидан итаргандай эди. Буфетни очиб, яримлаган коньякни пиёлага тўлдириб қуйди-да, тикка турганича шимирди. Ҳозиргина бағрига босган ўғлининг нафаси, бўйнидан кучоклаган юмшоқ жажжи қўллари унинг бир вақтдаги тинч, осуда, бахтли дамларини эслатган эди.

Лекин Малик ўзининг бахтиёрлигини тезда унутди. У севгидан ажралиб, шунчаки ҳавас йўлига қираётганини пайкамай қолди. Уйига келса хотини унинг ҳеч қанақа гапларига тушунмайдигандек туюлар, гунг бўлиб олар, овқат устида ҳам, чой устида ҳам газета ўқиб индамай ўтирарди, Муяссар ҳам безди. Кўпинча қайнасанининг ёнига бориб ўтирадиган бўлди. Малик буни сезар, баъзан унга раҳми ҳам келар, институтда бўлган бирон воқеани гапириб берай деб туриб, э, бу тушунармиди, деб тўхтаб қоларди. Бир куни у уйига қайфияти анча баланд келди. Ўғлига алланарса тикиб ўтирган Муяссарга қараб:

– Мени кафедрага мудир қилишди, – деди. Муяссар хурсанд бўлгандай жилмайди. Лекин шу захотиёқ Малик: – Ҳеч нарса тушунмадинг. Кафедрани билармидинг сен? – деди. Муяссарнинг юзи бир нафасда бошқа тусга кирди. Нина тутган қўллари бўшашиб титради. Лекин эрига жавоб қайтармади. Ўзини хотиржам туттишга уринди. Шундан кейин у гапирса ҳам, юмуш қилса ҳам, овқат олиб келса ҳам Маликнинг юзига қарамади.

(Давоми 38-бетда)

«Ne jur'at ila...»

«

**Мушкин қошининг ҳайъати ул чашми жаллод устина,
Қатлим учун нас келтирур нун элтибон сод устина.**

**Қилғил тамошо қомати зебоси бирла оразин,
Гар кўрмасанг гул бўлганин пайванд шамшод устина.**

**Нозу адоу ғамзаси қасдим қилурлар дамбадам,
Ваҳ, мунча офатму бўлур бир одамизод устина.**

**Мен хастага жон асрамоқ эмди эрур душворким,
Қотил кўзи бедод этар ҳар лаҳза бедод устина.**

**Ул гул юзи шавқи била шайдо кўнгул шому саҳар,
Булбулдек айлар юз наво минг навъи фарёд устина.**

**Бошимга ёққон ғам тоши мингдин бирича бўлмагай,
Гардун агар минг бесутун ёғдурса Фарҳод устина.**

**Эй шаҳ, карам айлар чоғи тенг тут ёмону яхшини –
Ким, меҳр нури тенг тушар вайрону обод устина.**

**Хоки танинг барбод ўлур охир жаҳонда неча йил,
Сайр эт Сулаймондек агар тахтинг қуруб бод устина.**

**Не журъат ила Огаҳий, очгай оғиз сўз дергаким,
Юз хайли ғам қилмиш ҳужум ул зору ношод устина.**

Мушкин (хушбўй, сермўй) қош бир ҳайъат тузиб, «кўз» аталмиш жаллод устига жойлашган. Кўзнинг жаллодлиги ошиқ қалбига ўқ отиши ё ханжар уриши етмагандай, қош билан бир лашкар тузиб, ҳужумни кенгайтириш мақсадида тил бириктирдилар.

**Мушкин қошининг ҳайъати ул чашми жаллод устина,
Қатлим учун нас келтирур нун элтибон сод устина.**

Уларнинг бири ҳукм чиқаради, масалан, қош; кўз эса уни ижро қилади. Менинг қатлим учун улар ўзаро ҳукм чиқаради-да, нас – қатлномани юборадилар. Нун араб ёзувида ن шаклига эга бўлиб, у қошга ўхшаган эгри бўлгани учун кўз аталмиш жаллоднинг устида туради ва ўз ҳукмини кўз (нигоҳ) воситасида етказадиким, у ёзувда ص шаклига яқин бўлади. Агар уларнинг ҳар иккиси қўшиб ўқилса, نص - нас ҳосил бўлади. Бу луғатда қатл хати деганидир.

**Қилғил тамошо қомати зебоси бирла оразин,
Гар кўрмасанг гул бўлганин пайванд шамшод устина.**

Гўзал қомат ва гул юз одатда инсонга чирой бахш этувчи ун-сурлардир. Гул – юз чиройи, шамшод қомат расолигининг рамзидир. Лекин гулни шамшодга пайванд қилиб бўлмайдим, ундан на гул унади, на шамшод ўсади. Мана шу юз бермас ҳодиса-

ни томоша қилмоқчи бўлсанг, ёримни кўргил, дейди шоир. Гул тасаввуф шеъриятида илоҳий маъво, нур маскани. Шамшод эса тик ўсгани учун тўғрилиқ белгисидир. Уларнинг бир жисмга пайвандланиши натижасида илоҳий нур – зебо сифат тўғрилиқ билан бирлашади ва инсонга маънавий кўрк берувчи маскан сифатида доимо кишилар эътиборида бўлади. Демак, шаклий гўзаллик илоҳий нурга кўшилиб, маъновий улуғворлик касб этади.

**Нозу адоу ғамзаси қасдим қилурлар дамбадам,
Ваҳ, мунча офатму бўлур бир одамизод устина.**

Лекин бу гўзал чорлаганинг билан осонгина ёнингга келмайди, унинг нозу адоу ғамзалари тўпланиб, инсонга офат келтирар даражада уни адо қилишга тайёр туради. Бир одамизод устига шунча бало лашкарини юбориш инсофданми?

**Мен хастага жон асрамоқ эмди эрур
душворким,
Қотил кўзи бедод этар ҳар лаҳза бедод
устина.**

Мен бу офатлар туфайли хасталангандим, энди уларнинг дастидан жонимни асрамоқ душвор, қийин. Чунки кўз – қотил, у мени бедод этади, яъни уни кўргач, тилим лол бўлиб айланмай қоладики, мен ҳатто «дод» дея олмай қоламан.

**Ул гул юзи шавқи била шайдо кўнгул шому
сахар,
Булбулдек айлар юз наво минг навъи фарёд
устина.**

Унинг гул юзининг шавқи ҳар доим, шому сахар кўнглимни шайдо қилади. Кўнгил – жон куши булбул каби нола қилади, унинг ноласи мен тортаётган минглаб фарёдларга кўшилади. Минг навъли хилма-хил фарёд ноласига, юз наво – куй кўшилиши билан ўзига хос мусиқий мажму – симфонияни ҳосил қилади (Ким уни тинглайдию, ким маънисига этади).

**Бошимга ёққон ғам тоши мингдин бирича
бўлмагай,
Гардун агар минг бесутун ёғдурса Фарҳод
устина.**

Агар ишқ шоҳи Фарҳоднинг устига Бесутун тоғидан мингларча тошлар ёғдурса ҳам, улар менинг бошимга ёққон ғам тошларининг бирича ҳам бўлмайди. Демак, менинг дарду алашим ҳам Фарҳодниқидан минг чандон буюкроқ.

**Эй шаҳ, карам айлар чоғи тенг тут ёмону
яхшини –
Ким, меҳр нури тенг тушар вайрону обод
устина.**

Эй подшоҳ, карам айлайдиган вақтида яхшию ёмонни тенг тутгил, чунки меҳр – қуёшнинг нури вайронаю обод маскан устига бирдек ёғилади.

Меҳрнинг иккинчи маъноси, шафқат ва муҳаббат. Демак, менам меҳрингни дариғ тутмагил, чунки охиратда барчага бирдай жон ато қилинадию, ҳар ким ўз қилмишига яраша жазосини олади. Шоҳ – нафақат мулк ҳукмдори, балки тасаввуфда илоҳий ишқ маскани эгаси, Улуғ Яратувчи. Сен ҳам улуғликни, карамни Яратгандан олгансану ундан ишда ҳам ўрнат олсанг бўлмасми?! Чунки Аллоҳнинг карами кенглиги, муруватининг бепоёнлиги, раҳму шафқатининг беададлиги инсонларга намуна бўлиши керак.

**Хоки танинг барбод ўлур охир жаҳонда
неча йил,
Сайр эт Сулаймондек агар тахтинг қуруб
бод устина.**

Танингдан қолган туфроқ, яъни сенинг жисминг – тананг барбод бўлиб, бир кун туфроққа айланишини билгин, афсонавий пайғамбар Сулаймон ўз тахтини бод – шамол устига қурганини билмайсанми? Бироқ Сулаймон тахти абадий қолиши мумкин, сенинг гўзал қоматинг эса бир кун хок – тупроққа айланади. Сенинг қотил кўзларининг ўзи ҳам бир кун ўлимга дучор бўлади (Шундай экан бу қадар жабр-зулмдан маъно не?)

Бу бегона байт ошиқлар қисматиға доир умумий фикр айтишга чоғланса ҳам у ғазал мазмуниға таноуб равишда сўнгги қатъий хулоса қилишга ёрдам беради:

**Не журъат ила Огаҳий, очгай оғиз сўз
дергаким,
Юз хайли ғам қилмиш ҳужум ул зору ношод
устина.**

Огаҳий, хаста бўлганидан зўрға сўз айтишга оғиз очган эди. Ул ўзи зору ҳамда ношод бўлса, устига устак унга ғам лашкарини юбориш тўғрими? Бироқ ғам лашкари мулкни забт этгандан сўнг маъшуқа ишқи билан дардланиши керак эмасми. Энди бу ҳол изтиробгина эмас, балки сурур – шавқ бахш эта бошлайди. Мана шу шавқ Огаҳийни не журъат билан сўз айтмоққа рағбат қилади.

Огаҳий ҳазратлари «Девон»и дебوحасида ёзганди: «...шеър шоирнинг иззат ва давлат неъматини ҳосил қилмоқиға сабаб, балки икки дунё манзилати саодатиға восил бўлмоқиға боисдур». Демак, ғам юкидан оғирлашган туйғулар карвони ушбу ғазалда зийнатланиб туришининг боиси икки дунё саодатиға эришмоқлик нияти сабабидандир. Ишқ ўтининг алангалари ишқ аҳлиға совуқ туюлиши мумкин, бироқ у дард ўти билан бирлашиб, омухта бўлгандагина иссиқлик манбаиға айланади. Бу ғамнок ғазалнинг жўшқин пардаларда куйланиши унинг шуъласи бошқа дардманд қалблар қоронғулигини ёрита олишидадир.

Ҳамид УБАЙДУЛЛОҲ



Soʻz va mohiyat jilosi

Таниқли шоир, устоз Икром Отамурод кейинги йилларда «Доғ», «Ўрин», «Балки», «Жадвал» сингари бир қатор дostonлар яратди. Улар ҳақида вақтли матбуотда қатор фикрлар билдирилмоқда. Бироқ адабиётшунослар таъбири билан айтганда, замонавий миллий дostonчилигимизнинг айна палладаги тараққиётида муайян бир ўзига хос адабий ҳодиса дейиш мумкин бўлган мазкур асарлар поэтикасини алоҳида таҳлил қилувчи мақолалар нисбатан камлиги ҳам сезилмоқда. Қуйида эътиборингизга шоирнинг «Жадвал» номли дostonи борасида адабий таҳлил ва кузатишлар ҳавола этилмоқда.

Шоир Икром Отамуроднинг янги дostonига Фаридиддин Атторнинг:

*Киши билгайму, не сирри жаҳон бул,
Не сир эрмишки, нури жаҳон бул?*

байти эпиграф қилиб келтирилади. Мазкур пурҳикмат сатрлар мазмунида шоирнинг ғоявий-эмоционал муносабати акс этган. Шу боис танланган эпиграф ўз бадиий-эстетик функциясига кўра дostonга очкич вазифасини ўтайди. У муаллифнинг мақсади ҳақида маълумот бериши, асар ёзилишига туртки берган фикр-қарашларни ифода этиши, ижод онларидаги туйғу-кечинмаларини ихчам ифода этиши жиҳатидан дoston воқелиги ҳақида илк тасаввурлар уйғотади.

И.Отамуроднинг «Жадвал» дostonида Ҳақ ва ҳақиқат тушунчалари инсон моҳиятига боғлаб тушунтирилади. Шоир тавҳид моҳиятию ҳақиқат асрорини бани одам меҳвари ҳамда инсоний ҳақиқатга чамбарчас боғлаб изоҳлайди.

«Жадвал» дostonининг илк сатри атиги битта сўздан иборат: ... Олам...

Эпиграфда қўйилган: Одам боласи ақл ва жонга нур берувчи жаҳон сирини билиши мумкинми?, – деган масала теграсидаги муҳокама-мушоҳада ва фикрий-шуурий баён айнан шу сўзга боғлиқ тарзда юзага чиқади. Шоир тушунчанинг ҳар икки томонига «уч нуқта» қўяди. Яъни бу тушунчанинг англами беҳад кенг эканига эътиборимизни қаратади. Демак, биринчи сатрни ўқишданоқ, биз муайян асрори ўзимизга аён ва аллақанчаси ноаён дунё, аниқроғи оламлар рангин экани ҳақида теран ўйларга шўнғиган

шоир тахайюл олами сари юзланамиз.

Заррада коинот акс этганидек, олам ҳам моҳиятан нисбий тушунчадир. Зотан, энг кичик заррадан коинотгача бўлган юксаклик ва кенгликлар, баҳри муҳит каби теранликлар миқёсли тарзда фикран қамралса, қалбан ҳис этилса, зарра ёки қатрадай кичик, тоғдай улуғвор, уммондай чуқур ва инсондай мураккаб барча мўъжазу ҳайбатли нисбий дунёлар бир муаззам шажарада: узун-қисқа, катта-кичик, паст-баланд, саёз-теран бўлиб сафланади. Чунки «олам» – бу бизни қуршаб турган дунё ҳақидаги беҳад кенг қамровли тушунча бўлиш баробарида, муайян маънода воқеликни ҳам ифода этади. Шундай экан, барча нарасю ҳодисалар космологик олам тушунчаси теграсида идрок этилади. Биз оламни чексиз ёхуд чекли дея тортишувчи икки қутб донишлари баҳсидан воқиф эсак-да, мутолаани уч нуқталар қуршовида давом қилдирамиз:

... Ҳар томон тахлитан ўзи бир олам ...

Ҳа, оламий тизимлар беҳад кўп. Инсон фикри уларнинг ҳаммасини яхлит тарзда нисбий қамрай олади. Илло, ҳар бир объект ўзига қадрдон тизимда чексиз ва ўзига бегона масканда чекланган ва аксинча...

Барча вазият-ҳолатлар ғоятда сирли, айна пайтда қарра жадвали янглиғ қатъий қонун-қоида ва изчил меъёрга бўйсунувчан. Бу ҳоллар чиндан-да ҳайратланарли. Оламнинг намоён бўлиш шакллари ғоятда хилма-хил экани ҳам алоҳида эътиборга молик. Жумладан:

- зоҳиран ошкор моддий жисмлар олами;
- инсон маънавий-руҳий олами;
- биз билан биргаликда, айна дамда мавжуд долзарб олам;
- келажақда мавжуд бўлиш имконига эга потенциал



олам;

- эҳтимолдаги виртуал олам;
- барча эътироф этадиган реал олам;
- инсон ҳаёл ва тасавури – идеалидаги абстракт олам...

Одам боласи айна лаҳзанинг ўзида юқорида саналган барча оламларга дахлдор. Ўз кундалик ҳаётимизда биз реал дунёда умргузаронлик қиламиз. Ҳаёлимиздаги режалар виртуал оламга; ўзимиз ва атрофимиздагилар конкрет оламга; орзу-умидларимиз абстракт оламга мансуб. Потенциал олам реалликка айланишида моҳият эътибори билан эҳтимоллик етакчироқ. Шу боис биз кўпинча олган ўлчовларимиз, тузган режаларимизда реал ҳаётга асосланамиз ва уларнинг рўёбга чиқиш эҳтимолини янада оширамиз.

Англашимизча, ҳатто мутасаввифлар ҳам ижтимоий ҳаёт ва одамлардан буткул ажралиб яшашмаган. Зоҳирий узлат моҳиятига нигоҳ ташлар эканмиз, уларнинг аксар ўй-хаёл, идеал, мақсад-маслакларни пировардида инсоният муаммолари ва жамият ташвишларига чамбарчас боғланади. Бинобарин, зоҳир «фаолиятсиз»лиги ботинида бетакрор фаоллик – индивидуал ўзлик ниҳон. Шу боис, ташқи ва ижтимоий оламлар инсон ўзлик оламида жилваланади. Айнан шу оламда ўзаро чамбарчас боғланиш, узвий чатишиш ва уйғунлашиш ҳодисаси содир бўлади.

Айрим илмий фаразларга кўра коинотнинг дастлабки вужудга келиш даврида фазо ва вақт бир ўлчамли бўлган экан. Аммо «ўлчамлик» тушунчаси фазо ва вақтнинг қанча ўлчов бўйича эркинликка эга эканини ифодаловчи топологик хусусиятга ҳам эга. Макродунёда вақт – бир ўлчамли, фазо – уч ўлчамли. Воқелиқда эса, фазо-вақт биргаликда тўрт ўлчамда намоён бўлади. Илм-фан тасдиқлашича, нуқта – ўлчамсиз, чизиқ – бир ўлчамли, юза икки ўлчамли, жисм – уч ўлчамли, ҳодиса – тўрт ўлчамли, яшин – беш ўлчамлидир. Буларнинг барчасида муайян изчиллик мавжуддир. Юқоридаги ҳодисалар асрорини идрок этиш мумкинми? Шубҳасиз, бу мураккаб жадвалга қачондир улкан бир соҳиби тадбир асос солган. Беқийёс бир моҳир қўл аниқ мақсад йўлида тартиб берган. Аммо ҳаммаси қачон ва қай лаҳзада содир бўлди?! Миямизда такрор-такрор чарх урувчи бу саволларга дostonда шундай жавоб изланади:

*Қачондир
қачоннинг
қачони
қачон...*

Шоир поэтик нигоҳи дастлаб нарсаларнинг кўрилган зоҳирига, сўнгра инсон тафаккури ёрдамида акс эттириш мумкин бўлган ички моҳиятига қаратилади. Лирик қаҳрамон фикрича, мавжудлик инсон ақли билан қамраш мумкин бўлган рационаллик эмас. Мавжудликни мантиқий хулосалар ва ҳатто ҳиссий ҳодисалардан ҳам келтириб чиқариб бўлмайди. У одам боласи борлигида мужассам. Яъни олабий ақл соҳибига нисбатан, ақлан қанчалик чекланган бўлмасин, ҳар бир инсоннинг ўзи ҳам алоҳида борлиқдир.

*... Йўқлигида пайдо бўлган
бўлганнинг бўлган борлиги,
не эрса-да
мавжуддир.*

Бинобарин, алоҳида шахсиятда ибтидо, бугун ва интиҳо бирлашган. Одам – интиҳоли мавжудлик бўлиб, у ўз тарихи ва тақдирига эга. Мазкур «тарих» марказига: уч сўз

битилган: «интиҳолилик», «қайтарилмаслик» ва «тақдирдан ажралмаслик».

*Борлигида пайдо бўлган
бўлганнинг бўлган йўқлиги,
не эрса-да
нобуддир.*

Демак, барча сирлар мавжудликнинг ўзида мужассам. Инсон ҳаёти ўлим билан тугамайди. Аксинча, ўлим бу – бошланғич ҳолат. Унинг моҳиятини масъуллик ҳисси тўла-роқ очиб бера олади. Бошқачароқ айтганда мавжуд одам бу – масъул одам. Зотан, у қандайдир жонсиз буюм эмаски, ўз борлиғи мавжудиятининг сабаблари – бош асосини изламаса.

*Ўзлигида пайдо бўлган
бўлганнинг бўлган ўзлиги,
не эрса-да
ўзликдир.*

Инсон тасодиф маҳсули ҳам, жўн ўткинчи ҳодиса ҳам эмас. Борлиқ ва йўқликда қандайдир моҳият, барча муносабатларда гармоник тизим бўлиши муқаррар. Агар илк моҳият бўлмаганида ҳеч нарса мавжуд бўлолмасди. Бинобарин, ҳар қандай борлиқ муайян нуқтадан ибтидоланади. Яъни биз беҳад қудратли ва абадий индивидуал борлиқ иродасига кўра мавжудмиз. Зотан, иккинчи моҳият биринчи моҳиятсиз юзага келиши мумкин эмаслиги, биринчисининг зурурий ва муқаррар эканини англатади. Нисбат ва бирлик бўлмас экан, модда ва рух ўзаро жипслашмайди. Жипслик йўқ жойда эса, объект ҳам мавжуд эмас. Демак, асл моҳиятнинг муайян ҳолатларини ўзида жилвалантирган инсон онги мутлақ ғоянинг таркибий қисмига айланади.

Шоир лирик қаҳрамонида масъуллик туйғуси шу қадар юксакки, у ҳатто табиий ҳодисаларга-да умуминсоний дахлдорлик туяди. Умуминсоний манфаатларга зид келувчи барча ижтимоий ҳодисаларни инкор этади. Унинг титроқ қалби замин гарди, само зарраси ва уммон қатраси эзилиши, узилиши, сириқишига вобаста тарзда осонгина жароҳатланади. Шу боис «кангул»нинг ўзлик аталмиш оламида ногаҳоний тузалмас дарз пайдо бўлади. Ажиб силкиниш, титраниш, тўлғониш, қалқиниш ва ҳатто лопиллаш содир бўлади:

*... Заминнинг бир гарди эзилса мабод,
мабод бир зарраси узилса осмоннинг,
сириқса уммоннинг мабод бир томчиси,
бамисоли,
бир паҳсаси лат еб,
дарз кетиб,
девори ёрилган иморат тахлит
силкинади,
титранади,
тўлғанади,
қалқинади,
лопиллайди олам...*

Кўринадикки, гард, зарра ва томчилардан таркиб топган олам биноти яхлит тарзда ижодкор инсон қалбига туташ. Демак, шоир барқарорлик ва ўзгарувчанлик диалектик жуфтлигида эътибор қаратиб, мавжуд ҳолат (муайянлик)нинг ўзгаришига хос ҳаракат симптомларни излаяпти. Муҳими шундаки, у ҳодисанинг маънавий ва ғоявий жиҳатларини тафтиш этмоқда.

(Давоми 39-бетда)



Буюк бобомиз, улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ижоди бамисоли бир уммон. Ундан ҳар ким ўз имкониятлари даражасида фойдаланади. Улуғ мутафаккир ижоди кўплаб илмий тадқиқотларга мавзу бўлмоқда. Шоир қолдирган мерос Воҳид Зоҳидов ва Абдуқодир Ҳайитметов, Ҳамид Сулаймон ва Азиз Қажумов каби қатор атоқли олимларга илҳом берди.

Durdona nurlari

Асрлар оша бизга етиб келган шоир ижодий мероси – дostonлари, ғазаллар, рубоийлар, тазкиралар миллионлаб ўқувчилар эстетик эҳтиёжини қондириш билан бирга бадиий ижоднинг деярли барча турларига таъсир этиб келмоқда. Миллий маданиятимизга улугвор, кўтаринки руҳни сингдиришда, фольклор дурдоналарини қайта идрок этиб янги бадиий шаклда ифода этишда, XX аср ихтиролари – кинематограф ва телевидениенинг ифода воситалари шаклланишида, таркиби мукамаллашувида, узок ўтмиш манбаларини ўрганишда, уларнинг гўзал эстетик таъриф-тавсифини таъминлашда ҳаққонийлик, тарихийлик тамойилларига амал қилиш асосида бу буюк мутафаккирнинг хизмати бекиёсдир.

Театр санъатининг Шекспири, Шиллери бўлганидек, миллий телевидениенинг Навоийси бор! Даҳоси кучли шоир қаламига мансуб «ойнаи жаҳон» ҳали аудиовизуал маданият назарияси, амалиёти методологиялари нуқтаи назаридан тўлалигича ўрганилмаган. Экстрополяция йўли билан ҳозирги бир-икки авлод кўз ўнгиде санъат турига айланган, бинобарин, табиати ҳамда таркиби бизга яқин ва аён телевидение нуқтаи назаридан «ойнаи жаҳон»ни ўрганиб кўп муҳим хулосаларга келиш мумкин. Шунингдек, рангга, нур ва соялар курашига чуқур фалсафий «юк» берган, ички монологни қай тарзда ифода этиш йўллари кўрсатган бу қалам соҳиби «ойнаи жаҳон»нинг XX-XXI асрдаги эстетик кўринишига таъсир кўрсатиш жараёнини кузатиб бориш завқ беради. Аслида кузатиш билан чекланмасдан, таъкидлаймиз, экстрополяция усули билан (телевидение ҳақидаги билимимизни «ойнаи жаҳон»га, шоир мисраларига тадбиқ қилиб) ўрганиш долзарб илмий мавзулардан бири эканлигини ёдда сақлашимиз, фундаментал тадқиқотлар режаларини тузишимиз зарур, деб биламиз.

Бу каби мулоҳазаларни ранг-таъсир ва мусиқа ҳақида ҳам айтиш мумкин. Навоий ижодида кўзга яққол ташланадиган улугворлик руҳи меъморчилик санъатимизда, фольклоримизда, мақомда ҳам устун туриши эса услубий бирлик ҳақида илмий фикр юритишга ундайди. Бинобарин, ноёб меросни ўрганиш, ўзлаштиришнинг янги босқичи янги талабларни, методологияларни комплекс равишда қўллашни тақозо этади.

Бу жараённинг бир кўриниши давлат арбоби, мутафаккир адибнинг ҳаётини, жўшқин фаолиятини атрофлича ўрганиш, ёритиш йўллари излаш билан боғлиқ. Шоирнинг бирор асарини экранда ифода этмаган ўзбек киноси (бу «анъана» ҳозиргача давом этмоқда) 1939 йили унга сценарий, сўнгра фильм бағишлашга киришган эди. Бу режа 1947 йилга келиб амалга ошди. Биринчи ўзбек тарихий-биографик фильми пайдо бўлди. Асар экранда 70 йил давомда кўрсатилганидан кейин биз унинг қомусини яратишга киришдик.

Тошкент ва Москва давлат архивларида, шахсий архивларда, газета ва журналлар қатламларида сақланиб қолинган материаллар, фонограммаси ўзгарган, тасвири сақланиб қолинган «Алишер Навоий» фильмининг овози қайта ёзилган нусхасини ўрганиш мазкур асарнинг яратилиш жараёнини хронологик тартибда таърифлаш имконини берди. Барҳаёт ижодкорлар билан суҳбатлар қомус типидеги китобимизни бойитгандек кўринди.

Газеталар хабар беришича сценарий устида дастлаб Ҳамид Олимжон, Уйғун, Иззат Султонов иш бошлаганлар (1939 йил). Кейинчалик берилган ахборотларда шоир Ҳ. Олимжоннинг исми шарифи учрамайди. 1940 йили икки муаллифнинг сценарийси тайёр бўлган, фильмага аввал А. Г. Усолцев, сўнгра И. Трауберг режиссёр этиб тайинлангани хабар қилинган. Икки

ижод даргоҳи – Тошкент киностудияси ҳамда «Мосфильм» павильонларида суратга олиш режалаштирилган. Суратга олинадиган жойлар Самарқанд ва Тошкентдан изланган. Сценарий устида олиб борилган иш давом этаверган. Адабий жиҳатдан дурустгина ёзилган сценарийга «кинематографик тус» бериш ниятида аввал олим, драматург Виктор Шкловский, сўнгра Алексей Спешнев жалб этилган. Ўтган асрнинг 40-йилларида бир сценарийни тўрт киши ёзиши табиий бир ҳол бўлган. Абдулла Қодирий ҳам 1927 йили ёзган публицистик мақоласида ҳозирча «европалик сценаристлар ёнига ўзбекларни тиркаб қўйиш»ни маслаҳат берган. Муаллифлардан бири – В.Шкловский ҳаммаси А.А.Спешнев сценарийдаги воқеаларнинг жадал ривожини таъминлашда маҳорат кўрсатганини қайд этган. Виктор Борисович ёш ҳаммаси Спешневга мурожаат этиб: «Келинг, бирга ишлайлик. Сизни режиссёр тўғри тушуняпти. Мен материални теранроқ идрок этаман. Султонов ва Уйғун эътироз билдирмайди» деган. Икки москвалик муаллиф Тошкентда сценарий руҳини, кўп ўринда мазмунини сақлаб қолган ҳолда мустақил ижод этишга келишишган. Бири фабулани, иккинчиси либреттони, тафсилотларни, диалогни ёзиб, сўнгра сўнги нуқта қўйилгунга қадар бирга бўлишган.

Уйғун ва Ҳамид Олимжоннинг сценарий ҳақидаги фикри сақланмаган. Иззат Султон эса Навоий ва Султон Ҳусайн муносабатларини ёритишда фақат Бобур берган таърифдан келиб чиққанидан афсусланган эди. Бу ҳақда китобимизда тўлароқ ҳикоя қилишни лозим кўрдик.

Фильм сценарийдан бошланади. Лекин унда сўз билан тасвирланган қаҳрамонларни экранда актёр бевосита гавдалантиради. Воқеаларда иштирок этади, руҳий ҳолатларни турли йирикликдаги кадрларда кўрсатади. Режиссура сирларини Москванинг маҳсул билим юртида ўрганган, 20-30 йил-

ларда бир қатор овозсиз фильмларни яратган, 40-йилларнинг ўрталарига қадар Тошкент киностудияси ишлаб чиқаришга туширган фильм-концертлар, киноновеллаларни суратга олган Комил Ёрматов «Навоий» ижодий гуруҳида постановкачи сифатида фаолият кўрсатган. Ижодини актёр сифатида бошлаган бу санъаткор кўп йиллик кино фаолияти давомида ижрога, актёрлар техникаси мукамаллашиб боришига аҳамият бериб келган. «Алишер Навоий» фильмида ҳам ягона мақсадга хизмат қиладиган актёрлар ансамблини яратиш йўлида изланган, профессионал артистларни, типаж (ташқи қиёфаси мос келган ҳаваскорлар)ни кўриқдан ўтказган. Бу жараёнда у ҳамкасблари орттирган тажрибани ўрганганини алоҳида қайд этиб ўтаемиз. «Тоҳир ва Зухра» фильми орқали танилган Раззоқ Ҳамроевга бош роль – Навоийни, Асад Исмамовга марказий қахрамонлардан бири – Султон Ҳусайинни, Соат Толиповга темурий Ёдгорни, Қудрат Хўжаевга Нарғизни топширганини маълум жиҳатдан ижодий жасорат деб баҳоланиши мумкин. Бу актёрлар Наби Ғаниев режиссураси таъсирида бўлган, «Тоҳир ва Зухра» кинотасмаси шуҳрат қозонган кунлари янги экран асаридан, ўз услубига эга бўлган режиссёр раҳбарлигида ролларни ўйнаши таллаб этилган. Хон Бобохон («Тоҳир ва Зухра») образининг янги шароитдаги, ҳозирги лексикада айтганда, медиумҳитдаги кўринишини ифода этган актёр Асад Исмамовнинг ижрочилик санъатига алоҳида қиёсий таҳлил объекти бўлишига ишонамиз. «Навоий» ижодий гуруҳи таркибига асосан, профессионал театрларнинг етук актёрлари киритилиши жараёни узоқ давом этганини фотосиновлар ҳамда эскизлар тасдиқлаб турибди.

Фильмнинг бирорта ифода воситасини камситмаган ҳолда унинг тасвирий «тили», маданияти юксак савияда эканлигини ҳам таъкидлаб ўтаемиз. Асарнинг экспозициясида ёш Ҳусайн ва Алишернинг ҳаёт мазмуни ҳақидаги суҳбати буғдой поясидаги чумоли не қийинчиликларга бардош бериб бошоқ томон бориши кадрларидан бошланиб сўнги қора мато билан ўралган интерьерда муборак ёшдаги Навоий оқ либосда пайдо бўлиши, Мўмин Мирзони қатл этган Султон Ҳусайн билан мулоқотда бўлишини кўрсатадиган кадрларга қадар тасвирнинг устуворлигини таъминлашини кўраемиз. Бу лавҳалар томошабинни ҳайратга келтиради. Ҳусайн Бойқаро билан тахт талашган темурийлар сулоласига мансуб Ёдгорнинг юзма-юз учрашуви микрокомпозициясини эсланг. Отда сув

кечиб кетаётган Ёдгорни Ҳусайн бир зарба билан йиқитади. Шовқин солиб оқаётган сувда ётган бир темурийни иккинчиси халқумидан маҳкам ушлаб эҳтиросли сўзларни алам ва киноя билан айтади:

– Менинг ўлимимни ёшлиқдан истаб келасиз. Мана энди қариб ҳам қолдик. ...Сизни мен жаҳаннамга жўнатаман.

Сувга ботиб ётган Ёдгор чексиз ғазаб ўтида ёниб:

– Сизни кўлингиз билан Навоий ўлдирди мени. ...Навоийнинг соясисиз.

Диалог қанчалик кескин, қаҳр-ғазабли бўлса, оқар сувнинг ваҳимаси шунчалик катта, тезлиги шунчалик ортиб боргандек.

Ғазабнок Ҳусайн учиб турган шойи рўмолларни шамшир билан тилка-пора қилиши, Ёдгор ва Ҳусайн жанги арафасида, жанггоҳ ёнида ўзбек тилининг куч-қудрати ҳақида ёшларга сабоқ бериши, шогирдларнинг ҳайратига, олқишига сазовор бўлиши – бу эпизодлар асар устида катта истеъдод соҳиблари ишлаганидан далолат бериб туради. Реквизит, либос, қурол ва унинг ишлатилиши сабаблари ва дамлари, монтаж ритми, йирик планларга «юк» берилиши – булар режиссёр ва операторнигина эмас, катта ижодий гуруҳнинг бадиий дидини намоён этиб туради.

Фильмнинг драматургияси ва режиссураси, ижроси ҳамда тасвирий ечими ҳақида фикр юритишнинг ўзи завқ беради, кинонинг имкониятлари ҳақида ўйлашга ундайди. Бундай хулосага келганимизда истеъдод, заковат соҳибларининг ўзаро самимий, ижодий муносабатларини ҳам ёдда сақлаймиз. Ригада таваллуд топган, жаҳон миқёсида шуҳрат қозонган С. Эйзенштейннинг сценарий ҳамда эскизлар муҳокамасида билдирган оқил ва одил фикрлари, миллий маданиятимизнинг турли даврдаги кўринишларига меҳр қўйган, эскизлари билан фильмни кўтаринки руҳига асос солган В.Еремян, сценарий муҳокамаларини олиб борган, қимматли маслаҳат берган адиб, Навоийшунос Ойбек – бу каби алломаларнинг исми шарифи титрда ёзилмаган, тақризларда ҳам қайд этилмаган. Уларни бугун экрандаги умри давом этаётган асарнинг 70 йиллик тўйи нишонланаётган дамда бажонидил тилга оламиз. Бу тантанали кунларда ўтмишдаги тоталитар тузум мафкураси тазйиқи туфайли сценарий ва фильмга сунъий равишда киритилган коллизия (Навоий – Бойқаро муносабатлари сунъий равишда кескинлаштирилгани), лирик сюжет йўли (Навоий – Гули ўртасидаги ишқ ижод ишқи даражасида кўрсатилмагани) эътироз уйғотишини қаламга, тилга олмаймиз. Миллий кино маданиятимиз ўн йилликлар муқаддам Навоийни давлат арбоби сифатида кўрсатишга муваффақ бўлганидан мамнун бўламиз. Навоийни мутафаккир ижодкор, «Хамса» муаллифи, Шарқ маданиятининг йирик вакили, Хондамир, Беҳзод каби алломаларнинг устози сифатида кўрсатиш, унинг асарларини экран воситалари ила тасвирлаш бугунги кундаги, истиқболдаги ворисларининг муқаддас бурчи деб биламиз.

Ҳамидулла АКБАРОВ,
филология фанлари доктори,
профессор

Muzeylar - ma'naviyat xazinasi

Инсоният ҳаётида, унинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган энг қадимги буюмлардан тортиб тараққиётнинг юқори босқичларида яратилган ноёб ашёларни жамлаган музейлар тарих, маданият, маърифат, санъат хазинасидир. Музейларнинг ўзига хос илмий оммавий ва тарбиявий шакллари – экспозиция яратиш ва кўргазмалар ўтказишда акс этади.

Ўзбекистонда музейларнинг пайдо бўлиши XIX асрнинг охирига бориб тақалади. Ўша даврда уларнинг тўпламлари камсонли бўлиб, экспозицияларнинг кўпи тасодифий материаллардан ташкил топган. Дастлабки музейларни бойитишда М.Қосимов, Мирза Абдулла Бухорий каби маҳаллий ихлосмандлар ҳамда В.Ошанин, Н. Северцев каби ҳаваскор тадқиқотчиларнинг хизмати катта бўлган. Улар ўлканинг минералогия, зоология, нумизматика, этнографиясига оид бой коллекциялар тўплаганлар.

Мустақиллик йилларида эса, давлатимиз томонидан юртимиз тарихига объектив баҳо берилиб, тарихий хотира объектларини асраб-авайлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 12 январда қабул қилинган «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони халқимиз тарихини тўлақонли акс эттирувчи ноёб ашёларни тўплаш, уларни асл ҳолича сақлашни таъминлаш, мамлакатимизда шаклланган музейлар тизимини ривожлантириш ҳамда жаҳон музейшунослиги тажрибаларини қўллашга доир шарт-шароитларни яратишда дастуриламал бўлиб хизмат қилса, Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 октябрдаги «Музейлар фаолияти бўйича меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш тўғрисида»ги қарори ва бошқа низом ҳамда меъёрий ҳужжатлар музейлар фаолиятини яхшилаш бўйича ҳуқуқий пойдевор бўлиб ҳисобланади.

2010 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Музейлар тўғрисида»ги Қонуни музей фондларини асраб-авайлаш, уларни бойитиб бориш асносида халқимиз, шу билан бирга, ёш авлод онгида миллий ғурур ва ифтихор, туғилиб ўсган она юртига муҳаббат туйғуларини шакллантиришда асосий ҳужжат ҳисобланади. Музейларнинг маънавий ва маданий меросимизни сақлаш, миллий ўзлгимизни англашдаги аҳамияти беқиёс. Чунки музей фондларидаги ноёб ашёлар, қадимий қўлёзмалар, деворий сурат, мато, ёғоч, сопол, металлдан ишланган буюмлар халқимизнинг қадимги даврлардаёқ бой моддий маданиятга эга бўлганидан дарак беради. Шунингдек, музейлардаги ноёб экспонатлар орқали халқ онгида умумбашарий қадриятларга, улкан ва бой миллий маданий меросимизга ҳурмат-эҳтиром туйғуларини тарбиялаш масаласи ҳам эътиборга молик.

Юртимизнинг турли ҳудудларида ўтказилган археологик-этнографик экспедициялар ва санъатшунослик тадқиқотлари натижасида топилган кўплаб археологик ёдгорликлар, моддий маданият ҳамда маънавий мерос намуналари илмий тадқиқот институтлари ва музейларда сақланиб, улар юртимиз ҳудудида яшаган қадимги халқлар тарихи, маданияти, тасвирий ва амалий санъати, урф-одат ва маросимлари каби кўплаб тарихий, маданий, ижтимоий ҳамда этнографик маълумотларга эга бўлишимизда катта ёрдам беради. Биз биламизки, музейлар аجدодларимизнинг авлодларга қолдирган муносиб меросини тарғиб қилувчи, бизни минг-минг йиллик илдизларимиз билан боғловчи, шунингдек, бугунги кун ривожланиш ва тараққиёт даврларини ўзида акс эттирувчи, ўзлгимизни намоён этувчи маънавий-маданий бой хазинадир.

Ҳар йили юртимизда республика миқёсида музейлар ҳафталиги ўтказилиб келинмоқда. Бу ҳафталик халқимизнинг бой маданий меросини тарғиб қилиш билан бирга аجدодлар ва авлодлар ўртасидаги узвийликни мустаҳкамлайди.

Музейлардаги юртимизнинг бой тарихи, табиати, халқимиз маънавияти, урф-одатларини акс эттирувчи бебаҳо ва ноёб экспонатлар ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамиятга эга. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 11 июлдаги «Давлат музейларининг болалар ва уларнинг ота-оналарига очиқлигини таъминлаш тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида юртимиз музейлари ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари бепул фаолият кўрсатмоқда. Бу қарор ҳам ўсиб келаётган ёш авлоднинг бўш вақтини унумли, фойдали, тўғри ташкил қилиш, уларни ҳар томонлама баркамол шахс сифатида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда 18 май Халқаро музейлар куни сифатида белгиланган. Ушбу санада музейларни ривожлантиришга оид турли семинарлар, анжуманлар ўтказилади, энг яхши музей ходимлари рағбатлантирилиб борилади. Юртимизнинг турли саналарга бағишлаб ўтказиладиган «Музейлар ҳафталиги» доирасида эса янги кўргазмалар очилиши, музейлар иш вақтининг узайтирилиши, экспонатлар таъмирловчилари билан учрашув, танловлар ўтказилиши анъанага айланган.

Мамлакатимизда музейлар ва музейшуносликни ривожлантириш ишига янгича ёндашув намоён бўлмоқда. Бугунги кунда Камолiddин Беҳзод номидаги Миллий расомлик ва дизайн институтида музейшунослик алоҳида фан сифатида ўрганилиши музей соҳасининг ёш кадрлар билан таъминланишига имкон яратди.


Мамлакатимиз музейларида илғор техника ва технологияларни жорий этиш, ахборот-ресурс марказлари фаолиятини ривожлантириш, замонавий янги лойиҳаларни амалга ошириш ишлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Музейлар ёш авлодни ҳар томонлама баркамол авлод қилиб тарбиялашда муҳим рол ўйнайди. Болаларнинг тарихга, табиатга ва умуман, инсоният ўтмишига қизиқишини орттириш ҳамда дунёқарашини шакллантириш, тафаккурини бойитиш, мустақил фикрлаш имкониятларини кенгайтиришда музейларнинг аҳамияти катта.

– *Музейлар азал-азалдан халқимизнинг тарбиясида ўзининг йўналишини, келажак йўлини белгилаб олишда муҳим аҳамият касб этади, – дейди бу ҳақда Ўзбекистон тарихи давлат музейи бош мутахассиси Зулфия Аъзамова. – Шунинг учун музейни тарих кўзгуси дейишади. Шундай экан, бу ерга келадиган ёшлар ўқув даргоҳларида олган назарий билимларини аниқ далиллар асосида кўришади. Кўриш жараёнида шуурида таассурот шаклланади.*

Дарҳақиқат, музейлар ёшларнинг маънавий меросга, табиатга, борлиққа ҳурмат руҳида тарбиялашда маданий-тарихий, табиий-илмий қадриятларни йиғувчи, улар ҳақидаги маълумотларни музей ашёлари воситасида тарғиб қилувчи ижтимоий институтдир. Ўз тарихини, маданиятини ўрганишга иштиёқманд ёшлар баркамол инсон бўлиб voyга етади. Бу жараённинг муваффақиятли кечишида ҳам маънавий-маърифий, ҳам маданий маскан сифатида музейларнинг роли беқиёсдир. Музейлар келажак авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ўз халқининг моддий-маънавий меросини асраш ва аждодларини ҳурмат қилишга ўргатувчи маърифий муассасадир.

**Бахтиёр ЗУФАРОВ,
Насиба АБДУЛЛАЕВА**





Шарқ ҳикматлари

Ҳаётнинг акс-садоси

Бир куни ота-бола тоғда сайр қилиб юришганда, боланинг оёғи ногаҳон тойиб кетиб, йиқилиб тушди ва бақирди:

– Воооой.

Узоқдан овоз келди:

– Воооой.

Болакай қизиқиш билан яна бақирди:

– Кимсан?

Ўзининг саволи ўзига қайтиб келди.

Боланинг жаҳли чиқиб, қичқирди:

— Қўрқоқ!

Яна жавоб эшитилди:

– Қўрқоқ!

Болакай таажжубланиб отасига қаради:

– Бу нима?

Отаси жилмайди:

– Мана, қара, тушуниб оласан, – деди ва тоққа қараб баланд овозда бақирди, – Сен қаҳрамонсан!

Садо жавоб қайтарди:

– Сен қаҳрамонсан!

Болакай баттар ҳайратланди.

Отаси тушунтирди:

– Бу тоғнинг акс-садоси эканлигини ҳамма билади. Аслида у ҳаётнинг инъикосидир. Унга бир гап айтсанг ёки берсанг, албатта, жавоб қайтаради. Агар бошқаларга меҳр улашсанг, ўзинг истагандан-да кўпроқ меҳр-муҳаббатга эришасан. Муваффақият қозониш учун ҳаракат қилсанг, албатта, қўлга киритасан. Ҳаётга кулиб қарасанг, у ҳам сенга кулиб қарайди.

ИККИ НАҚҚОШ

Икки рассом ким яхшироқ расм чизишга баҳс бойладилар. Биринчи рассом ҳамкасбларига ўз асарини кўрсатди. Унда дераза устига осилган узум тасвирланган эди. Қушлар учиб келиб, узумларни чўқишга ҳаракат қиларди. Одамлар моҳир устанинг ишидан ҳайратга тушдилар ва иккинчи рассомнинг уйига ташриф буюрдилар. Бироқ иккинчи рассом ўз асарини кўрсатишга шошилмади. Улар суратнинг қаерда эканлигини сўрадилар. Рассом эса:

– Мана бу парданинг ортида, – деб жавоб берди.

Рақиби пардани кўтармоқчи бўлди. Қўли пардага тегиши

билан ҳайрати ошиб, рассомнинг маҳоратига тан берди.

– Мен шундай расм чиздимки, у қушларни алдади, сен эса рассомни чалғитдинг! Офарин!

Бу парданинг сурати чизилган девор эди.

СЎНГГИ ПУШАЙМОН

Болакайнинг ёзишга ҳафсаласи йўқ эди.

– Қанийди бир сеҳрли қаламим бўлса, дафтар юзига қўйишим билан ўзи ёзиб кетаверса, – деб орзу қиларди.

У шундай фикрлар билан хаёл оғушига фарқ бўлиб ўтирган пайтда орзулар булутининг боши узра парвоз қилаётганди. Болакайнинг истагини дарҳол бажо келтирди. Энди у сеҳрли қалам соҳиби бўлди. Уша пайтдан бошлаб бола машқ бажармоқчи бўлса, қаламини ишга соларди. Ўзи эса

ҳеч заҳмат чекмасди.

Энди болакай бутунлай бошқа – аълочи ўқувчига айланди. Унинг дафтарларидаги ёзувлар тоза ва чиройли, мақтовга сазовор эди. Муаллима ўқувчисининг яхши томонга ўзгараётганидан, ҳаракат қилаётганидан хурсанд эди.

У сеҳрли қаламнинг кучи билан мактабни тамомлади. Орадан йиллар ўтди. Энди шарафли касб – ўқитувчиликка эга бўлди. Бир куни у мактабга ишга келди. Муаллимнинг олдида эса катта муаммо турганди – ёзишни билмасди. У ўзига тикилиб турган қорақўзларга астойдил билим беришни истар, мавзуни оғзаки туширтирса-да, ёзишга ҳеч қўли келишмасди. Нима бўлса, бўлди, доскага ёзиши керак. У нималарнидир ёза бошлади... Бирдан синфда кўтарилган кулги унинг саводсиз эканлигини фош қилиб қўйди. Доскадаги ёзувлар чалқаш-чулқаш, қурбақа юриб ўтган-у ундан қолган изга ўхшарди. Шу лаҳзаларда англаб етдики, ҳар бир инсон, албатта, ёзишни ўрганиши керак экан. Шундай қилиб «ўқитувчи» 1-синф ўқувчисига айланди. У дарс беришнинг ўрнига синфда ўтириб, ёзишни ўргана бошлади. Ёзишни кўп машқ қилган қўлларнинг хати чиройли бўлади. Дангаса, ёзишни истамайдиганлари эса бадхат бўлиб, кулгига қолиши мумкин экан.

ДОНИШМАНД ВА ЙЎЛОВЧИ

Бир донишманд саҳрода бир одам билан учрашиб қолди. У донишманддан шаҳаргача неча соатлик йўл эканлигини сўради.

– Йўлимиз бир экан, юравер, – деб жавоб берди донишманд.

Бироз юришгач савол яна такрорланди.

– Юравер! – деди яна донишманд.

У киши ҳамроҳини ўзича аҳмоққа йўйди, бошқа савол бермади ва йўлда давом этдилар. Бир жойга боришганда, донишманд:

– Яна икки соатда шаҳарда бўласиз, – деди.

Баттар ҳайратланган мусофир:

– Нега аввалги саволларимга энди жавоб беряпсиз? – деб сўради.

– Инсонни ўрганмагунча бир нарса дейиш қийин. Сизнинг сабрингиз ва сафарда йўлдош бўла олишингизни синаб, энди жавоб қайтармоқдаман – дея жавоб берди донишманд.

Форс тилидан Башорат ОТАЖОНОВА таржимаси

И

игирма бир.

Икки ўрим сочингизни чамбарак қилиб турмаклар, мағрур бошингизни эгиб, ўзингиз бирор марта ҳам кўрмаган жаноб Кимга турмушга чиқдингиз.

Йигирма олти.

Бутун борлиқ кумуш қор билан бурканган кунда сиз бу оилага ўғил-қизлар тухфа қилдингиз. Гўдакларнинг қутлуғ қадами сизнинг бу хонадонга туташган томирларингизни мустаҳкамлади. Сулоланинг катталари сизни оила аъзоси сифатида энди чинакамига қабул қилишди. Муносабатлар илиқлашди.

Ўттиз икки.

Ўғлингизнинг қорни оғриб қолди. Сиз ҳарорати баланд болангизни орқангизга опичлаб олдингиз-да, яёв йўлга чиқиб, қишлоқдан анча узоқда бўлган шаҳар шифохонасига ярим тунда етиб бордингиз.

Қирқ.

Бу йилги қиш одатдагидан совуқроқ келди. Сиз фарзандларингиз мактабдан келадиغان вақтда қалин кийимларини олиб, қишлоққа кириш жойида уларни кутиб ўтирардингиз. Ўзингиз совқотсангиз-да, кийимларни бағрингизга босиб, тафтингиз билан иситардингиз...

Эллик икки.

Энди... Совуқ кунлар бошланиши билан нимагадир хомуш тортиб қолардингиз. Гўё самода паға-паға сузиб юрган булутлар худди бошингиз тепасида тургандек туюларди. Кузнинг салқин оқшомларидан бирида ўғлингиз ортидан хонадонингизга келин кириб келди. Ҳориган қалбингизда қуёш чиққандек бўлди. Атроф ёришиб кетди. Фарзандингиз билан бирга-бирга қувондингиз.

Олтмиш.

Велосипедини етаклаган хат ташувчи қалингина конверт ташлаб кетди. Иш билан ўта банд дилбандларингиз сизни 60 ёшингиз билан қутлаб, пул юборишган эди. Сиз маъюслик ила унга қўл узатдингиз. Ҳаммасига дори-дармон сотиб олдингиз. Кўнгил-да, болаларингизни жуда соғинган эдингиз. Шу куннинг ҳисобидан балки мингинчи марта кўнғироқ қилишга чоғландингиз. Аммо ҳар гал телефоннинг муздек гўшагини жойига қайтариб қўярдингиз. Дилингиз оғриси-да, «келсанг бўларди, болам» деган ўқинччи яна ичга ютдингиз.

Олтмиш олти.

Дилбандларингиз ўз оилалари ва ишлари билан ниҳоятда банд. Баъзан байрамларда ҳам сиздан хабар олишни унутиб қўйишади. Қишлоқ аёллари билан бирга манти тугиб ўтирар экансиз, бутун ҳаётингиз кўз олдингиздан ўтарди. Худди барча азоблар ва соғинчлар ёлғондек. Фарзандларингиз келишди, вақтлари тиғизлиги учун эрталаб барвақт туриб яна қайтиб кетишди.

Ўша куни сиз тун бўйи мижжа қоқмадингиз. Хонангизда ёлғиз ўтирганча болаларингизнинг расмлари билан тўлган альбомни эрталабгача қайта-қайта ва рақлаб чиқдингиз.

Энди эса...

Фарзандларингиз оёққа турди. Улар Сиздан, ҳаётингиздан бутунлай узоқлашиб кетишди. Сизнинг ўтмишингиз, чеккан заҳматларингиз уларнинг ҳатто тушига ҳам қирмайди. Аслида сизнинг юзингизни безаб турган чуқур ажинларда, кумушга айланган сочларингизда бизнинг болалик ташвишларимиз бор. Биз сиздек мунис аёлни Она деб атаймиз.

**Корейс тилидан
Тўмарис АЪЗАМ
таржимаси**

И Ми Э

Она сиз...



(Давоми. Боши 26-27-бетларда)

Орадан уч-тўрт кун ўтди. Малик ишдан келса, стол устида хат ётибди. Ҳеч нарса ўйламай қўлига олди.

«Кўнгилга дарз тушса қийин бўлар экан. Ўзингизга муносиб одамни топарсиз». Хат Муяссарнинг қўли билан ёзилган, лекин кимга ва кимданлиги ҳам айтилмаган эди. Малик бирдан қизиқ аҳволга тушиб қолди. Ахир нима қилса ҳам ўн йил бирга яшади. Ўғли-чи? Ўғли нима бўлади?

– Ойи, – деб қичқирди у равондан туриб, – келинингиз ҳеч нарса демадими?

Онаси бирон кўнгилсизликни фаҳмлагандай, ташвишли назар билан унинг ёнига келди.

– Нима қилди? Менга ҳеч нарса демади. Лекин нимагадир мени ўпиб кучоқлаб, кечиринг мени, деб чиқиб кетди. Ҳайрон бўлиб қолдим.

– Кетибди. Бутунлай.

– Нима?! – кампир шошиб уйга кирди.

Қанақасига кетади, ҳамма нарса турибди-ку!

Ҳақиқатдан уй боягидек саранжом-сарийшта, ҳамма нарса ўрни-ўрнида, ҳатто тувақдаги гулларга сув ҳам қуйилганди. Малик шифонерни очди.

– Кийимлари йўқ. Мақсудники ҳам.

– Ўзи бошқача бўлиб қолувди. Сен нодон хафа қилдинг шекилли. Мен сезардим. Гап айлантурсам, индамасди. Олим бўлдим, деб ҳаволаниб кетдинг, болам. У жуда меҳнаткаш жувон. Бунақа одам ўзини бировга хор қилдириб қўймайди. Олим бўлсанг ҳам шуни тушунмадинг. Мени ҳам ғафлат босибди. Ўзлари тил топиб қолишар, деб ўйлабман. Бор, ўрнини совутмай, дарров қайтариб кел.

Лекин Малик бормади. Энди қизлар ичида бўйдоқ ва озод юриш унга қанот бағишлагандай, руҳини кўтариб юборгандай эди. Ўзи лекция ўқиркан, кўзи қизларни бир-бир кузатиб чиқар, ўзининг улардан ёши анча катталигини ўйлаб, дилида афсус чекарди. Орадан бир йилча вақт ўтди. Она бечора гапириб чарчади. Ўғли индамай туриб олгани учун ўзича бир иш қилолмади ҳам. Бу гаплардан хабар топган тоғаси ҳам жаҳл қилиб, уларникига келмай қўйди. Муяссардан эса дарак бўлмади. Бир куни Малик уни учратиб қолди. Қиш, яхшигина қор ёққан эди. Трамвай бекатида Муяссар бўйи балан, оддийгина кийинган бир одам билан турарди. Муяссарнинг бир қўлида сумка, бир қўлида янги супурги. Йигит чана қўлтиқлаб олган, иккинчи қўлида яна нимадир бор. Улар гаплашиб туришарди. Афтидан, иккалалари хурсанд эди. Муяссар трамвайда ўтирган Маликни кўрмади. Ушанда Маликнинг юраги гурсиллаб уриб кетди. Хотинининг бегона эркак билан турганидан ғаши келгандай бўлди. Лекин бу ҳис бир нафасда ўтиб кетди. Яна боягидек совуққон бўлди-қолди.

Малик кейинги хотини Ҳамидага уйланган кезларида ҳали ўзининг йўқотган бахтини тасаввур қилолмас, бу хотини ҳаммасининг ўрнини тўлдирадигандек туюлган эди. Муяссарни севиб олганини унутгани каби Ҳамидага шунчаки ҳавас учун уйлангани ҳақида ҳам ўйламасди. Лекин бу ҳақиқатни англаш учун кўп вақт керак бўлмади. Ҳамиданинг ҳар бир қилиги Муяссарни эслатар, Малик беихтиёр уни ўйлаб қолганини ўзи сезмай қоларди. Ҳамида анча-мунча юк билан келди. Девордаги гиламини ерга солди. Ўзи олиб келганини деворга осди. Бир кун Малик уйга келса, шифонер билан буфет йўқ. Хотини комиссиян магазинга топшириб юборибди. Эридан сўрамабди ҳам.

– Нега ундай қилдингиз? – деди Малик.

– Эски рўзгорингиздан бирон нарса қолишини истамайман. – Кейин кулиб Маликка суйқалди. – Хафа бўлдингизми? Хотинингизни кўргандай бўлиб юривдингизми? Ана, мен олиб келганим бўлади-да.

Чиндан ҳам ярим йил ўтар-ўтмас аввалги рўзгоридан ҳеч нарса қолмади.

Ҳамида қайнаси билан иши йўқ, ювошгина бу кампирнинг олдида бир коса овқатни дўқиллатиб қўйиб келиш билан бутун вазифасини бажаргандай бўларди. Аммо ўз ота-онасини тез-тез йўқлаб турар, эрига буюриб, улар учун ҳар нарсалар олдириб келарди. Бир куни ишга кетаётган Маликнинг қўлига иккита халта тутқазди.

– Яхши гўшт олиб келинг. Магазиндан эмас, қўлда сўйилганидан олинг. Бизникилар магазин гўштини ейишмайди. Сомса қиламан. Укамнинг туғилган куни. Кечқурун бориб келамиз.

Ҳуши учган Малик ишхонасига етгунча ўзига келмади. Муяссар ўз уруғлари учун Маликдан ҳеч қачон ҳеч нарса талаб қилмас, умуман, бу ҳақда гапирмас эди. Бир куни дадаси касал ётганда Малик уни кўриб келмоқчи бўлди. Эрининг шундоқ чиқиб кетганини кўрган Муяссар уни тўхтади. Ўзи магазинга чиқиб, бир шода тешик кулча олиб келди. Уни Маликка тутқазар экан, ғалати кулиб:

– Бир сўмга олдим. Қуруқ боргандан кўра... – деди.

Малик индамай олди-да, саланглаптиб кўтариб чиқиб кетди. Кечқурун битта тоғорада ош кўтариб қайтиб келди. Энди буларнинг ҳаммасини бир-бир эсларкан, юраги андиша ўтида қоврилар, ҳижолатдан юзи ёнарди. Ҳамиданинг укаси уйланганида эса, Малик билан Муяссар олган гиламини совғага олиб боришди.

– Катта институтнинг домласисиз. Мен опа, сиз почча. Дурустроқ нарса қилмасак уят бўлади. Ўзимнинг гиламинини олиб бораёй десам, танишади, олишмайди. Шуни олиб бора қолайлик. Кейин яхшисини олармиз, – деди. Хулласи уни эрига кўтартириб, тантана билан тўйхонага кириб борди. Ушанда ҳам Малик Муяссарни эслаган эди. Қизиқ, Муяссарнинг ҳам укаси уйланган, синглиси узатилган эди. Ҳеч нарса қилишмаганди. Фақат бир мартагина Муяссар тортибингина:

– Моянамдан озроғини ишлатдим, – дегани эсида. Унинг ота-оналари ҳам ҳеч қачон Маликнинг қўлига қармас, муомалалари ҳаммаша бир хил эди.

Ҳамида қиз туғди. Кампир бўлса Мақсудни соғиниб дам-бадам кўз ёши қилиб оларди. Малик одам юбориб, ўғлини олдириб келди. Ўша куни уйда қиёмат бўлди. Ҳамида аразлаб онасиникига кетиб қолди. Шу-шу қачон Мақсуд келса, у чиқиб кетарди. Мана бугун ҳам кетиб қолибди. Шу мурғак гўдақда нима гуноҳ? Ҳамма нарсага ақли етгандан кейин ўзиёқ отасини эсламай қўйса керак. Маликнинг юрагини ғижимлаган дард сира бўшашмас, хотиралар чанглади баттар қисиларди. У Муяссарни яна бир марта кўрди. Ўша киши билан магазин ёнида машинага шифонер юклашаётганда кўрди. Назарида, Муяссар яшариб кетгандай эди.

Малик онасининг уйини тарақлатиб очиб кирганда кампир кўрқиб кетди.

– Нима бўлди? Нима қилиб юрибсан шу маҳалда?

– Мақсудни беринг, беринг, мен билан ётсин. Малик онасининг жавобини кутмасданоқ ўғлига ёпишди. Уни маҳкам кучоқлаб, чопонининг барига ўраб кўтарганича олиб чиқиб кетди.

– Шамоллатасан, ўра устини! – кампир депсаланиб ўғлининг кетидан чиқди.

Ҳовли ойдин эди. Йўл устида оппоқ бўлиб алланарсалар сочилиб ётарди. Кампир ҳайрон бўлди. Кўзларини қисиб тикилди. Кейин чўнқайиб қўллари билан пайпаслади. Чекиб ташланган папирос қолдиқлари эканини билиб, секин ўрнидан турди-да, ўғлининг уйи томонга аста қараб қолди. Кейин хўрсинганича бошини эгиб, орқасига қайтди.



(Давоми. Боши 30-31-бетларда)

Осмон, Уммон ва Заминда содир бўлувчи энг кичик механик, физик, кимёвий, биологик ўзгаришларни инсонга нисбатан олиб қарамоқда. Яъни уларни ижтимоий-маънавий жараёнлар билан чамбарчас уйғунликда поэтик таҳлил этмоқда.

И.Отамурод оламу одам асрорини англаш учун тарих, бугун ва келажакни яхлит нигоҳ билан тафтиш этади. Шоирнинг фикрича, ЗАМИН, ОСМОН ВА УММОНда мислсиз ўзгаришлар – балою офатлар келиб чиқишига одам боласининг нафс илинжидаги турфа эврилишлари, она табиатга бўлган хўжасизларча истеъмолчилик кайфияти ва лоқайдлиги боис бўлган.

Одам ва олам қисмати лаҳзаларда ҳал этилади. Инсон оний лаҳзани қадрласа, ҳамиша тўғри йўл-йўриқ топади. У ростгўйлик, Ҳақ ва ҳақиқат томонида бўлади. Оламу одамга дахлдор бутун борлиқни асраб қолади. Аксинча, лаҳзалик умрга жиддий муносабатда бўлмаса, ёлғон ва ноҳақликлар урчиши оқибатида бутун коинот ҳамда унинг гултожи бўлган инсоният ҳам йўқлик саҳросига юз тутади. Табиат фасллари олайлик. Уларнинг бир-бирига пойдор бўлиб, изма-из йўналиши, меҳр ришталари-ла қатма-қат уланиши, тирғалиб-эргашиси яширин асрорида ҳам борлиқ ва тўқислик имдоди учун бўлган улуғ ҳаракат, интилиш мужассам. Демак, олам аталмиш улуғ маконнинг руҳи инсоний меҳр булоғидан сув ичади. Зотан, Рух ҳамиша умид, ихлос, ғурур, сидқ ва вафо уйғотади. Рух қувватлантирилган ва дил покиза асралган лаҳзадан эътиборан кўнгилда Ҳақ товушининг саси жаранглай бошлади. Меҳр тоб ташламагач, унинг қудрати ҳам сусаймайди.

Бинобарин, олам – шундай жадвалки, унда борлиқ асрори, дунё нурафшонлиги моҳияти, коинот гўзаллиги акс этади. Жадвал – олам борлиғини бутун қилиб, бағрига чирой бағишловчи барча эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амаллар устуни. Зотан унинг замирига олис мозийдаёқ ватаннинг барча саҳро, қўл, қалъа, водийларидан тортиб, сайёралару коинот, ундан буткул галактикагача бўлган муаззам борлиқ жо-бажо қилинган.

И.Отамурод наздида инсоннинг иккита географияси мавжуд. Улардан бири – киндик қони тўкилган макон, иккинчиси – кўнгил географияси. Олам инсон нигоҳига кўра идрок этилади. Агар кўнгил кенг бўлса, дунё ҳам шунга мутаносиб тарзда кенгайди. Бордию кимсанинг қалби тор бўлса, олам ҳам тораяди. «Кенга кенг, торга тор дунё», дейилиши бежиз эмас. Кўринадикки, шоир ҳаракатнинг траекториясини оламий, заминий ва инсоний миқёсларда белгилайди.

ЗАМИН, ОСМОН ва УММОНнинг ўзаро тақдирдошлиги беҳад олис мозий илк яралиш даврига дахлдор. Аслида, барчасидан кўзланган мақсад ИНСОН эди. Шунинг учун кундузнинг тожи бўлган Қуёш ва фалак тоқига нуқрадек қадалган Ой замин узра беминнат нур сочади. Бири ҳаёт илиқлигини улашса, иккинчиси қора чодирни нурга чулғайди. Юлдузлар эса, айна ҳодисани кўз тикиб кузатади.

Ҳа, кўк қат-қат пештоқи муҳаббатни оширадиган, меҳрни тоширадиган даражада беҳад гўзал зийнатланган. Шу боис яратилмишларнинг барчаси самовотга интилади. Интиқ-интиқ, жавдир-жавдир талпинишлар замирида манзил-макон соғинчи мужассам.

Бандасига гоҳи равшан ва гоҳи ноаён бўлса-да, алоҳида одам тақдирини бахт ва бахтсизлик ҳам бири-иккинчисини етаклаб, бири-иккинчиси билан ўрин алмашиб яшаган, яшайпти ва истиқболда ҳам шундай бўлажак. Зотан, теран идрок кишиларига аёнки, ҳар нарсанинг ўз ўлчови, тошу тарозуси бор.

..... Ўлчов – қадам
 Ўлчов – кулф
 Ўлчов – калит
 Ўлчов – чизиқ
 Ўлчов – масофа
 Ўлчов – йўл

Икки томондаги кўп нуқталарга аҳамият берсак, улар худди олис йўлнинг босиб ўтилган ва ўтилажак масофасига тегишлидай туюлади. Мисраларнинг ўрталик масофада туриши эса изтироб, соғинч ва хотиралар қуршовидаги одамни эслатади. Унинг келажакка қадалган меҳрга лим-молим нигоҳидаги маъноларда умид, ихлос, ғурур, сидқ, вафо шеvasи акслангандек гўё.

Афсуски, олис сафарга чиққан ҳар бир суворий ҳам муҳлат отини елдириб бораётгани, тинмай талпингани бор йўғи кўпкари ўйини эканини англарикин? Масофа босиб ўтилган кезде бошланажак сукунатни олдиндан илгармикин? Навбатдаги шовқин ҳам шу тахлит давом этажиги ва энди унинг ўзига мутлақо дахлсиз бўлишидан огоҳмикин?

... **Хаёл – чизилмаган тасаввур...**
 ... **Хаёл кемаси чайқалиб-чайқалиб,**
лопиллаб-лопиллаб,
тўлганиб-тўлғониб
сузади,
урилади
жадвалнинг
гардон-гардон тўлқинларига...

Лирик қаҳрамон ўқик қалби, хўрсиниқлар қуйқаси чўккан кўнгли, дардли туғёнлар чулғаган тахайюли, шамолдай югурик хаёллари, залворли армонлари шу Ватаннинг азиз тупроғи, зилол сувлари, эркин шабадалари билан вобаста бўлиб, мисли ёмғир томчиларидай қуйилиб келади. Саналганларнинг барида ажиб синоат кўради. Инсон ва инсониятни шу асрордан огоҳ бўлишга чорлайди. Шоир «кангул» оламидаги чайқалиш, тўлғониш ва лопиллашлар китобхон хаёлу тасаввурларини улуғ синоатнинг гардон-гардон тўлқинлари билан юзлаштиради.

Шоир фикр оти ва нигоҳ суворийси лаҳзанинг ўзида олис мозий – илк ибтидодаги яралиш ва муқаррар интиҳо оралиғидаги зоҳиран чексиз-чегарасиздай туюлган лаҳзалик масофаю маконда кезинади. У поэтик фикр ва туйғуларини маълум изчилликдаги устунларга тизади. Сатрлар бирлик, иккилик, учлик ва тўртлик шакллари олади. Баъзан зинапоячалар қиёфасида озод ва эркин тарзда сочилик кетади. Мисралардаги бўғинлар сони, уларнинг чўзиқ-қисқалиги, туроқланиш тартибига хос бундай эркинлик эмоционал, график ва интонацион имкониятларни кенгайтиради. Шунинг учун сўз ва товуш такрорларига кенг йўл очилади, такрорлар кучайтирилади. Нутқий бўлақлар ҳатто нуқта, уч нуқта ва кўп нуқталар тарзида ҳам барқарорлаша олади. Бутун синоат вақт йўриғи ва унинг сирасида: лаҳза, дақиқа, сония, соат, кун, ҳафта, ой, фасл, йил, давр, замон, аср, эра шаклларида муттасил оқиб, ўтиб туради. Барча ўлчовларнинг ибтидосида тобора каттариб, салмоқланиб борувчи ягона нуқтаю оний лаҳза собит туради. Биз дostonдаги бу фалсафани англари эканмиз, поёнсизликнинг поёни ҳақидаги теран ўйлар гирдобига шўнғиймиз.

Хулоса қилиб айтганда, «Жадвал» дostonида анъана, ижодий оқим ва таянилган услубий мезонларга менгзар ҳамда И.Отамурод ижодигагина хос бадият жилоларини кўраимиз.

Исломжон ЁҚУБОВ,
филология фанлари номзоди

Navro'z mushoirasi

Гулжамол АСҚАРОВА

Абдуғани СУЛАЙМОН

ВАТАН ВА ОСТОНА

Ассалому алайкум! Эй, мовий осмон,
Сен менинг муқаддас бешигим – Ватан.
Мени порлоқ кунлар чорлаган замон,
Дунёга очилган эшигим – Ватан.
Сен менга азизсан она сутидек,
Гўдаклик йиғимга гувоҳ бўлганим.
Илк бор қадамимни қутлаб, қувониб,
Севгим сирларидан огоҳ бўлганим.
Юрт кезиб соғинсам тупроқ гардини,
Соғинчимдан кўзи ёшланган Ватан.
Менинг юрагимга туташиб йўли,
Менинг остонамдан бошланган Ватан.
Илк бор айтган сўзим дунёга келиб,
Йўлларга кузатган Ўзбекистоним.
Қуёшдек нур сочиб, жилмайиб, кулиб,
Қўлларин узатган Ўзбекистоним.
Онамсан, отамсан, неки улуг бор,
Сенинг номинг билан айтилар Ватан...
Бу дунёга келиб Сенга келинар
Ва бир куни Сенга қайтилар Ватан.
Илк бор саломимга алик олган сен,
Илк бор қадамимни қутлаган макон.
Севги изҳоримдан энтиккан юрак,
Менинг муқаддасим, эй Ўзбекистон.

Ситора ТОШМАТОВА

КИТОБ

Аввал юрагимга жойладинг меҳр,
Сўнгра хаёлларга қилдинг ошино.
Севмай бўладими ўзингни ахир,
Ҳу-у-ув ишқ томонлардан келганмисан ё?
Сен-ла унут бўлар дарду армоним,
Сен-ла мақсад томон айлайман шитоб.
Ўзингсан чин дўстим, энг қадрдоним,
Ёстигим остида ухлаган китоб.

НАВРЎЗ

Лолаларга бурканиб дашт-далалар,
Настариннинг нафасидан дил яйрар.
Булбул бўлиб бу дам жон қуши сайрар,
Сен халқимнинг шукронасисан, Наврўз.

Мўъжизнишон туну кунинг баробар,
Дарахтларни безаб сен моҳир, заргар,
Анбар келтирдингми жаннатдан магар,
Афсоналар афсонасисан, Наврўз.

Таралади сумалакнинг хуш бўйи,
Ҳар гўшада элимнинг базму тўйи,
Меҳмон кутар дастурхон тузган кўйи,
Янги йилнинг остонасисан, Наврўз.

Гунчаларни аста силаб саболар,
Ошиқ дилин ярасини даволар,
Таралади элда ажиб наволар,
Табиатнинг гулхонасисан, Наврўз.

Беморларга шифо берганинг гўзал,
Ҳар кўнгилдан дуо терганинг гўзал,
Барчани бир кўзда кўрганинг гўзал,
Яхши ният кошонасисан, Наврўз.

Фараҳга тўлдириб бу кун дилимни,
Чечакларга буркаб юрган йўлимни,
Бахту саодати кулган элимнинг,
Ярқираган пешонасисан, Наврўз.

Абдулла ТУРДИЕВ

Баҳорнинг биринчи элчиси бу гул,
Ошуфта дилларга қувонч солгай ул.
Йўқ, уни юлқилаб узмагил беҳуд,
Чин ошиқ эрсанг гар кафтинг узра тут!

Елларнинг тўлқини атрофда маст,
Чунончи, баҳорни кўтариб... у даст –
Анвойи рангларга ранг қўшар чунон,
Кўзларга тўтиё айлайлик бу он!..

Бехзод ФАЗЛИДДИН

Алишер НАЗАР

ЙИГИРМА БИРИНЧИ БАҲОР

Дарахтлар қайтадан уйғониб бўлди,
 Бу йилдан қушларнинг умиди катта.
 Бугун манов ниҳол тўрт ёшга тўлди,
 Гуллаш ярашади унга, албатта.
 Кўкариш пайида турибди хаслар,
 Куртаклар ҳаётга бўй чўзаётир.
 Тошлар бағрида ҳам баҳорий ҳислар,
 Барчаси мўъжиза, мўъжиза, ахир...
 Қара, шундоққина ёнингда баҳор,
 Осмон гуллаб бўлди, гуллади Замин.
 Ҳозир юрагингда қорга нима бор,
 Сен қачон гуллайсан, Бехзод Фазлиддин?!

Адиба УМИРОВА

Тўкилиш эмасдир яшаш тоабад,
 Барига чидагин яна бир нафас.
 Юр, кетдик қуёшга, ҳаётда фақат
 Хазонрезги фасл ҳукмрон эмас.

Барига қўл силтаб, сенга бораман,
 Абадий ғамингдан бошқаси надур?
 Бу гўзал лаҳзалар – бизга юборган –
 Балки Яратганнинг марҳаматидир...

Кўзларимни юмай, тушларимга кир,
 Эриб борар, ахир, умрнинг шами.
 Бу ёруғ оламда биз бўлмасак ҳам,
 Тугамас дунёнинг машмашалари.

Бахтли бўлолмаймиз, бўлсак беқарор,
 Ахир, ишқ бор жойда кўз ёш муқаррар.
 Осмонда Худо бор, нима ғаминг бор,
 Заминда сен борсан, нима ғамим бор?!

Дилрабо НОРҚУЛОВА

БАҲОРИМНИ КЎРМАДИНГИЗМИ?

Сиз йўллар танобин тортган сайёҳсиз,
 Кийик сўқмоқлардан юрмадингизми?
 Сиз ердан огоҳсиз, кўқдан огоҳсиз,
 Менинг баҳоримни кўрмадингизми?
 Дунё тилсимлари қошингизд а жам,
 Нигоҳингиз тийрак юлдузлардан ҳам.
 Кўпни кўрган инсон, эй дониш одам,
 Менинг баҳоримни кўрмадингизми?
 Тегрангизда тоғлар чўкмишлар қатор,
 Жилғалар күзёшин тўкмишлар қатор,
 Сўроқлар бағримни сўкмишлар қатор,
 Менинг баҳоримни кўрмадингизми?
 Баҳор селларидек тошқин, шахдлисиз,
 Сулаймон отадек тожли-тахтлисиз,
 Айтинг, бунча хурсанд, бунча бахтлисиз?
 Менинг баҳоримни кўрмадингизми?

Бир осмон бўлсайди юлдузлари мўл,
 Ва унда ой бўлса кимса кўрмаган.
 Сен шундай покиза дунёлар аро,
 Битта йўл кўрсатсанг ҳеч ким юрмаган.
 Кетсам...
 Самоларга туташса бу йўл,
 Кетсам...
 Дунёларга юмиб кўзимни.
 Шу азим йўлларнинг сўнггида бир кун,
 Ё Раб, кўриб қолсам ногоҳ ўзимни.


Мухтасар ТОЖИМАМАНОВА

Нима у, қалбимни уйғотган оҳанг,
 Нигоҳларинг аро сирғалган севинч?
 Юрагим кафтига қўйдим юрагинг,
 Атиргул мисоли очилди илинж.
 Киприklarим узра эриди қайғу,
 Елканга бош қўйиб яйради кўнгил.
 Эй, дунё, шунчалар дилгир бу туйғу,
 Майлига, алдасанг шундай алдагил.
 Бандаси тақдир, дер, жимгина кўнар,
 Тангри эса қалбга тўлқин йўллайди.
 Айт, қандай бу тўлқин довулларида
 Сенсиз ўтиб бўлар, ўтиб бўлмайди.
 Юзимга сув урар ўтли нигоҳинг,
 Қайси оламларга ўтдик адашиб.
 Орта қайтил, дерлар, қайтолмам, ахир,
 Кўнгил қўймайдилар, ахир, кенгашиб.
 Гарчи умидсизман. Хаёл боғидан
 Хотиржам боқаман ҳар неки содир.
 Сени оғринтирмай кетиб боряпман,
 Фақат сенга томон, олма хавотир.

Гулчеҳра УМИРОВА

БОЛАЛАР

Ухлатманг болаларни,
 Бешигидан уйғотинг.
 Юрагига қулф солган,
 Эшигидан уйғотинг.
 Меҳр деган зўр кўрган,
 Чаман-чаман бўй бўлсин.
 Ҳар кимнинг юрагида,
 Ватан деган куй бўлсин.
 Тилларига қўндирун,
 Қушларнинг энг сайрогин.
 Жажжи қўлчаларига,
 Тутқазинг юрт байрогин.
 Аждодларга муносиб,
 Ворис бўлинг, болалар,
 Жаҳолатдан, иллатдан,
 Олис бўлинг болалар.
 Юрт тинч бўлса, эл обод,
 Соғ-саломат бу тандир.
 Шундай куч билан севинг,
 Жондан олдин Ватандир.




Баҳор келиб, кунлар илий бошлаши, дов-дарахтлар уйғониши билан одамлар кучли, дармонларга бой таомларга эҳтиёж сезади. Бунда яна баҳорий кўкатлар асқотади. Ялпиз, исмалоқ, жағ-жағ, мадор(мотор пиёз), отқулоқ, момақаймоқ, шовул каби ўсимликлар юртимизнинг барча ҳудудларида ўсади. Уларнинг таркибидаги дармондорилар қишдан чарчаб чиққан организм учун айна муддаодир. Ҳозирги кунда кўк ўтларни топишда ҳеч қанақа муаммо йўқ. Баҳорда, ёзда бемалол далалардан териб, куз-қиш ойларида иссиқхоналар ичида етиштирилганларини истеъмол қилиш мумкин. Бозорларимизда йилнинг исталган пайтида исталган маҳсулот топилади. Ушбу саҳифада ўзгача баҳорий таомларни тайёрлашни тавсия қиламиз.



аҳор таомлари



ҚОЗОНСОМСА



Тоғорага бир коса сув, битта тухум ва бир қошиқ туз солиб, хамир қориледи. Уни ярим соат музлаткичда тиндирилади. Исмалоқ, ялпиз ва пиёз ёки мадор пиёз майда қилиб чопилади. Туз аралаштирилиб, олиб қўйилади. 200 грамм сариёғни эритиб, ярим чўмич ўсимлик ёғи аралаштирилади. Хамирни иккига бўлиб, биттаси ёйилади ва ёғ суриб ўралади. Иккинчи зувала хамир ҳам ёйилиб, ўралган хамирнинг устидан ўралади. Одатий сомсалардек, зувалачалар кесиб олиб, жўвада ёйилади. Доира шаклидаги хамирнинг ўртасига тайёр кўкқийма солиниб, сомса тугилади ва устига тухум сариғи сурилади. Қозонни газга қўйиб, баланд оловда қопқоғи ёпиқ ҳолда қиздирилади. Тайёр сомсалар тухум оқиға ботириб олиб, қозонга тез-тез ёпиштирилади ва қопқоғи ёпилади. Беш-олти дақиқадан сўнг олов ўртача пасайтирилади. Ҳар беш дақиқада буғ чиқиб кетиши учун қопқоқ очиб-ёпилади. Қизариб пишгач узиб олинади. Бу сомсани тандирда ёки газ печида пиширса ҳам бўлади. Бироқ қозонсомсанинг алоҳида мазаси бор.

КЎКБИЧАК

Бичак асосан мамлакатимизнинг тоғли ҳудудларида кўп тайёрлаб келинган. Унинг тури ва пишириш усуллари турлича. Кўкбичак ҳам алоҳида дармондо-

риларга бой таом ҳисобланади. Бир пиёла сувга ярим чўмич ўсимлик ёғи ва бир қошиқча туз солиб, юмшоқина хамир қориледи. Хамирнинг усти сочиқ билан ёпиб, олиб қўйилади. Унгача ҳар хил кўкларни чопиб, қизиган қозонда бир қовуриб олинади. Хамир ёйилди ва диоганал бўйича уч марта тенг кесилиб, олтита учбурчак ҳосил қилинади. Учбурчак хамирнинг ярмига қовуриб қўйилган кўкатлар солинади. Бурчаклар ичкарига қайрилиб, конверт кўринишига келтирилади. Тайёр бичакларни товада пишириб олса ҳам бўлади. Газ печида пишириб, устига сариёғ суриб, бир оз тургач истеъмол қилиш мақсадга мувофиқ.

ЯЛПИЗЛИ ШИЛПИЛДОҚ

Бир пиёла ялпиз барглари жуда ҳам майда чопилади. Устидан бир пиёла сув, бир қошиқ туз, ун солинади. Қаттиққина хамир қорилиб, тиндирилади. Товага ёғ, қиймаланган гўшт, пиёз ва помидор солиб, сардак тайёрлаб қўйилади. Ялпизли хамир авайлаб ёйилади. Шилпилдоқ сингари пиширилиб, устига сардак солиб, дастурхонга тортилади.

КЎКАТЛИ ПАТИР

Бир коса сув, икки қошиқ ўсимлик ёғи, туз ва ун солиб, хамир қориледи. Хамир тингунича пиёз, жағ-жағ ва отқулоқ майда чопилади. Хамирдан учта зувала ясалади ва ёйилади. Биринчи қаватни ёйиб, хоним



сингари ёғ суриб чиқилади ҳамда кўкатлар юпқа қилиб сепилади. Устидан иккинчи хамир ёйилиб, ёғ сурилади ва кўкат сепилади. Учинчи хамир ҳам шу тарзда давом этгач, хоним сингари ўралади. Ўрама тўртга бўлиб олинади. Ҳар бир зувала қўл билан ясалиб, қўлча шаклига келтирилади. Газ печида пишириб олинади.

БАҲОР ЛАВАШИ

Бир пиёла сувга туз солиб, оддий хамир тайёрлаймиз. Ундан ёнғоқдек зувалачалар кесиб олиб, юпқа қилиб ёямиз. Уни пишириб, ўраб қўямиз. Ҳар хил кўкатлар, гўшт ва пиёзни чопиб, қозонда қовуриб пишираемиз. Пишган хамир ичига қиймани солиб, майонез ва кетчуп сурилади. Лаваш ўраб, товада қизартириб олинади. Бу таомни тайёрлаш учун дўкондан тайёр лаваш хамирини олиб, тўртга бўлиб ишлатса ҳам бўлади.

БАҲОР САЛАТИ

Бекалар кўкатлардан турли таомлар тайёрлашни яхши билишади. Уларнинг ёнига баҳорий салатлар ҳам тайёрлаб қўйилса, оила аъзолари учун ҳам, меҳмонлар учун ҳам янгилик бўлади.

200 грамм исмалоқ майдалаб тўғралади, 2-3 дона бодринг, 2 дона помидор, 1 боғ кўк пиёз, укроп, кашнич, 2 дона қайнатиб пиширилган тухум тўғраб қўшилади. Туз, 1 пиёла қаймоқ солиб, аралаштирилади ва дастурхонга тортилади.

КЎКАТЛИ САЛАТ

Аввал 1 стакан қатиқ билан ярим стакан қайнатиб, совитилган сувни аралаштириб, сўнг ярим пиёла қирғичдан ўтказилган бодринг, бир пиёла майдаланган ялпиз, икки дона майда тўғралган саримсоқ барги, тузни солаемиз. Аралаштириб, бир ош қошиқ ўсимлик ёғи қўшамиз. Салат тайёр!

Нигина ҚОДИРОВА
тайёрлади



Sahna ortidagi hangomalar



Ўзбекистон халқ артисти Сойиб Хўжаев номини тилга олган одамнинг юзига кулгу югуради. У киши комик ролларнинг моҳир ижрочиси сифатида театрда ҳам, кинода ҳам бирдек самарали ижод қилган актёрдир. Сойиб Хўжаев ўзининг ҳозиржавоблиги билан бошқалардан яққол ажралиб турган. Айниқса, ундаги импровизациянинг кучли экани томошабинлар олқишига сазовор бўлган. Саҳнада роль ижро этиш асносида ўзидан ҳам гап кўшиб юбораверганки, бу режиссёрларнинг эътирозига сабаб бўлса ҳам, одамларга кулгу улашган. Эътиборингизга шоир ва драматург Ҳайдар Муҳаммаднинг «Сойиб Хўжаев ҳангомалари» китобидан жой олган лавҳалардан ҳавола этамиз.

«УЗУМФУРУШ» АКТЁРЛАР

Сойиб Хўжаев ҳамкасби Соат Толипов билан Москвага бораётиб, кимнингдир маслаҳати билан йўлқирани чиқариш мақсадида сотишга узум олишибди. У вақтда Тошкент билан Москва оралиғи поездда бир ҳафталик йўл экан. Алалоқибат, манзилга етиб боришгунча узум ириб-чириб, ҳаваскор «савдогарлар» харажатларига чув тушишибди.

Орадан кўп ўтмай бир спектаклда Соат Толипов подшо, Сойиб Хўжаев лашкарбоши ролини ижро этибди. Подшо лашкарбошига савол берибди:

– Фалон юртни бир ҳамлада босиб олганимиз эсингдами?

– Эсимда! – дебди лашкарбоши.

– Бўйсунмагани учун пистон халқни қатлиом қилганимиз-чи, у ҳам эсингдами?

– Шохим, ўлибманми ёдимдан чиқариб, ҳаммаси эсимда! – Лашкарбоши шундай дебди-да, кейин тўсатдан сўрабди. – Олампаноҳим, сиз-чи? Сиз ҳам Москвага узум олиб бориб зарар кўрганимизни эслайсизми?..

«ҚОЗИ»НИНГ ҚАБУЛИГА БОРГАН ОЛИМ ХЎЖАЕВ

Машҳур артист Олим Хўжаев Муқимий номидаги театрнинг янги спектакллари канда қилмай кўриб тураркан. Бир сафар олдинги қаторга ўтирибди. Спектакль бошланибди. Унда Сойиб Хўжаев қозининг хизматкори ролини ўйнаётган экан. Хизматкор қозининг ҳузурига кирганида, у «Ҳой, ариза билан келганлардан яна ким қолди?» деб сўрабди. Шу пайт биринчи қаторда ўтирган Олим Хўжаевга кўзи тушган Сойиб Хўжаев «Тақсир, қабулда Олим Хўжаев ўтирибдилар. У кишининг ишини ҳам тез ҳал қилиб берсангиз, яхши бўларди!» дебди.

Олим Хўжаевни кўрган ва таниган томошабинлар ўринларидан туриб, гулдурос қарсақ чалиб юборишибди...

«СУВОРА»НИНГ НАБИРАСИГА АЙЛАНГАН КЎШИҚ

Сойиб Хўжаев театр билан Хоразмга гастролга борганида бир хўжалик клубида концерт бўлибди. Бир маҳал бошловчи «Энди навбат машҳур комик актёри-миз, Ўзбекистон халқ артисти Сойиб Хўжаевга!» дея эълон қилибди. Шунда оёғига кирза этик, эгнига пахталик, бошига телпак кийган гавдали одам ўрнидан туриб, «Шашма, сен Хоразмни кулдираман деб келдингми Ташкандан? Йўқ, бунақаси кетмайди. Чинакам халқ артисти бўлсанг, бизга «Сувора»ни айтиб берасан!» деганча, саҳнага кўтарилибди.

Ўша кезлар хоразмликлар «Сувора»ни куйлай олмаган санъаткорни ҳақиқий артистлар сафига қўшмас эканлар. Бироқ Сойиб Хўжаев бўш келмабди. «Менга қаранг, биродар! – дебди мулойимлик билан. – «Сувора»ни Комилжон Отаниёзов ўхшатиб айтган. Мен ундан ўтказолмайман. Шунинг учун сизга «Сувора»нинг набираси «Қуралай кўз»ни айтиб бераман», дебди. «И-е, манглайи қора, – ҳайратга тушибди мухлис, – «Сувора»нинг набирасиям бор эканми? Унда айт, бир эшитайлик-чи...»

Сойиб Хўжаев ўзи бош қаҳрамон ролини маромига етказиб ижро этган «Тошболта ошиқ» спектаклидаги «Қуралай кўз, қуралай, туйнугингдан мўралай» кўшиғини бошлаган экан, бояги мухлис лапанглаб ўйнай-ўйнай, аста-секин саҳнадан тушиб кетибди.

ТИЛ БИЛМАСЛИК ОҚИБАТИ

Муқимий номидаги театр директори ўринбосари Ярашевскийнинг хотини вафот этибди. Шу муносабат билан жамоа номидан ҳамдардлик билдириш учун Раззоқ Ҳамроев бошчилигидаги вакиллар йўлга тушибдилар. Йўлда Сойиб Хўжаев раҳбардан секингина сўрабди: «Раззоқжон, одатда биз марҳумнинг яқинларига ўз тилимизда «Бандалик, Худо раҳматига олган бўлсин, сизларга сабр-тоқат берсин», деймиз. У ўрисчада қандай айтилади?» «Я ваше горе разделаю бўлади!» деб тушунтирибди Раззоқ Ҳамроев.

Сойиб Хўжаев бора-боргунча бу гапни ичида такрорлаб кетибди. Аммо Ярашевскийнинг уйига бориб, уни бағрига босаётганида ёдлагани эсига келмай, «Я ваше горе поздравляю!» деб юборибди. Таъзияга борганлар кулишни ҳам, йиғлашни ҳам билмай, лол қотиб қолишибди...

«Uchar likopcha»

Botirjon sarguzasht-fantastik kitob desa o'zini tomdan tashlaydi. Qo'lidan qo'ymay oxirigacha o'qib chiqadi. Ayniqsa, koinot, o'zga sayyoralar, galaktikalarga sayohat mavzusidagi qissa, hikoyalari bo'lsa bormi, ichiga kirib ketadi. Uch yasharliligida buvisini holi-joniga qo'ymay ertak aytirardi. O'shandayam o'zini xayolan buvisi aytgan ertak qahramoniday tutar, ertakning davomi ba'zan tushlariga kirib chiqar edi.

Buvisi shu ertaksevar nevarasi bahona juda ko'p afsonalar, ertaklar to'qigan. Ularga zamonaviy texnika vositalarini, avtomobillarni, kompyuter, qo'l telefonlarini, kosmik kemalarni olib kirgandi. Ertak yakunida yaxshilar murodu maqsadlariga yetib, ezgulik, adolat tantana qilganida, yovuzlik barham topib, yomonlar jazolanganida Botirjonning ko'zlari chaqnaq, quvonchdan chapak chalib, qiyqirib yubirishini buvisi zavqlanib kuzatar ekan, kelajakda kim bo'lmasin, yaxshi inson bo'lsin, deb duo qilardi.

Botirjon harf tanigach, boshlang'ich sinfdayoq o'zi mustaqil ertak kitoblar o'qishga kirishdi. Uyg berilgan vazifani bajardi deguncha badiiy kitobga yopishardi. Bora-bora ertak, rivoyatlardan hikoya, qissa mutolaasiga o'tdi. O'qigan sayin o'zida oq-qorani yaxshi ajrata oladigan fazilat shakllanayotgani, dunyoqarashi kengayib, so'z boyligi, yozma va og'zaki nutqi o'sib borayotganini his etardi. «Xohlagan paytingda ulug' yozuvchilardan miriqib hikoya eshitish qanday yaxshi-ya!» derdi.

Botirjonning opasi Dildora 9-sinfda o'qiydi. Uning darsliklarini ham kitobxon do'stimiz allaqachon ko'zdan kechirib bo'lgan. Fizika kitobi astronomiya bobini esa qayta-qayta o'qigan, buvisining lug'atlaridan foydalanib, tushunmagan juda ko'p so'zlarining izohini o'qib, yodlab ham olgan.

U mutolaadan tashqari kinofilmlar ko'rishga ham vaqt topa biladi. Bermud uchburchagi, vaqt mashinasi, qor odam, noma'lum uchar jismlar, munajjimlar, ekstrasenlar faoliyati bilan bog'liq g'ayritabiiy ko'rsatuvlarni tomosha qilish ham jonu dili.

Ikki xonadon narida Botirjonning sinfdoshi Ilyosbek yashaydi. Uning tabiati Botirjon fe'l-atvorining tamomila aksi. Kitob o'qishga kirishdi deguncha esnoq tutib, uyqu elita boshlaydi. Goh-gohida «4» baho olib qolmasa, uchlarga ko'nikib ham ketgan. Mahallada tengdosh o'g'il bolalardan faqat ikkovlon bo'lganlari uchun ham ular juda inoq. Botirjon har kuni ertalab maktabga ketayotib Ilyosbekni chaqiradi. Maktabga yetgunlarigacha yangiliklardan gaplashib ketadilar. Ko'pincha Botirjon kitoblar, ko'rsatuvlar haqidagi taassurotlarini so'zlab beradi. Ilyosbek jon qulog'i bilan tinglaydi. Gohida ishonqiramay, eshitganlarini rad etadi. Mana, bugun ham shunday bo'ldi. Botirjon televizorda ko'rgan noma'lum uchuvchi jismlar haqida gapirayotganda Ilyosbek unga ishonmay, fikrlarini rad etdi. Mashg'ulotlar tugab, uyga qaytishlarida Botirjon ertalabki suhbat mavzusini davom ettirmoqchi bo'lib og'iz juftlaganda o'rtog'i to'xtatdi:

– Bo'ldi, hadeb quloqqa lag'mon ilaverma, boshim og'rib ketdi o'zi, – dedi. Botirjonga bu gap og'ir botdi. Ilgari ham bir-ikki bor «Kallam tutab ketdi, hadeb javrayverma», deya hazil qilgan edi. Lekin bugungi gapining ohangi bir muncha boshqacha bo'ldi», xayolidan kechirdi Botirjon.

Tovuqlarga don berayotib, xayoli yana parishon bo'ldi. Shovullab turgan ko'm-ko'k teraklarga, tepada uchayotgan varraklarga qarab turdi-da, birdan miyasiga bir quv fikr kelib, kulib yubordi.

G'aladonda dadasining gazi tugagan yondirgich chaqmoqtoshlari bor edi. Ularni shu paytgacha tashlab yubormaganini, boisi tagida fonarchasi bor edi. Ulardan birini sindirib ko'rgandi uchta kichik batareyali chiroqcha chiqdi. Tepasidagi temirchasi bosilsa, chiroq yonar, uning og'irligi bor-yo'g'i 5-10 gramm chiqardi.

U hafsla bilan shaffof polietilendan varrak yasadi. Shokilalarini ham uzun-uzun qildi. Har ikkala shokilaning tepasiga chaqmoqtoshdan chiqqan fonarchalarni yoniq holda yopishtirdi. Vaqt shomga yaqinlashib qolgandi. Botirjon zavq-shavq bilan varragini uchirdi, ikki terak bo'yi ko'tarilgach uning ipini simyog'och pastidagi beton qismiga bog'ladi. Varrak bir me'yorda goh chap, goh o'ngga shox tashlab uchardi.

Ko'kda oy ko'rinmas, ammo yulduzlar xira ko'zga tashlana boshladi. Varrakning ikki yonidagi faralar ham ko'k rangda nur ochib, sirli ko'rinish kasb etdi. Botirjon xohlagan rejasining silliq amalga oshayotganidan mamnun.

Endi eng qiziq joyi – Ilyosbek e'tiborini faralari ko'rinayotgan varrakka jalb etish qolgandi. Endi nimanidir bahona qilib o'rtog'ini chaqirishi kerak. Kechki ovqatni yeb bo'lishlari bilanoq Ilyosbek chaqirib qoldi. Botirjon yombi topgandek suyunib ketdi. Darvozaxona chirog'ini yoqib o'rtog'iga peshvoz chiqdi.

– Botir, Botir, yur, senga zo'r narsa ko'rsataman, – do'stining ovozida ichki titroq, hayajonlanish sezilib turardi. Yigitcha indamay o'rtog'i ortidan ergashdi.

– Osmonga qara...

– Tinchlikmi? Hech narsa ko'rinmayapti-ku, – dedi Botirjon o'zini beparvo tutib, aslida xursandlikdan boshi osmonda edi.

– Yaxshiroq qara, huv tepadagi chirog'i yonib turgan uchar jismni ko'rmayapsanmi?

– Buvim osmonda bemavrid ko'ringan narsalar bexosiyat bo'ladi, deganlar. Bolalarni o'zga sayyoralariga olib ketib qolishlari ham mumkin ekan. Ilyosbek, panaga o'taylik, qo'rqib ketyapman.

Ilyosbek lol qoldi. Botir gapiryaptimi, shu gaplarni yoki boshqa bironmi?

– Agar fotoapparatmi, videokamerami bo'lganidami, tasvirga tushirib qo'yardim, – dedi Ilyosbek. Ikki o'rtog' osmondagi «noma'lum» jismni biron kuzatib xayrlashishdi. Botirjon uyiga kirmadi. Darvozaxonadagi chiroqni o'chirgach, do'stini pinhona kuzatdi. Ilyosbek uyiga kirib ketganiga to'la ishonch hosil qilgach, simyog'ochdan varragini bo'shatib oldi-da, tezda ipini o'radi. Ichida quvona-quvona juftakni rostladi.

Ertasi kuni ertalab Ilyosbek o'rtog'larini to'plab olib gapirar edi:

– Kechqurun shundoq hovliga chiqsam, osmonda qo'shchiroqli uchar likopcha turardi, Rost, Botir ham ko'rди...

Bahodir RAHIM



Men anglagan hayotiy xulosalar

Сартарош билан доирачи азалдан кишини истаган ҳолга сола олган. Энди уларнинг ёнига суратчи ҳам кўшилди.

Эллик ёшдан сўнг одамнинг қандай ва қанча яшаши фақат оиласига боғлиқ.

Айримлар нонуштада бир хил овқат ейиш миллийлик, икки хилини истеъмол қилишни замонавийлик

белгиси деб ҳисоблайдилар.

Бадий асар ёзиш қозонда қайнаётган шўрвага ўхшайди. Кўпигини олиб, шопириб турмасанг, таъми бузилади.

Меҳр кўзда. Лекин ифодаси барибир сўзда.

Ўз-ўзи билан курашиш душман билан курашишдан кўра минг карра мушкулдир.

Газета ўқимаган, телевизор кўрмаган одамни айбламаслик мумкин-дир, лекин китоб мутолаа қилмагани кечириб бўлмайди.

Муҳаббат математикаси бор гап. Лекин унинг айирув белгиси йўқ.

Фаросат илм эмас, ота-онадан қоладиган маънавий мерос.

Кўнгил оғримайди, аслида уни оғритадилар.



Уни дард шоир қилди. Шоирлиги эса дард бўлди.


Табиат ўзига нисбатан қилган гуноҳимизни кечирмайди. Жазолаб бўлгач, авф этади, холос.

Инсонга ақл ақллилигини англаганда керак бўлади.



Хусан СОБИҚОВ чқофқфан





«КИТОБ ДУНЁСИ» ТОПҚИРЛИК МАШҚЛАРИ

АЙЛАНМА КРОССВОРД.

Шаклда белгиланган хонадан соат мили йўналишида: 1. Ўтмишда илк асарлар битилган, тропик ва субтропик мамлакатларда ўсувчи кўп йиллик ўсимлик. 2. Истиқлол йилларида 2700 йиллиги нишонланган зардуштийлик динининг муқаддас китоби. 3. Эрамининг VII асри ўрталарида ўзига хос усулда қоғоз ишлаб чиқарилган ватанимиздаги тарихий шаҳар. 4. Мукаммал лугат. 5. Қадимда китоблар битилган жонивор териси. 6. Саводли бўлишда энг биринчи дарслик. 7. Матн, рақам ёки белгининг акси бўлган ва босма қолип қуйиб олинадиган металл тахтача. 8. Ноёб ҳодисалар ҳақидаги маълумотлардан иборат нашр номи: «...нинг рекордлар китоби.» 9. «Сўйласин Афросиёбу, сўйласин ... хати». 10. Қадимда хушбўй хид таратиши учун қоғоз таркибига қўшилган, атиргул гулбаргидан тайёрланган модда. 11. Хуснихат билан кўчириш касби эгаси. 12. Туркистонда илк босма китоб нашр этилган шаҳар. 13. Ўтган аср бошида «Опти тилли лугат» тузган наманганлик маърифатпарвар. 14. Қоғоз ватани ҳисобланувчи мамлакат. 15. Шоир асарларининг мукаммал тўплами. 16. Қўлёзма китоб саҳифаларини безатувчи мусаввир. 17. Китобни қуйиб ўқишга мўлжалланган мослама. 18. Китоб, қўлёзмаларнинг маълум алифбо тартибда тузилган рўйхати. 19. Текис босма усули. 20. Илк ёзувлар ёзилган лойдан ясалган ашё. 21. Муҳаммад Раҳимхон II саройида 1874 йилда ташкил этилган тошбосмада ишлаган илк ўзбек матбаачиси ва ношири. 22. Инглиз адаби Жонатан Свифт таърифича: «... лар ақл фарзандларидир.» 23. Пўстлоғи ёзув

ашёси сифатида ишлатиладиган тропик доим яшил дарахт. 24. Ўтмишда китоблар сақланган қопқоқли, қулф-калитли жиҳоз. 25. Қадимги Римда пайдо бўлиб, папирус ва пергаментга ёзилган, сўнг дафтар тарзида тайёрланган, илк китоб шаклларида бири. 26. Босма асарларни тайёрлаш ва чоп этиш билан шуғулланувчи муассаса. 27. XVI асрда Туркияда нашр этилган Алишер Навоий асарларининг изоҳли лугати. 28. Ўз даврининг «Хаттотлар султони», «Китоблар қибласи» номли унвонлар соҳиби бўлган шоир. 29. Китоб varaғининг ҳар бир томони. 30. Оҳақтош, рух ёки алюминийдан фойдаланувчи босма қолип асосида матн босиш усули. 31. Китобларни муқоваловчи уста. 32. Ўқув қўлланма.

МУАММОНОМА

Шаклнинг ўрта қисмидаги рақамларда улуғ шоир Алишер Навоийнинг ҳикматли сўзи яширинган, уни қуйидаги калит сўзлар жавоблари орқали билиб олинг.

1. Ўрта асрнинг донишманд шоири Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билг» асари қаҳрамони – 1, 14, 6, 4, 9, 2, 5.
2. Ёзув сўзининг китобий атамаси – 11, 5, 6, 5, 10.
3. Адабий жанр – 12, 3, 7, 16, 3.
4. Китобни безатувчи санъаткор – 8, 3, 13, 13, 1, 16.
5. Ёзув қуроли – 15, 3, 9, 3, 16.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ


ЎТГАН СОНДАГИ «МИЛЛАТ ВА ВАТАН КУЙЧИСИ» МУАММОНОМАСИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Калит сўзлар: 1. Боғ. Кўз. 2. Тўёна. Ўлкам. 3. Дўстим. Гўша. Эрк. 4. Ватаним. Сенга. 5. Муҳаббат. Неча. Рақамларда: Умрим агар боғ бўлса, сиз боғбонсиз, элим, Тутдим, олинг – ўз боғингиз шарбат гулобидир.


Ёшинг неча деб сўрмангиз, ёрону аҳли дил, Эркин Ватан ёши менинг ёшим ҳисобидир. «Бағишлов» шеърдан



Chor minor



Bog'bon Rasul bobo portreti





Musavvir Vafo Barnoyev ijodidan namunalar

Таникли рассом Вафо Барноев 1952 йилда Бухорода туғилган. 1981 йилда ҳозирги Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтини тугатган. Айти пайтда Бухородаги тасвирий ва амалий санъат лицейида ўқувчиларга ранг-тасвир сирларидан сабоқ беради.

Тошошабин бирор расмни кўрар экан, ундаги ҳар бир қисм мусаввир тафаккури, фалсафий мушоҳадаси, маҳоратидан «сўзлаб» туради. Вафо Барноев тасвирий санъатнинг қайси жанрида ижод қилмасин барчасида эзгулик ва гўзалликни тасвирлашга ҳаракат қилади.

У республикаимизда ўтказилган бир қатор кўرғазмаларда ўз ишлари билан иштирок этиб, санъат ихлосмандлари эътирофига сазовор бўлган. Германия, Россия, Чехия, Туркменистон сингари давлатларда шахсий кўрғазмалари ташкил этилган. Ҳозирда Вафо Барноев асарлари Темурийлар тарихи давлат музейи, Бухоро давлат музей-қўриқхонаси ва кўплаб шахсий коллекцияларда сақланади.



Etyud



Eski shahar

485 1328



Ўзбекистон халқ артисти
Марям ИХТИЁРОВА

ISSN 2091-5330

OBUNA DAVOM ETMOQDA

Indeks: yakka obunachilar uchun – 820, tashkilotlar uchun – 806.